

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ХОЖА АСАРЛАРИДА ШАРҚ ҲИКОЯТЛАРИ ГЕНЕЗИСИ

Абдуллаева Д.З., Бахромова М. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада А.Навоий дostonлари ва Хожанинг “Мифтоҳ ул-адл” асаридаги сюжетларнинг халқ оғзаки ижодидан ўзлашганлиги масаласи, уларнинг сюжет ва композицияси, образлар тизими, мавзу ва гоҳ бирлиги тадқиқ этилади.

Калим сўзлар: дoston, шарқ ҳикоятлари, аналогия ва тафовут, сюжет ва композиция, дидактика, мавзу ва гоҳ, халқ оғзаки ижоди, анъана ва янгилик.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларида шарқона мотив ва сюжетларнинг етакчилик қилиши унинг халқ оғзаки ижодидан таъсир олганлиги, устозлари анъаналарининг муносиб давомчиси бўлганлигидан далолат беради. “Хамса”нинг биринчи дostonи “Ҳайрат ул-аброр” ва Хожанинг “Мифтоҳ ул-адл” асарида Искандар, Нўширавон, Баҳром, Хотами Той, Золи зар, Жамшид, Сулаймон, Султон Махмуд каби тарихий ва афсонавий образлар, улар билан боғлиқ воқеалар шарқ ҳикоячилигида аввалдан мавжуд бўлган. “Тарихий воқеа ва машҳур шахслар ҳақида пайдо бўлган ривоятлар асосан муайян шахс фаолияти, донишмандлиги ҳамда қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилади, тарихий шахс эга бўлган фазилат ва идеал ахлоқ нормаларини ташвиқ этади” [9].

Шарқ ҳикоячилигида ибрат, ўғит, панд устувор бўлганидек, “Ҳайрат ул-аброр” ва “Мифтоҳ ул-адл” асарларида ҳам дидактик йўналиш алоҳида аҳамиятга эга. Алишер Навоий дostonида қарам, саховат, адолат, раиятпарварлик, садоқат, вафо, олижаноблик каби фазилатлар улуғланади. XIX асрда яшаган адиб ва шоир Пошшохожа асарларининг асосий мавзуси ҳам адолат, давлатни идора этишда халқ манфаатларини кўзлаш, ҳар ишда адл қилишдир.

“Хамса” дostonида Искандарга бағишланган алоҳида дoston бўлишига қарамай, “Ҳайрат ул-аброр”да ҳам Искандар образига ажратилган ўринлар бор. Хусусан, халқда Искандарнинг вафотидан олдин “ўлганимдан сўнг қўлларимни тобутдан ташқарига чиқариб қўйинглар”, деган васияти ҳақида кичик ҳикоят бор. Дostonнинг 49-бобида ушбу сюжет ўзига хос тарзда баён қилинади. Искандар тилидан қуйидаги сўзлар келтирилади:

Қабрга чун бошлангунгуздор йўлум,

Наъш ёнидин чиқаринг бир қўлум.

То кишиким қилса назар ул сори,

Ибрат ила бокқай ўшул қўл сори [1].

Алишер Навоийнинг ижодий меросида Искандар образи доимо ижобий талкин қилинади. Ушбу ҳикоят замирида ҳам нафсу ҳавога берилмаслик, давлату мартабани деб худпарастлик, такаббурлик қилмаслик кераклиги уқтирилади. Шарқшунос олима Ф.Сулаймонова “Александр Македонский тимсолининг шарқ адабиётида талкини” мақоласида Искандар образи шоирлар томонидан идеаллаштирилгани, ҳамсанавислар дostonларидаги Искандар тарихий шахс эмаслигини исбот этади [6].

Худди бошқа ҳамсанавислар дostonларида бўлганидек, Хожа асарида ҳам Искандар ижобий

қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Унга кўра, Искандар бир вилоятга бориб қараса, бу ерда боғ-роғларда мевалар пишиб ётибди-ю, боғбони йўқ экан, қўйлар суруви чўпонсиз ҳам ўтлаб юрармиш, дўконлар очик бўлиб, молу матолар эгасиз турармиш. Искандар бу воқеалардан ажабланган экан, бу юртнинг подшоҳи: “Бизнинг орамизда ким қашшоқ бўлса, унга ёрдам бериб, жамиятда ўзимиз билан тенг қиламиз”, –деб жавоб берибди. Яна бир ҳикоятда Искандарнинг зулматга киришда кўшинига кекса кишиларни олмасликни буюргани, бир йигитнинг отасини билинтирмай сандиққа солиб олгани, сўнг шу мўйсафиднинг заковати туфайли зулматдан чиқиб кетганлари ҳикоя қилинади. Яна бир ўринда Искандарнинг олдида бир девонани олиб келганларида, у Искандарга иккита суякни кўрсатиб: “Буларнинг бири подшоҳники, иккинчиси гадоники, фарқлай оласанми?” – дейди. Искандар фарқлаб бўлмаслигини айтгач, девона: “Ўлгондин сўнг подшоҳ бирлан гадонинг ҳеч фарқи йўқ эркан, бас подшоҳликдин мурод не турур?” дейди. Искандар унинг оқиллигига тан беради [8].

Халқ оғзаки ижодида оид манбаларда эса Искандар номи билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятлар мавжуд. Тарихий шахслар ҳақидаги афсоналар “бу тарихий шахслар фаолиятини бўрттирилган, фантастик воқеалар, ҳаёлий бадиий тўқима асосида тасвирлайди” [2]. Халқимизда сир сақлай олмаган сартарошнинг “Искандарнинг шоҳи бор!” деб қудукка айтиши ҳамда най орқали бутун мамлакатга бу сир маълум бўлгани ҳақидаги ривоят кенг тарқалган.

Хожанинг “Мифтоҳ ул-адл” асарида Искандар ва Доро кураши тасвири ҳам келтирилган. Искандар Доронинг энг яқин икки ходимига юқори лавозим ваъда қилиб, ўз подшосини ўлдиришга кўндиради. Улар Дорони ўлдириб бошини Искандарга олиб келишади. Искандар Доронинг жасадини ҳурмат билан кўмади ва шу ерга иккита дор тиктириб иккала ходимни осийга буюради. Улар Искандарнинг ваъдасини эслатишганда, Доро сизларга тарбия бериб, лавозимга қўйганини билмадинглар, менинг яхшилигимни билармидинглар, деб уларни жазолайди [8].

Кўринадики, тарихий шахслар ҳақидаги ривоят ва афсоналарда тарихий ҳақиқатни етказиш муҳим ҳисобланади. Фольклоршунослар таъкидлаганидек, “ривоятлардаги сюжет қисқа, кўпроқ баён характерида бўлиб, асосан тарихий ҳақиқат, фактик ҳодисалар ҳақида ахборот бериш функциясини адо этади” [9]. Алишер Навоий ва Хожа асарларидаги тарихий шахслар

* Абдуллаева Д.З. – АнДУ доценти.

Бахромова М. – АнДУ талабаси.

тасвири шартли бўлиб, муаллифларнинг мақсади подшоларнинг тарихи, жангини баён қилиш эмас, балки машҳур бўлган подшолар номидан фойдаланиб, адолатли шоҳ ва идеал жамият ғоясини илгари суриш бўлган.

Хар икки мутафаккир шоирнинг талқинида подшонинг ҳамиша адолатли бўлиши кераклиги ғояси илгари сурилади. Масалан, “Ҳайрат ул-аброр”нинг сўнгги ҳикоятида бир хизматкорнинг шоҳнинг бошига беҳосдан овқат тўкиб юбориши, шоҳнинг хизматкор ҳолини кўриб уни озод қилгани баён қилинади.

Шоҳ деди лутф била завқнок:

Ким ани худ хижлат этибдур ҳалок.

Кимса ўлукни яна ўлтурмади,

Тиғи сиёсат бошига сурмади [1].

Халқ ва унинг раҳбари ҳақидаги образли фикру ғоялар ўртасида ҳам ўзаро ўхшашлик кўринади. Алишер Навоий:

Бўрини доғи галадин дур қил,

Сув берибон боғни маъмур қил.

Ғам есанг ул гала манофиъ берур,

Боғ гулу мева нофиъ берур [1].

деб халқни “бўри”лар, яъни душманлар ва бошқа ёмонликлардан подшо сакласа, худди дарахтлар экилган боғ парвариш қилинса, мева берганидай бу хатти-харакатлар наф келтиришини таъкидлайди. Хожанинг асарида ҳам шунга яқин мисралар мавжуд:

Раиятга султон эрур посбон,

Раият эрур қўю, султон – шўбон.

Шўбон бўлмаса қўйдин бохабар,

Бўридин етар анга хар дам зарар[8].

Юқоридаги тўртлик Нўширавон ҳақидаги ҳикоятнинг хулоса қисмига қўйилган бўлиб, унга асос бўлган воқеа қуйидагича: Нўширавон бир айвон қуриб уни “адолат айвони” деб номлайди. Бир аёлнинг уйи ана шу айвоннинг рўбарўсида бўлиб, хар куни сигирларини шу ердан олиб ўтаётганда сигирлар тезак ташлаб ўтарди. Нўширавон ходимларига айтиб айвонни тозалатиб қўярди. Беш-олти йил шу тахлит давом этгач, аёлнинг ўзи инсофга келиб, унинг адолатлими ёки йўқми, шуни синамоқчи бўлганини, энди бошқа бир ердан уй-жой қилиб беришини сўрайди [8].

Иккала асарда ҳам Нўширавон образи адолат тимсоли сифатида намоён бўлади. “Ҳайрат ул-аброр”да Нўширавон боғда сайр қилар экан, чиройли бир қизга майл қилиб, қўлини узатмоқчи бўлади. Лекин бу ишга наргис гули қараб турганини кўриб, Нўширавон уялади. Хулоса сифатида шоир қуйидагиларни келтиради:

Айш, Навоий, неча дилкаш дурур,

Лек адаб бирла ҳаё хуш дурур[1].

“Мифтоҳ ул-адл” асарида Нўширавон билан боғлиқ яна бир неча ҳикоятлар бор. Халққа зулм ўтказган бек бир беванинг ерини тортиб олади. Нўширавон арзга келган беванинг шикоятининг тўғрилигини текширгач, бекни жазолайди, сўнг эшикдан то тахтгача занжир ўтказиб қўнғирок

ўрнаттиради, подшо олдига келувчилар қўнғирокни чалишлари керак бўлади. Бир куни қўнғирокка эшак келиб ишқаланади. Нўширавон суриштириб билса, эшакнинг эгаси уни қариди деб хайдаб юборган экан. Подшо эшакнинг эгасига ем ва сув беришни буюриб ҳукм чиқаради. Хожа ҳикоятларининг сюжет қурилиши ва тасвир баёни эртақ, латифа, ривоятлари билан муштарақлик касб этади. Тўғри таъкидланганидек, “Хожа адабий фаолиятининг камол топишида фольклор асарлари, уларнинг темаси ва ғоявий мотивлари, сюжети ва образлари, адабий услуб ва бадиий усуллари, тил бойлиги ва поэтик формалари ижодий озик бўлди”[7].

“Ҳайрат ул-аброр”да адолатли подшо тимсоли “Шоҳ Ғозий” ҳикояти орқали ҳам тасвирланади. Бева кампир шоҳдан ўз ўғлининг хунини талаб қилади, унинг ўғли жангда ҳалок бўлган эди. Иккаласи козига борадилар, Қози кампирнинг хоҳиши бажарилиши кераклигини ҳукм қилади. Шоҳ кампирнинг қўлига қилич ва олтин кумуш бериб, иккисидан бирини танлашини айтади. Кампир шоҳнинг адолати ва тўғрилигига тан бериб, сийму зарни танлагани сабаб уни халқ “Золу зар” деб атайдилар.

Хожанинг “Гулзор” асарида юқоридаги сюжетга аналогик ўхшаш ҳикоят бор. Султон Маликшоҳнинг қуллари бир бева аёлнинг сигирини ўғирлаб сўйиб ейишади. Аёл Султон ўтадиган Зиндаруд кўприги олдига келиб, “менга адолат қил, бўлмаса сирот кўпригида сени тутаман”, дейди. Султон аёлнинг даъвосини эшитгач, ўғирланган сигир эвазига ўнтасини берай, дейди. Аёл рози бўлмайди, унга йигирма, кейин саксонга сигир тақлиф қилишади. Султон аёлнинг хоҳишини бажариш учун қулларини топтириб келиб, уларни жаллодга топширади. Вақт етиб Султоннинг қазоси келади. Бундан хабар топган аёл фарёд қилиб: “Эй худоё, Султон Маликшоҳ манга адл қилиб эрди, анга раҳмат қилғил”, дейди. Шу кечада Исфохон аҳолисининг барчаси бир хил туш кўради: Султон Маликшоҳ жаннатда юрарди. Ундан: “Қайси амал (иш)нинг учун жаннатга кирдинг?”–деб сўрасалар, “бир қари аёлга адолат қилганим учун, худо мени бу давлатга етказди”, деб жавоб беради. Яна бир ҳикоятда Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг адолат учун ўз ўғлини жазолашдан ҳам қайтмаслиги баён қилинади. Шуниси қизиқки, айрим манбаларда бу шахсга кўпинча салбий муносабат билдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, ёзма адабиётдаги тарихий шахс образлари дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган. Алишер Навоий ва Хожа асарларидаги тарихий шахслар номлари шартли бўлиб, адолатли подшо ғоясини ифодалаш учун хизмат қилади. “Хамса” ва “Мифтоҳул-адл”, “Гулзор”да аналогик яқин сюжетларнинг қўлланиши адибларнинг ғоявий нияти билан боғлиқ бўлиб, иккала мутафаккир ҳам ўз даврида инсон ва унинг маънавияти билан боғлиқ масалаларни ёритишда халқ ўртасида кенг тарқалган ривоят ва ҳикоятлар трансформациясидан фойдаланган.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. “Ҳайрат ул-аброр”. 7-ж. – Т.: Фан, 1991. 255-256;343; - Б.125.
2. Жўраев М. Хаёлот чечаклари. / Ипак йўли афсоналари.– Т., 1993. 9-б.
3. Лукмони ҳаким. Эртақлар, нақллар, кулки-ҳикоялар, латиқалар. – Т.,1990.
4. Мирзааҳмедова М. Хожа. – Т.: Фан, 1975.
5. Нисорий. Музақкирул-аҳбоб. – Т., 1993.
6. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб. – Т., 1997. – Б.150-151.
7. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-ж. – Т.: Фан, 1978. – Б.125.
8. Ўзбек адабиёти. - Т.,1959. 249; - Б.149.
9. Ўзбек фольклори очерклари. – Т., 1989.- Б.30-31.

РЕЗЮМЕ

В статье исследуется произведение А. Навои и Хожа «Мифтоҳ ул-адл», так как сюжеты заимствовались от устного народного творчества, анализируются сходства по сюжету и композиции, системе образов, тематике и идее.

Ключевые слова: А.Навоий, дастан, Хожа, восточные рассказы, аналогия и различие, сюжет и композиция, дидактика, тема и идея, устное народное творчество, традиция и новаторство.

RESUME

The article describes the relation between folklore and of plots in poems Uzbek poets Alisher Navoi and Khodja and the plot and composition, the system of image, similar in the plot and themes.

Key words: Alisher Navoi, epic poem, Khodja, stories of East, analogy and difference, plot and composition, edification, content and idea, folklore, tradition and novelty.

СТРУКТУРНАЯ ОСОБЕННОСТЬ СОВРЕМЕННЫХ СМИ

Аткамова С.А. *

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются язык и своеобразие современных СМИ. Анализируется особенность языка газеты на фоне остальных средств массовой информации. Как известно, отличительной особенностью стиля СМИ является неограниченное количество участников общения. Это предъявляет высокие требования к полноте, ясности и точности речи. Стиль СМИ характеризуется монологической и диалогической, устной и письменной формами речи. Особый упор в статье сделан на газету, как одного из основных видов передающих информацию.

Ключевые слова: воздействие, информация, телевидение, радио, интернет, газета, экспрессивная окрашенность, аудитория, функция, стиль, образность.

В настоящее время средства массовой информации (далее СМИ) прочно вошли в жизнь общества, являясь мощным средством воздействия на человеческий разум. Язык СМИ, который относится к публицистическому стилю, наиболее быстро реагирует на все изменения в общественном сознании. В нем легко увидеть новые тенденции в подходах к изучению языка, которые прослеживаются в современной лингвистике.

СМИ являются основным субъектом, передающим аудитории важную общественно-политическую информацию. Они освещают различные актуальные проблемы, рассказывают о культурной и духовной жизни страны, передают информацию со всех концов мира и тем самым влияют на мнение и поведение людей, как в обществе, так и индивидуально.

СМИ подразделяются на визуальные / зрительные – периодическая печать; слышимые – радио; аудиовизуальные – телевидение, интернет. Несмотря на различия функционирования, они объединяются в единую систему массовой коммуникации благодаря общности функций и особой структуре коммуникативного процесса. Они включают в свой состав газетную и журнальную прессу, радио и телевидение, щиты объявлений и различные формы прямого устного общения с массовой аудиторией. Среди СМИ газете принадлежит особенно важная роль. Это связано и с самой широкой повседневной доступностью газеты, и с огромным диапазоном многопрофильного выбора, и с синхронной многоплановостью содержания каждого номера, и с информационной оперативностью газеты и т.д. «Если взять в целом речевой массив газет, то он намного превосходит общий речевой массив всех остальных СМИ» [2:7].

Отличительной особенностью стиля СМИ является неограниченное количество участников общения. Это предъявляет высокие требования к полноте, ясности и точности речи. Стиль СМИ характеризуется монологической и диалогической, устной и письменной формами речи.

Язык СМИ определяется с тесной связью с широкой аудиторией. Он состоит из языка телевидения и радио, языка интернета и языка печатных изданий, в данном случае языка газеты. Между языками СМИ существует ряд сходств, подтверждающих взаимную связь всех видов.

Согласно А. Н. Васильевой, СМИ являются основным субъектом, передающим аудитории важную общественно-политическую информацию. Они включают в свой состав газетную и журнальную прессу, радио и телевидение, щиты объявлений и различные формы прямого устного общения с массовой аудиторией. Среди СМИ газете принадлежит особенно важная роль. Это связано и с самой широкой повседневной доступностью газеты, и с огромным диапазоном многопрофильного выбора, и с синхронной многоплановостью содержания каждого номера, и с информационной оперативностью газеты и т.д. Если взять в целом речевой массив газет, то он намного превосходит общий речевой массив всех остальных СМИ [1].

Язык СМИ – это язык информационный, обеспечивающий компактную и строго однозначную запись данного содержания в форме приемлемой для непосредственной подачи на механизмы. Наличие стандарта и быстроты передачи информации в кратчайший срок в уплотненном виде определяет информационную функцию СМИ. С функцией воздействия связаны такие стилевые черты как эмоциональность, образность [2].

Язык СМИ наиболее быстро реагирует на все изменения в общественном сознании. В нем можно увидеть новые направления в подходах к изучению языка, которые прослеживаются в современной лингвистике. Между языками СМИ существует ряд сходств, подтверждающих взаимную связь всех видов и различий, указывающие на своеобразие каждого вида. Как известно, яркими сходствами всех СМИ являются: уплотненность информации; воздействие на массового адресата; сжатость объема времени (на телевидение и радио) и площади (в газете и в интернет сайтах); наличие экспрессивности и эмоциональной окрашенности; разнообразное применение фразеологических и стилистических средств; доступность для массовой аудитории. Различия между языками СМИ проявляются в жанрах, которые свойственны каждому виду в отдельности.

Как заметили И.Тошалиев и Р.Абдусатторов, «каждый вид СМИ обладает своеобразными лингвистическими способностями, понятия – язык прессы, газетная речь, речь радио, телевизионная речь, определяют внутреннюю дифференциацию данных видов и является внутренней формой

* Аткамова С.А. – научный исследователь УзГУМЯ.

массовых социальных отношений. Своеобразие, дифференциация между ними определяется на основании экстралингвистических факторов, свойственных средствам массовой коммуникации» [5:60].

Исследования большинства ученых показывают, что среди функций СМИ выделяются: 1) информационная, где сообщаются факты и события; 2) комментирующая, где изложение фактов сопровождается комментарием и анализом; 3) познавательно-просветительская, которая способствует пополнению фонда знаний своей аудитории трансляцией многообразной культурной, исторической, научной информации; 4) функция воздействия, имеющая влияние на взгляды и поведение аудитории; 5) гедонистическая, представляющая развлекательную информацию, воспринимаемую аудиторией с большим положительным эффектом и др. К числу важнейших функций принадлежат информационная и воздействующая. Специфика СМИ состоит в том, что каждый вид имеет своеобразие в организации и своеобразие выполняемых функций.

Процессы, происходящие в настоящее время в языке СМИ, достаточно активны, стремительно возникают и развиваются новые явления. К таким активным процессам относится и использование различных стилистических приемов в языке СМИ. В то же время это не только лингвистические, но и социологические, культурологические явления, отражающие процессы, происходящие в обществе и в сознании носителей языка.

Значимость СМИ состоит в том, что происходят непрерывные поиски свежей выразительности и усиление экспрессии с помощью средств языка. Современными исследователями отмечается обогащение словарного состава языка СМИ за счёт внешних и внутренних заимствований, восстановления устаревших выражений, появление неологизмов. «Выразительные ресурсы СМИ обладают силой воздействия, используют разнообразные тропы, фразеологизмы, многообразные лексические и грамматические средства» [6:523].

В настоящее время жизнь общества невозможно представить без газеты как одного из основных видов СМИ. Газета, являясь средством передачи информации, вступает с читателем в контакт. Она рассказывает ему о внутренних и внешних происшествиях в стране и в мире, делится советами обыденной жизни, занимается рекламой, отвечает на вопросы читателей и др. Автор, опираясь на свои способности и знания, старается передать информацию четко, броско, сжато, в результате чего на читателя воспроизводится экспрессивное воздействие.

Яркими сходствами всех СМИ являются: уплотненность информации; воздействие на массового адресата; сжатость объема времени (на телевидение и радио) и площади (в газете и на сайте интернета) стилистическое применение лексических и фразеологических средств; наличие

эмоциональной окрашенности; доступность для массовой аудитории.

Отличительная черта СМИ состоит в том, что каждый вид имеет своеобразие организации и специфику выполняемых функций.

Телевидение является одной из главных видов СМИ, отличающееся визуальностью и слышимостью. Оно многофункционально. Основные функции телевидения – информационная, культурно-просветительская, управленческая, организаторская, образовательная, рекреативная [3].

Информационные программы являются опорными точками вещания телекомпаний, выполняемых телевизионными выпусками новостей. Оперативность освещения событий объясняется следующими условиями: профессионализм сотрудников, техническая оснащенность телекомпаний и высокий уровень организованности.

Культурно-просветительскую функцию телевидения выполняет трансляция культурных мероприятий: спектаклей, концертов, художественных и документальных фильмов.

Выполнение управленческой функции предполагает прямую вовлеченность воздействия на аудиторию, на пропаганду определенного образа жизни с соответствующим набором политических, моральных и духовных ценностей. В некоторых случаях телевидение в значительной части своих программ служит проводником государственной политики.

Организаторская функция объясняется тем, что телевидение иногда становится инициатором той или иной общественной акции.

Образовательная функция выполняет трансляцию поучительных программ в помощь подрастающему поколению, для разновозрастной аудитории, получающей то или иное образование и др.

Рекреативная функция выполняет трансляцию развлекательных программ, различных шоу, оказывая на зрителя чувство расслабления.

Особенностью телевидения среди всех СМИ является массовость разновозрастной аудитории. Независимо от типа информации, от повседневной до крайне трагической, передаваемой телевидением, она подтверждается видеозаписями, тем самым оказывая воздействие на разум и чувства телезрителя [4].

Таким образом, телевидение ставшее трибуной в сфере СМИ является самым доступным, достоверным средством информации для общества.

Следующим, не менее важным средством информации является радио. Язык радио – это устный функциональный стиль массовой информации. Как отметил Д. Э. Розенталь, речевая структура радио обусловлена основными принципами отбора речевых средств, способами их взаимного сочетания, объединения, которые определяются специфичностью технической передачи речи в радиовещании, а также тем обстоятельством, что эта речь предназначена для массовой аудитории [5].

При умелом дикторском чтении даже тяжелая, не предназначенная для устной формы фраза воспринимается с меньшим напряжением, чем в печатном тексте; смена дикторских голосов и дикторская артистичность усиливают экспрессию звучания газетного произведения, облегчают его восприятие [4:8].

Принципиальное отличие языка радио заключается в том, что звучащая речь окрашена интонационно. Интонация информационной части радиопередачи нейтральная, что касается всех остальных радиопередач, их интонация выделяется значительным богатством и разнообразием. В радиотексте интонация очень часто выступает единственным средством выражения эмоций, оценки. Для языка радио приобретают исключительную актуальность вопросы орфоэпии и интонационной стороны фраз, текста в целом с точки зрения восприятия звучащей речи, точности слов фразеологических конструкций[4].

Преобладающая форма радиотекстов – монолог. Создатель текста, стремится заинтересовать слушателя, повлиять на его сознание, эмоции – оптимизировать организацию речевых средств радиотекста, что вполне отвечает функциональным задачам языка радио.

Таким образом, в радиотексте интонация очень часто выступает единственным средством выражения эмоций, оценки. Интонация также способна передать дополнительную, невербальную информацию, весьма существенную для более глубокого осмысления сказанного.

Как известно, СМИ передает достаточно объективную информацию, не противоречащую ценностям общества и позволяющую сформировать достаточно долгосрочное и утвердившееся мнение. В настоящий момент помимо телевидения и радио сформировался новый особый вид информации – интернет, самый колоссальный источник информации, известное человечеству.

Интернет – порожденная технологиями СМИ система поиска и передачи информации, несомненно, приобрела абсолютный набор степеней свободы. Оперативность, быстрота и доступность связи между пользователями на дальних и близких расстояниях, позволяют использовать интернет не только как инструмент для познания, но и как инструмент для общения. Это явление открывает огромные возможности для творчества, обучения,

моделирования и многих других областей, а виртуальные технологии, созданные и применяемые на основе понимания явления виртуальной реальности, принесут несомненную пользу как отдельно взятому человеку, так и государственной системе в целом. Безусловно – это положительные стороны влияния интернета на общественное мнение и человеческую деятельность.

Особенность интернета заключается в том, что в нем присутствует вся информация интересующая посетителя. Наличие политической, экономической, научной, культурной, спортивной и другой информации, позволяет интернет пользователю выбор необходимой информации, а также посещение нескольких сайтов одновременно.

Безграничность интернета позволяет приобрести информацию со всего мира. Информация, не озвученная на телевидение и радио, не напечатанная в газете, может присутствовать в интернете в свободном доступе. Также информацию, переданную остальными СМИ вкратце, можно найти в интернете в полном объеме. Наличие видеoinформации сближает интернет к телевидению, отличие состоит в том, что интернет-информация не подвергается редактированию, монтажу, в то время как телеинформация проходит тщательное редактирование.

Несмотря на разнообразие СМИ, передовым и важнейшим средством информации для аудитории остается газета. Ее читают дома, на работе, в транспорте, так как язык газеты прост и легко читаем массами. Информация, излагаемая в газете понятна для общественного понимания, так как одна из основных ее свойств – доступность. Данное свойство подтверждает особое предназначение газеты для различных слоев общества.

Исходя из этих особенностей, можно отметить, что в языке газеты появилась яркость, простота, живость, эффективность выражений. Новые выражения, появившиеся в результате перемены в общественно-политической, экономической и культурной жизни общества находят свое отражение именно в газете. Так как язык газеты является зеркалом литературной нормы, в нем наблюдается интенсивное сближение книжного и разговорного стилей речи. Материалы современных газет показывают интенсивное проникновение в текст информации разговорно-просторечных, жаргонных средств.

ЛИТЕРАТУРА

1. Абдусаидов А. Язык газеты и литературная норма (на материале местных и республиканских газет): Автореф. дис. канд. фил. наук. – Ташкент, 1988, 23с.
2. Васильева А.Н. Газетно-публицистический стиль речи. – Москва: «Русский язык», 1982. – 198с.
3. Костомаров В.Г. Русский язык на газетной полосе. Некоторые особенности языка современной газетной публицистики. – Москва: Изд-во МГУ, 1971. – 268с.
4. Молчанова Е.Н. Телевидение в культуре современного информационного общества. – Ставрополь, 2005, С.155.
5. Розенталь Д.Э. Язык и стиль средств массовой информации и пропаганды. - Москва, 1980, С.256.
6. Сковородников А.П. «Экспрессивные средства в языке современной газеты: тенденции и их культурно-речевая оценка»//в учебном пособии «Язык средств массовой информации» под ред. М. Я. Володиной. – Москва: «Альма Матер», 2008. – С.521-535. С.521.

7. Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавийахборотнинг тили вауслубли. Ўқувқўлланма. –Тошкент: «ЗарҚалам», 2006. – 248б. С.60.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ОАВ тили ва хусусиятлари таҳлил этилади. Барча ОАВ орасида газета тилининг ўзига хослиги анализ қилинади. Маълумки, ОАВ хусусиятларидан бири бу унинг фойдаланувчиларининг бекиёслигидадир. Бу нутқнинг тўлиқлиги, тушунарлилиги ва аниқлилигини таъминлайди. ОАВ услуги монологик ва диалогик, оғзаки ва ёзма шакллари орқали ифодаланади. Мақолада асосий урғу, маълумот етказиш воситаларидан бири бўлмиш газетага берилган.

Калит сўзлар: таъсирчанлик, маълумот, телевидение, радио, интернет, газета, экспрессив бўёқдорлик, аудитория, функция, услуб, тасвирилилик.

RESUME

The article is dedicated to the investigation of language and specificity of the modern mass media. Peculiarities of the newspaper language among the rest of mass media are analyzed. Its well-known specificity of mass media based on its' immense size of users. It demands high standards of completion, clarity and faithfulness of speech. Style of mass media is characterized with monological and dialogical, spoken and written forms of speech. Particular attention in the article is payed to the newspaper, as one of the major means broadcasting the information.

Key words: impact, information, television, radio, internet, newspaper, expressive colorfulness, auditorium, function, style, imagery.

ЎЗБЕК ТИЛИ ТАСАВВУФ ЛЕКСИКАСИ ҚАТЛАМИДА МАЪНОДОШЛИК ҲОДИСАСИ

Ахатова М.С. *

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада илмий-техникавий соҳалар терминологиясида терминологик бир хилликка эришиш йўллари ва имкониятлари хусусидаги мулоҳазалар баён қилинган. Тасаввуф илмига хос лексик қатламдаги маънодошлик (синонимия) жараёнининг бошқа лексик тармоқлардагидан фарқли жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Мазкур лексика до

ирасида маънодошликнинг аффиксал маънодошлик ва луғавий маънодошлик турлари тадқиқ этилган. Тасаввуфий лексиканинг маънодошларга бойлигини тасдиқловчи далиллар келтирилган.

Калим сўзлар: илмий-техникавий соҳа, терминологик талаб, термин, маънодошлик жараёни, терминологик тадқиқот, ўзбек терминологияси, терминологик бир хиллик, луғавий маънодошлик, терминологик изоҳли луғат.

Муайян илмий-техникавий соҳа луғавий қатлами тадқиқ қилинганда тадқиқотнинг зиммасига ўша соҳа учун терминологик талабларга жавоб берадиган, тушунчани тўғри ифодалай оладиган, ихчам, лексик-грамматик жиҳатдан ўзбек адабий тилининг муайян меъёрларига мос келадиган терминни танлаш, қўллаш учун тавсия этиш, яъни термин танлаш ишларини бажариш шарт қилиб қўйилади. Айнан мазкур иш одатда терминологик тадқиқотнинг илмий-амалий жиҳатдан қийматини белгилайди деб қаралади. Терминологик ишларда қўллаш учун тавсия қилинган илмий терминлар сони 10 ёки 15дан ошмайди. Терминлар тадқиқ қилинган илмий ишларда кам миқдордаги терминларнинг тавсия қилиниши билан муайян соҳада бир тушунчанинг битта термин билан ифодаланишини таъминлашга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун бу муаммони ҳал қилишнинг бошқа мақбул йўллари ҳам топилса ва амалда жорий қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Лексик қатламга оид илмий ишларда маънодошлик, шаклдошлик, кўп маънолилик жараёнларининг ўрганилишидан мақсад, наинки, соҳалар терминологиясини тартибга келтириш, терминларнинг оптимал вариантларини қўллаш юзасидан аниқ таклифлар киритиш, балки маънодошлик, зид маънолилик, шаклдошлик ва кўп маънолиликни соҳада қайси сўзлар ташкил қилишини, уларнинг умумий маъноларини аниқлаш, фаркланувчи нозик маъно оттенкаларини очиш ва тегишли далиллар билан исботлашдан ҳам иборатдир. Лексема доирасида шакли ҳар хил, лекин ўхшаш маъноли бирликлар маънодошлар ҳисобланиб келинаётгани маълум. Маънодошликнинг луғавий маънодошлик, аффиксал маънодошлик, фразеологик маънодошлик ва ҳоказо турлари хусусида ҳам илмий манбаларда фикр-мулоҳазалар атрофлича баён қилинган. [1, 2, 3] Ўзбек тилининг тасаввуфий қатламида –“лик” аффикси бир неча маъноли истилоҳларни ҳосил қилади. “Сайру сулукда ҳаққа етказувчи йўл” маъносини ясайди ва айни пайтда, бундай сўзлар “тасаввуф тариқатининг номи” маъносини ҳам англатади: қодирийлик, нақшбандийлик, яссавийлик, кубравийлик, мавлавийлик, қаландарийлик, рифоийлик, досукийлик, аҳмадийлик, бадавийлик тарзида. Тасаввуфий тариқатларнинг номлари, одатда, шу тариқатга асос солган ёки унинг ривожланишига

катта ҳисса қўшган сўфийларнинг номларига - (и)я қўшимчасини қўшиш орқали ҳам ҳосил қилинади: саъд+ия тариқати, акбар+ия тариқати, суҳравард+ия тариқати, чишд+ия тариқати, байрам+ия тариқати сингари. Демак, -лик аффикси ҳам, -(и)я аффикси ҳам тасаввуфий қатламда “тариқат номларини яшаш” хусусиятига эга. Мазкур қўшимчалар соҳада аффиксал маънодошликни ташкил қилади. Бошқа аффикслар ўрта-сида маънодошлик мавжуд эмас. Маънодошликнинг соҳада луғавий маънодошлик тури кенг тарқалган. 1993 йилда нашр қилинган манбада “Тасаввуфга оид сўз ва иборалар “изоҳи” берилган. Мана шу луғатда иловада “истилоҳ” сўзи шундай шарҳланади: Истилоҳ [اصطلاح] – а. “атама, термин, шартли қабул қилинган сўз ва иборалар”. Илм ва фан оламида мутахассис ва олимлар томонидан ҳар бир илмий соҳага оид махсус атамалар қабул қилинган. Масалан, “Истилоҳоти сўфийя”ни олсак, тасаввуф аҳли сўзларни ўз луғавий ва шаръий маъноларидан фарқ қиладиган суфиёна маъноларини кашф этганлар. Улар Куръон ва ҳадис ибораларидаги шариат аҳкомларига далолат қилувчи мазмунларни инкор этмаган ҳолда, уларнинг ботиний маъноларини баён қилиб беришга ҳаракат қилганлар. Натижада тасаввуфга оид бир неча истилоҳий луғатлар юзага келган. Бу изоҳнинг келтирилишидан мақсад шуки, сўфийлар сўзларнинг луғавий маъноларидан ташқари уларнинг бир неча сўфиёна маъноларини ҳам илоҳий илҳом орқали кашф қилишган.

Шу сабабли маънодошларнинг ҳар бири тасаввуф илмида муайян инжа маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Мазкур омил тасаввуфий тушунчаларни англатувчи сўзларни таҳлил қилувчи мутасаввуфдан ҳам юксак ирфоний билим, илоҳий файзни талаб этади. Тасаввуф соҳасида маънодошлар уяси кўпинча кўп миқдордаги сўзларни ўз таркибига қамраб олади.

Масалан, абдол, аброр, абул вақт, авлиё, авсот, мубтади, авосит, мунтаҳи, набий, анбиё, аҳли агёр, аҳли ботин, восили Ҳақ, дарвеш, зоҳид, инсони комил, мурукиб, мурушид, мурушиди комил, мурид, нубувват, обид, озод, қобил, ориф, ошиқ, рижолул ғайб, сўфий, мадҳуш каби шахсни билдирувчи истилоҳларнинг сони 500 дан ортиқ. Уларнинг кўпи ўзаро маънодошликни ташкил этади. Бундай маънодошлар миқдорининг кўплиги изоҳда айтилганидек, “тасаввуф аҳли сўзларни ўз луғавий

* Ахатова М.С. – ЎЗМУ катта илмий ходим-изланувчиси, ф.ф.н.

ва шаръий маъноларидан фарқ қиладиган сўфиёна маъноларини кашф этган”лиги билан боғлиқ. Қолаверса, бу тасаввуфий лексиканинг чексиз уммон эканлигига бир далилдир. Маълумки, тасаввуф “илми ирфон” деб ҳам юритилади. Ирфоннинг маъноси “кашф ва илҳом билан ҳосил бўладиган билим”. Бу сўз маънавий ва ички тажриба орқали эришиладиган завқий илм маъносини ифодалайди. Бу маънони ладун илми, ботин илми каби истилоҳлар ҳам англатади. Кашф ва илҳом билан ҳосил бўладиган илм маъноси (яъни тасаввуф илми маъноси) ўзбек тилидаги манбаларда ўттизга яқин сўз орқали ифодаланган. Мазкур маънодошларни мисол сифатида келтирамиз: тасаввуф, маънавият илми, ирфон/илми ирфон, мистика (дунёдан беҳожат бўлиш), маърифат илми, тамаддун, катта илм, авлиёлар илми, тариқат илми, сўфийлар илми, ботиний илм, тариқат, ҳақиқат илми, ҳақиқат йўли, тариқи Ҳақ, ғайб илми, мавҳиба илми, мукошафа илми, илми ладун, илми ваҳбий, ишқи илоҳий, илоҳий май (Шу маънода ғазал қаҳрамонини – ошиқни “бу эски дайр хуффоши”, яъни кўршапалакчилигидан халос этадиган ботиний зиё – Май ҳисобланади), илоҳий шароб, илоҳий қадах, илоҳий бода, футувват/футувват илми ва ҳ.к. Тасаввуфий нуктаи назарга кўра, ваҳдати вужуд маслагидаги ошиқлар худодан бошқа борлиқ мавжудлигини тан олмайдилар. Уларнинг фикрича, дунёдаги ҳамма ашё ягона борлиқ – Аллоҳ борлигининг тасдиғидир. Тариқатчи шоирлар “ғайр”, “сиво”, даво, ёлғон, ағёр каби сўзларни “Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса” маъносида қўллайдилар. Мазкур маънони мосиво, касрат, дунё, моумон, олам, ашё истилоҳлари ҳам англатади. Яъни, улар бир маъно доирасида бирлашади. Юқоридаги мазмун ўзбек тилидаги манбаларда йигирмага яқин сўзлар воситасида ифодаланган: фано ҳарими, авом кутқуси, “соя, борлиқ”, дунё, “ғайр”, мосиво, “сиво”, даво, ёлғон, ағёр, ғафлат, моуман, касрат, ғурбат, ашё, махлуқот (Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода, қудрат каби сифатлари ҳам махлуқотда мавжуд), яратик ва ҳ.к. “Маънавий ҳаётнинг бош манбаи, ирфон маркази, Ҳақнинг тажаллигоҳи”ни қалб,

кўнгил, дил, юрак, виждон истилоҳлари англатади. Туркча луғатда аупа (яъни ойна)нинг тасаввуфдаги биринчи маъноси Аупа а) *Insani kamilin kalbi* [4-5] тарзида изоҳланган. Демак, ойна инсонни комилнинг қалбини ифодалайди. Шу маънода мазкур сўз ҳам қалб – дил – юрак – кўнгил – виждон маънодошлар каторидан жой олади. Ёзма манбаларга кўра, инсон танасида чап кўкракдан икки бармоқ тепада сувайдо номли нукта жойлашган. Илоҳий ишқ ана шу нуктада пайдо бўлади ва бутун танага ёйилади. Комил инсон сулуқда охириги ҳадга етганда сувайдода дастлаб пайдо бўлган илоҳий ишқ унинг юзида илоҳий нур пайдо қилади ва уни кўрган кишига бу ёғду ҳузур бағишлайди. Ана шу ишқи илоҳийнинг илк пайдо бўлувчи нуктаси – сувайдо кўнгил ҳам дейилади. Ҳамда қалб – дил – юрак – кўнгил – виждон каторидан сувайдо ҳам ўрин эгаллайди. Мазкур маънодошлик каторига руҳ ва нафси ҳам киритиш мумкин. Сўфийлар инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи майлларни нафсга нисбат берадилар. Уларнинг фикрича “нафс – золим ва калтабин”. У одамни тўғри йўлдан оздириб, ҳақиқатдан йироқлаштиради. Демак, нафс салбий, қалб, дил, юрак, кўнгил, виждон ижобий оттенкага эга, руҳ, сувайдо ва ойна бўёқдорликка эга эмасдир. Юқорида келтирилган мисоллар тасаввуфий лексиканинг маънодошларга бойлигини кўрсатувчи далилдир. Улар илоҳий ишқ йўлидаги сайёҳнинг ишқий кечинмаларини, ирфоний илмнинг турли кирраларини ўзига хос нозикликлари билан образли ифодалаш учун тасаввуфий манбаларда фаол қўллаб келинмоқда. Шунинг учун ўқув қўлланмалар, тасаввуфий-назарий, шеърий манбаларда маънодошлардан фақат бирини соҳанинг илмий истилоҳи сифатида танлашга эҳтиёж йўқ. Хуллас, тасаввуфий лексик қатламдаги маънодошлик (синонимия) борасидаги ўзига хос хусусият муайян маънодошлар уясида улар микдорининг кўплигидир. Тасаввуфий лексиканинг яна бир хусусий жиҳати, тасаввуфга доир тушунчаларни ифодаловчи истилоҳлар юзасидан тартибга келтириш ишларини олиб боришнинг мумкин эмаслигидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Т.: “Фан”, 1986, - Б. 235.
2. Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Т.: “Фан”, 1986, - Б.93 .
3. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т.: “Фан” 1985, -Б.144 .
4. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. Т.: “Мовароуннахр” – 1993, - Б.127.
5. Ulidag S. Tasavvuf terimleri so’zlugi. Istanbul. – 1995, - Б.604.

РЕЗЮМЕ

В научно-технических областях, для достижения единой терминологии изучены следующие терминологические пути и возможности: особенности и различительные стороны процесса синонимии в лексическом слое в науке суфистике.

Ключевые слова: научно-техническая сфера, терминологическое требование, термин, процесс синонимии, терминологическое исследование, узбекская терминология, терминологическая однозначность, словарная синонимия, терминологический толковый словарь, аффиксальная синонимия, фразеологическая синонимия, словарное значение.

RESUME

In article it is studies distinctive aspects and specific characteristics of synonymic process in the lexical layer of the mysticism science as compared with other lexical spheres.

Key words: science and technological sphere, terminological requirement, term, synonymic process, terminological research, Uzbek terminology, terminological similarity, lexical synonymy, terminological phraseological dictionary, affixal synonymy, phraseological synonymy, lexical meaning.

ҚАДИМИЙ АСОТИР ВА ЭРТАКЛАРДА АНИМАЛИСТИКА ЖАНРИ

Ашурова Ш.А. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Европа ва Осиё халқларининг қадимий афсона ва эртакларидаги анималистика жанри ҳақида сўз юритилади. Унинг илдизлари узоқ қадим замонларга – ер юзида ҳаёт пайдо бўлган даврларга бориб тақалади. Инсон ва ҳайвонларни узоқ эволюцион тараққиёт бирлаштириб туради. Бу тараққиёт давомида ҳайвонлар инсонларга қийинчиликларни енгиб ўтишда яқиндан ёрдам берди. Айнан шу сабабли ҳам инсон ҳайвонларга таҳсин ўқийди, уларни олқишлайди, уларга таъзим қилади, ҳайкалтарошликда, архитектурада, тасвирий санъатда ва, ниҳоят, бадий адабиётда ўзи яратган энг сара асарларни уларга бағишлайди.

Калит сўзлар: адабиёт, жанр, анималистика, асотир, эртақ, инсон, ҳайвон, мажоз, зоологик, антропологик.

Анималистик адабиёт узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Унинг илдизлари узоқ қадим замонларга – ер юзида ҳаёт пайдо бўлган даврларга бориб тақалади. Инсон ва ҳайвонларни узоқ эволюцион тараққиёт бирлаштириб туради. Бу тараққиёт давомида ҳайвонлар инсонларга қийинчиликларни енгиб ўтишда яқиндан ёрдам берди. Айнан шу сабабли ҳам инсон ҳайвонларга таҳсин ўқийди, уларни олқишлайди, уларга таъзим қилади, ҳайкалтарошликда, архитектурада, тасвирий санъатда ва, ниҳоят, бадий адабиётда ўзи яратган энг сара асарларни уларга бағишлайди. “Қушлар ва ҳайвонлар ҳақидаги афсоналар, маккор жонзотлар ҳақидаги эртақлар, ғаройиб махлуқлар ҳақидаги масаллар ва фантастик характерли битиклар, ҳайвонлар салтанати ҳақида ҳикоя қилувчи эпик поэмалар ва сатирик қиссалар – анималистик адабиётнинг тўлиқ бўлмаган бадий шакллари ана шулардан иборат.” [2. – бу ерда ва бундан кейин таржималар бизники – А.Ш.]

Асотирларда ҳайвонларнинг ўрни бекиёс. Мифопоэтик тафаккурда ҳайвонлар асотирий коднинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади, асотирлар ва асотирлаштирилган эртақлар эса мана шу код асосида яратилади. Асотирдаги ҳайвонлар инсоннинг атроф-муҳитни ва ўзини ўзи ифодалашининг бир усулидир. Инсоннинг ўзини табиатда мифологик гавдалантириши тотемистик асотирларга йўл очиб берди. Тотем (уруғ жамоалари сиғинадиган ҳайвон, ўсимлик, тош ва ҳқз) – [3]. маълум инсонлар жамоасини, уругини улар яшайдиган ҳудуд билан, ўтмишни бугунги кун билан боғлайди. Уруғларнинг тотемлари одатда маълум бир ҳайвон билан боғлиқ. Бу ерда анимализм унсури уруғнинг урф-одатлари, расм-русмлари, эътиқоди, яшаш тарзи билан намоён бўлади. Бу мотивлар охир оқибатда ҳайвонлар яратгучи киёфасида тасвирланган космогоник асотирлар пайдо бўлишига олиб келади. Кўп халқларнинг асотирларида қатор ҳайвонлар дунёнинг яратилишида бевосита иштирок этади. Қадимий тасвирий санъат ёдгорликларида ҳам ҳайвонлар асосий тасвир объекти бўлиб келган.

Агар асотирларда ҳайвонлар худо ёки ярим худо кўринишида намоён бўлса, бадий адабиётда улар реал воқеликка яқин турган образлар сифатида тасвирланади. Ҳар бир халқнинг фольклорида ҳайвонлар мавжуд. Жониворлар фольклорда қадим-

қадимда пайдо бўлган. Уларга шунчаки инсон хизматкорлари сифатида қаралган, улар бир жонли буюм сифатида тасвирланган. Ҳайвонларнинг тури эса халқларнинг машғулот, географик жойлашуви, маданияти, дунёқараши, анъана ва урф-одатлари билан боғлиқ. Ўзбек халқи оғзаки ижодида, достонларида, жумладан, азалдан от, туя, йирик шохли қорамол, кўй-кўзилар қуйланган. Улар бойлик, тўқлик ва хотиржамлик рамзи ҳисобланган.

Бадий адабиётдаги ҳайвонлар тасвири ўқувчига образли-эмоционал таъсир қилиш усули ҳисобланади. Ҳайвонлар тасвирланган асарлар мазмуни юксак эмоционаллиги билан ажралиб туради. Инсонлар ҳаётини ҳайвонлар образлари орқали тасвирлаш бадий адабиётдаги анималистик жанрнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Анималистик жанрлардаги ҳайвонлар образларини таҳлил қилиш, уларнинг ўзаро муносабатлари ва алоқаларини кўриб чиқиш, Европа ва Океан ортидаги (Канада, АҚШ) тарихий-адабий жараён давомида ҳайвонлар ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгаришини кузатиб бориш имконини беради. Ҳайвонлар ҳақидаги адабиётнинг асосий бадий тамойиллари халқларнинг фольклорида (оғзаки ижодида) аниқланган бўлса, умумий анималистик мотивларни ҳар бир халқ ва ҳар бир миллий адабиёт вакиллари ўзларича ишлаб чиққанлар. Ёзма адабиётда, жумладан, инсоният бадий тафаккурининг энг кўҳна ва ўлмас намуналаридан бири бўлмиш “Авесто”да жониворларга, айниқса, қушларга чуқур ҳурмат билан қарашган. [1].

Барча даврлар адабиётларида ҳайвонлар образларини учратиш мумкин. Жаҳон адабиётида бундай асарлар мўл-кўл. Антик дунёда бадий адабиётда жониворларни тасвирлашнинг маълум бир мезони, маълум бир қолипи пайдо бўлди. Жониворлар ва қушлар масалларнинг қаҳрамонларига айландилар.

Машҳур Эзоп бу жанрнинг ўлмас намуналарини ёзиб қолдирди. Бу мезон бора-бора одатдаги рисолага сиғмай қолди. Кейинроқ жониворлар бадий адабиётда бир воситачи сифатида тасвирландиган бўлди. Муаллиф ўз мақсадини амалга ошириш учун ҳайвонларни керак бўлганда ишлатади, керак бўлмаганда ишлатмайди. Жумладан, Апулейнинг “Олтин эшак” романи шундай асарлар қаторига қиради.

* Ашурова Ш.А. – ТАТУ Самарқанд филиали ўқитувчиси.

Ўрта асрларда Ғарбий Европада ҳайвонлар, хусусан, уй ҳайвонлари ва қушлар дастлаб “ле” ва “фаблио” (Франция), “миннизанг” (Германия) каби кичик жанрлардаги асарларнинг персонажларига айландилар, жониворлар асарлардаги инсонлар билан уларнинг тилида сўзлашадиган, кўпинча уларни тутиб олган инсонлар қўлидан қувлик ва маккорлик қилиб чиқиб кетадиган бўлишди. Шу даврда яратилган йирик жанрдаги асарлардан Европада кенг тарқалган “Тулки ҳақида роман”ни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бироқ ўрта асрларда динлар таъсири остида Европада инсон билан ҳайвонлар ўртасига Хитой девори қўйилди. Европада илоҳиётчи файласуф Фома Аквинский “Ҳайвонларнинг қалби йўқ”, дея таълим бераётган бир пайтда Шарқда, аксинча, ҳайвонларга ўзгача муносабатда бўлдилар. Достонларда отлар инсоннинг энг яқин дўсти этиб тасвирланди. Абулқосим Фирдавсий ўзининг машҳур “Шохнома”сида афсонавий Семурғ қушининг ўлмас образини яратди. Санойи Развоний “Тасбиҳи туйур” ва Ҳокрони Шарвоний “Мантик ут-тайр” қасидаларида қушларнинг ҳаёти, уларнинг тиллари ҳақида илк асарларни битдилар. Кейинчалик бу анъанани Шайх Фаридидун Аттор ўзининг “Мантик ут-тайр” асарида, Алишер Навоий эса “Лисон ут-тайр” (1499)да давом эттирдилар. Улуғ Навоий “Лисон ут-тайр” – “Қуш тили” асарида инсон билан табиат, илоҳиёт масаласини бадиий таъриф-тавсифлади. Буюк шоир ўз қарашларини Тўти, Товус, Попишак каби ўттиздан ортиқ қушлар тили, қилмиш-қидирмишлари, саргузаштлари орқали мажозий тарзда бадиий ифодалади.

XVI асрда Европада Мигель Сервантес (1547-1616) ўзининг “Игллар суҳбати” (Las Dialogas des Caenes) новелласини яратди.

XVII асрда Эзоп анъаналарини давом эттирган француз адиби Жан де Лафонтен (1621-1695) ўн икки китобдан иборат “Масаллар” (Fables)ида ҳайвонларнинг мажозий образлари орқали жамият ва инсонлар орасидаги иллатларни фош этиб ташлади.

XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг биринчи ярми француз адабий эртақ жанри таракқиётида олтин давр бўлди. Бу даврда машҳур француз эртақчиси Шарль Перро (1628-1703) нинг “Она Ғоз эртақлари” (Contes de ma mère l’Oye) деб ҳам аталувчи “Қадимги замон воқеалари ва эртақлари” (Histoires ou contes du temps passé), Комон де Лафорс (1650-1724) нинг “Эртақ кетидан эртақлар” (Contes suivis des contes), графиня де Мюра (1670-1716) нинг “Сеҳрли эртақлар” (Contes merveilleux) номли китоблари нашр қилинди.

XVIII асрда инглиз адиби Жонатан Свифт (1667-1745) ўзининг “Тулливернинг саёҳатлари” (Gulliver’s Travels, 1726)ни яратди ва анималистик адабиёт майдонига иппик (юнонча hippos - “от” сўзидан) жанрни олиб кирди. Ж.Свифт ўзининг бу машҳур сатирик асарида ўз замондошларининг нуқсонларини фош этар экан, жирканч *еху*ларга олижаноб отлар – *гуигнзм*ларни қарши қўйди. Свифт кашф этган *еху* сўзи ўзларининг энг тубан гуноҳлари билан ҳайвон даражасига етган

одамларни белгилаш учун қўлланилса, адиб тўқиган *гуигнзм* сўзи отларнинг кишнашига тақлидир.

Россиялик тадқиқотчи Ю.С.Орехова Франция анималистик прозасини тадқиқ қилар экан, икки асосий шамоилни ажратиб кўрсатади: 1) XVIII асргача удумда бўлган “антропологик” йўналиш. Унда ҳайвонлар инсонларга монандлаштирилади; 2) ҳайвонлар хислатларини ёритишда реализмдан келиб чиқадиган “зоологик” йўналиш.[2]

Биз рус олимасининг фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидламоқчимизки, “антропологик” тасвир асосан халқ оғзаки ижодининг, кейинчалик эса иқтидорли шоир ва адиблар тафаккурининг маҳсули бўлган. Унда бадиий тасвир устунлик қилади. “Зоологик” тасвир эса “антропологик” тасвирдан илмийлиги билан фарқ қилади. “Булар бадиий асар бўлиб, бадиий асар бўлмади, илмий асар бўлиб, илмий асар бўлмади. Улар чинакам бадиий асар даражасига кўтарила олмай, илмийликка тобе бўлиб қолди. Оқибат, ўз соҳасига оид қўлланма асар бўлиб қолди.” [4]

XVIII асргача анималистик адабиётда “антропологик” омил устунлик қилди. Бунга мисол қилиб француз адибларининг шу даврда яратилган ўнлаб адабий эртақларини келтириш мумкин. Бироқ кейинчалик табиатшунослик фанларининг ривожланиши билан анималистик адабиётда инсон ва ҳайвонот олами бирлиги ғояси устунлик қила бошлади ҳамда “антропологик” омил ўз ўрнини “зоологик” омилга бўшатиб берди.

Адабий эртақ алоҳида жанр бўлиб, анъанавий фольклор эртақка ўхшаш умумий хислатлар билан бирга ундан жиддий фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга ҳам эга, зеро у “фольклорли шартли адабий шакл”дан иборат. Адабий эртақ маълум ҳудуд фольклорига, асотирий унсурларга ҳамда эпик манбаларга асосланган бўлиши ёхуд бутунлай ёзувчи томонидан ўйлаб топилган бўлиши мумкин.

Анималистик жанр турли тарихий-адабий қонунларга бўйсунган турфа жанр шакллариининг омухтасидан иборат. Анималистик матнлар бир нарсда жуда ўхшаш: ҳайвонларнинг хислатлари инсон ҳаётидаги йирик ҳажмдаги ҳодисаларни ифодалаш ва тушунишга ёрдам беради. Ҳайвонлар образлари орқали ирқий, синфий, гендер ва бошқа хавфлар тадқиқ қилинади.

Анималистик эртақларда биз ҳайвонларнинг айрим типларини персонажлар сифатида ишлатилишининг культурологик қонуниятларини кузатишимиз мумкин. Француз лингвокультурасида айиқ, бўри, тулки, ит, мушук каби ҳайвонлар иштирок этади. Инглиз лингвокультурасида эса айиқ, қуён, мушук (йўлбарс, пантера), илон ва тўнғиз (чўчка) энг асосий ҳайвон-қаҳрамонлар ҳисобланади. Бошқа халқларнинг ҳайвонлар ҳақидаги эртақларида ҳам санаб ўтилган ҳайвонларга стереотип қарашлар мавжуд. Бу эртақларда энг кўп учрайдиган ҳайвон айиқ, жумладан, дўстлик ва олижаноблик рамзи ҳисобланади. Анималистик эртақларда бўри ваҳший ва бешафқат маҳлук, тулки – айёр ва эпчил, ёввойи қуён – фаол ва мустақил, эшак – тентак, узокни кўра билмас жонивор образларида намоён бўлади.

Хайвонлар образларида инсонлар характерининг маълум қирралари типиклаштирилади. Хайвонлар ўртасидаги ҳаёт учун кураш ижтимоий зиддиятларнинг мажозий ифодаси сифатида тасвирланади. Қадимдан хайвонлар ҳақидаги

эртақлар чуқур рамзий маъноларга эга бўлган. Улар, жумладан, ёшларга ҳаёт тажрибасидан, ва хусусан, хайвонот олами ҳақидаги билимлардан сабоқ берган.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирсаидов Б.Т. Художественный образ птиц в мистической поэзии средних веков (XI-XIII вв). Автореф. дисс. КФН. - Худжанд, 2004.
2. Орехова Ю.С. Анималистическая литература Франции: традиции и их трансформация в творчестве С.Г.Коллет. Автореф. дисс. КФН. - Калининград, 2008.
3. Русча-ўзбекча лўғат. Икки томли. Т.П.-Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1984.
4. Тоғай Мурод. Сетон-Томпсон китобида сўзбошим.//Э.Сетон-Томпсон. Ёввойи йўрға. Жониворлар ҳақида ҳикоялар. – Т.: Ношир, 2010. Б.7.

РЕЗЮМЕ

В данной статье речь идет об анималистическом жанре в древних легендах и сказках народов Азии и Европы. Ее истории продолжают уже с древних век, когда на земле жизнь только начиналась. И цивилизационная эволюция объединяет человечество с животным. Эти животные помогли людям преодолеть трудности во время изменений. Именно поэтому человечество требует глубокого уважения по отношению с животными.

Ключевые слова: литература, жанр, анималистика, легенда, сказка, человек, животное, аллегория, зоологическое, антропологическое.

RESUME

The given article is about the animalist genre in the ancient legend and fairy tales of the peoples of Asia and Europe. And his history is developed from antique period. The humanity and animals are connected between them by civilizational evolution. The people overcame the difficulties by the help of animals in the period of changes. That is why the humanity holds in respect to the animals.

Key words: literature, genre, animalistic, legend, tale, man, animal, allegorical, anthropological.

НАСРИЙ АСАР СТРУКТУРАСИДА КЎП ОВОЗЛИ ДИАЛОГНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК
МОҲИЯТИ ХУСУСИДА

Бекбергенова З.У. *

РЕЗЮМЕ

Мақола қорақалпоқ ёзувчилари К.Мамбетовнинг «Тарқоқ эл» М.Низоновнинг «Душман» романлари таркибида кенг қўлланилган диалогик нутқ типининг кўп овозли диалог шаклининг бадиий-эстетик моҳияти муммосини ўрганишга бағишланган. Кўп овозли диалоглар бир гуруҳ одамларнинг ҳар хил воқеалардан, ёки хабарлардан олган таассурот ва туйғуларини бир вақтда юзага чиқаришида катта рол ўйнайди. Мақолада юқорида номи зикр этилган ёзувчиларнинг романлари композициясида кўп овозли диалогларнинг воқеаларда иштирок этувчи бир гуруҳ персонажларнинг турлича хис-туйғуларини ифодалашдаги бадиий-эстетик функцияси илмий-назарий фикрларга асосланиб талқин этилган.

Калит сўзлар: роман композицияси, диалогик нутқ типи, кўп овозли диалог шакли, коммуникатив-эстетик вазифа, муаллиф ремаркаси, қахрамон репликаси.

Адабий асарнинг бадиийлигини таъминловчи омилларга қахрамонларнинг дунёкарашини, ўзаро алоқаси, ташқи қиёфаси ва хулқ-атворини, тил хусусиятларини, ўзини қуршаб турган кичик муҳит (микроклимат) ва табиат манзарасини (пейзаж) киритиш мумкин.

Ҳоҳлаган бадиий асарнинг қахрамонлари бири-иккинчисидан ўй-фикри, хатти-ҳаракати, характери, сўзлаш манераси билан ажралиб туради. Мана шундай фарқларни танишимизга кенг имконият берадиган компонентлардан бири – бу диалоглардир.

Диалог орқали бериладиган маълумотни персонажларнинг товуш оҳанги, имо-ишораси, хатти-ҳаракатлари билан тўлиқтириб бориш мумкин. Оғзаки диалог бадиий адабиётга кўчирилганда бундай функция муаллиф изоҳида (ремарка) тушунтирилиб, тасвирланаётган воқеаларга тиниқлик, яхлитлик ва эмоционал бўёқ бағишлайди.

Бадиий нутқ поэтикаси бўйича тадқиқот ишларини олиб борган олимларимиз диалогик нутқнинг ички, ташқи ва реал (М.М.Бахтин)[8], тавсифий, дра-матик, жонли (реал), ҳаёлий (тасаввурдаги), (Й.Солижонов) [7], тоза (соф), аралаш, кўп овозли диалог (Х.Каримов) [3] каби бир нечта шакллари алоҳида ажратиб кўрсатади.

Диалогик нутқнинг асосий функцияси – инсон қиёфасини яшаш бўлса, у адабий асар тузилишида иштирок этувчи қахрамонларнинг ўзаро муносабат фаолиятини белгилашда муҳим вазифани бажаради. Сабаби, ҳаётда ҳар бир инсон ўзаро суҳбат орқали турфа хил муносабатларга киришадиган бўлса, диалоглар бадиий асар қахрамонларининг репликалари ҳам инсон хулқ-атворининг сирлари ва кирраларини чуқур очишда муҳим бадиий-эстетик аҳамият касб этади.

Ушбу фикримизнинг далилини биз кейинги йиллардаги қорақалпоқ романларининг композицион таркибида фаол қўлланилаётган диалогик нутқ типининг турфа хил шакллари мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Ўтган асрнинг 20-30-йилларида пайдо бўлган илк ҳикоя ва қиссаларда икки одам орасидаги диалог шакли асосий ўрин эгалласа, бундан кейинги даврларда яратилган бадиий асарларда уч-тўрт ва ундан ортиқ кишилар орасидаги аралаш диалог

шаклининг ўрин олишини насримизнинг янги поғоналарга кўтарилганлигининг самараси сифатида баҳолаш ўринли бўлади. Аммо, бадиий асар тузилишида, айниқса ҳикоя, қисса, романларда диалогик нутқнинг турли хил шакллари маълум ўринга эга бўлишига қарамасдан қорақалпоқ адабиётшунослигида ушбу муаммо махсус равишда тадқиқ этилмаган. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб адабиётшунос олим С.Баҳодировнинг «Роман ва давр»[1], Ж.Есеновнинг «Маҳорат сирлари» [2]. П.Нуржановнинг «Ҳозирги қорақалпоқ романи поэтикаси» [5] тадқиқотларида диалогик нутқ типининг тавсифий, драматик, жонли (реал), ҳаёлий (тасаввурдаги) диалог шакллари сюжетни ривожлантиришдаги, конфликт ва характер яшашдаги умумий хусусиятлари бўйича айрим фикр-мулоҳозалар билдирилган, ҳолос.

Шу сабабдан ҳам биз ушбу мақоламизда кейинги йиллардаги қорақалпоқ романлари тузилишида кенг қўлланилиб келаётган кўп овозли диалог шакли ҳақида сўз юритамиз. Кўп овозли диалоглар ҳозирги қорақалпоқ романлари тузилишида бир гуруҳ персонажларнинг ҳар хил воқеалардан, хабарлардан олган таассуротлари ва туйғуларини, воқеалар тизимидаги кўпнинг бошига тушган қувонч ва қайғу, изтироб ва қўрқувни тасвирлашнинг самарали усулларидан бирига айланмоқда.

Агар икки ёки уч-тўртта персонажлар иштирокидаги диалогларда нутқ эгаси ким эканлиги маълум бўлса, кўп овозли диалогларда реплика эгасини аниқлаб олиш ва, баъзан иштирокчилар сонининг қанча эканлигини билиш анча қийин кечади. Шу сабабдан бўлса керак, қозоқ олими Х.Каримов воқеада иштирок этувчи кўпчиликнинг овози тарзида учрайдиган диалогларни икки одам орасидаги соф, ва шунингдек уч-тўртта киши орасида юзага келадиган аралаш диалоглардан ажратиб олиб, шартли турда «кўп овозли диалоглар» атамаси билан номлайди. Кўп овозли диалоглар ҳоҳлаган асар тузилишида учрайвермасдан, ёзувчининг танлаб олган мавзуси ва ўз олдига қўйган мақсадига мувофиқ бадиий-эстетик вазифа бажаради.

Масалан, ёзувчи К.Мамбетовнинг тарихий мавзуда ёзилган «Тарқоқ эл» (1988) романининг «Жуман йилқичининг овули» бобида Жалил

* Бекбергенова З.У. – Ўз РФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти мустақил тадқиқотчиси.

султоннинг от боқувчиси Жуманнинг тақдирига оид қайгули воқеаларни тасвирлашда кўп овозли диалоглардан бадий-услубий жихатдан самарали фойдаланган.

Йилқичининг юзи етти кундан кейин зўр-базўр бу ёққа қаради. Овул одамларининг ҳаммаси хайрсиз. Баланддаги бургутимиз ҳам, қўлдаги кирғийимиз ҳам фақат шу эди. Жалил султоннинг эса Жуманни яшададиган тури йўқ. Энди нима қиламиз?

– *Исмоил султонга бориб бош эгасак нима қилади. Эл суйган эр йигит-ку. Арзимизни тингламасмикан?*– деди Эсберган чол.

– *Чўчқа чўчқани қорини ёрмайди. Султон бўлгандан кейин барибир Жалилнинг сўзини тинглайди-да, – деб сўзини бўлди Давлетбой ота.*

– *Унда чатоқ булибди-да. Энди нима қилсак экан?*

– *Юсуф султоннинг юртига қараб қочирши керак.*

– *Жадал йигитлардан эди, у ёқларда хор бўлади-да.*

– *Қозон деган шаҳарда бу каби йигитларга иш кўп деб эшитгандим.*

– *Ҳа айтгандай, Қозонга юбора қолайлик. У ерларга борган йигитлар иш ўрганади дейишади.*

– *Майли, юборақолайлик. Бўлмаса Жалил бу ерда буни барибир ўлтиради.*

Охирида овулдагилар кенгашиб, Жуман йилқичини Қозонга жўнатдилар [4].

Ташқаридан қараганда, ушбу диалог роман сюжетига тегишли эмасдай бўлиб кўринади. Аммо Нўғайли даврида ҳаёт кечирган ака-ука Юсуф ва Исмоил султонлар орасида келиб чиққан мунозараларнинг янада кенгрок очирилишида ҳамда тарихий воқеаларнинг ишончли тасвирланишида маълум бадий-эстетик вазифани бажаради. Бир уюр йилқисини йўқотгани учун Жалил султон томонидан Жуман йилқичининг оғир жазоланиб, қийин ахволда қолганлигига ачинган кўпчилик ўзаро кенгашиб, уни Исмоил султон ва Юсуф султоннинг юртига эмас, балки, Қозон шахрига жўнатиб юборишга келишадилар. Муаллиф бу ерда Жуман йилқичининг аянчли тақдирини оддий ҳолатда тасвирламасдан, қишлоқ ахлининг ҳар хил таассуротли ва хаяжонли мулоҳазалари билан етказиб беришга ҳаракат қилгани яққол намоён бўлади. Асосан, ушбу кўп овозли диалогда бир гуруҳ оломоннинг Нўғайли даврининг қаттиққўл султонлари Юсуф, Исмоил ва Жалилга бўлган салбий муносабати очикдан-очик акс этган.

Жуман йилқичининг кейинги тақдири Қозон шахридаги воқеалар билан боғлиқ. Бу ерда ҳам Жуманнинг тақдири осон кечмайди. Бунга бош сабаб қилиб отаси Юсуф султоннинг кистови билан Қозон подшохи Жаналийга турмушга чиққан Суюнбиканинг тахтга ўтириши кўрсатилади. Суюнбика сулув Эри Жаналийнинг вафотидан сўнг отаси Юсуф султон ва бош вазири Қўшшоқнинг маслахати билан халқни, мамлакатни бошқаради. Шу пайтда Суюнбиканинг зуғуми остида, тартибсизликларга чидамаган аҳолининг норозилик кайфияти романнинг «Халқ кўзғолони» деб

номланган бобида ҳам кўп овозли диалог ёрдамида ишончли тасвирланади.

Роса эзгилаб, тош босиб қолган йигит Қозондан бахт излаб келган Жуман йилқичи эди. Унинг бир қўли бутунлай эзилган бўлиб, қўкрагида нари-бери жонни қолган эди. танасини икки йигит кўтариб олиб чиқди. Кўзғолон бир ҳафтага чўзилди. Ҳали Қозонда вазият алғов-далғов эди. Тартибсиз оломон аскарлар билан аралашиб кетди. Кўчалар ўлик билан тўлиб кетган. Шовқинли овозлар эшитиларди:

– *Халқни очарчиликка гирифтор этган хоннинг бизга кераги йўқ!*

– *Икки йил ош ўрнига тош едик.*

– *Суюнбика Қозондан кетсин!*

– *Юртга одил хон керак!*[4].

Муаллиф баёнидан сўнг персонажларнинг басма-бас айтилаётган кўповозли репликаларида очнахорликдан бардоши тугаган халқнинг золим юрт бошқарувчисига норози ҳис-туйғулари билан келажак орзулари ҳамоҳанг тарзда хаяжонли ифодаланади. Мана шундай кўпчиликнинг кўнгил кечинмалари, ички туйғуларини берадиган кўп овозли диалоглар ёзувчи М.Низоновнинг «Душман» (2010) романида ҳам самарали қўлланилади.

Қирғоқда катта учта кема қутиб турган экан. Уларнинг икkitаси лиқ тўла, учинчиси ярмидан ошиқ одам бор. Улар кемага яқинлашиб келаётган гуруҳларни кўриб баравар бақирдилар.

– *Йигитлар! Ватан учун олға!*

– *Бир қарич ерни душманга бермаймиз!*

– *Яшасин, она ватанимиз!*

– *Ура! – деб бақирди бу ёқдан брезентли икки аскар. Кемада бу овоз акс-садо берди.*

– *Ура-а!*

– *Ура-а!*

– *Душманга ўлим!*

– *Душманга ўлим!*

Янграган бу овозлар дарё устида тўлқинланиб, олис-олисларга эшитилди. Бу овозга ҳамма қўшилди. Кейин кема узра мусиқа янгради.

– *Бу қайси артист?*

– *Анор Қурбонов деган.*

– *Вой садаганг кетай, ўзиям овозни ҳам, чиройни ҳам худо берган экан!*

– *Сўзининг маъносини айтмайсанми?! Топиб айтганига қара! Шу гапларни эшитиб туриб, қандай қилиб душманни аяйсан! Қўлида ўласан-ку!*

– *Қўлида ўлмаймиз, улар бизнинг қўлимизда ўлади!*

Йигилган оломон бир лаҳзага бўлса ҳам урушни унутгандек бўлди[6].

Ташқи душманлардан киндик қони томган она диёри билан халқини химоя қилишга отланган йигитларнинг ватанпарварлик руҳидаги сўзлари фарзандларини урушга кузатаётган халқнинг тушқун кайфиятини кўтариб юборди. Артистларнинг жўшқин қўшиқлари ҳам дарё бўйидаги халойикнинг ғам-қайғусини бир зум бўлса ҳам унуттиргандек бўлди.

Ёзувчи иккинчи жаҳон уруши даврининг ҳақиқатини ишончли ва табиий равишда тасвирлашда кўп овозли диалоглардан мохирлик

билан фойдаланган. Шу тариқа, икки роман контекстида кўп овозли диалогни ташкил қиладиган бир-бирига басма-бас айтиладиган репликалар воқеада иштирок қиладиган оломоннинг бошидаги алам ва қувонч, изтироб ва қўрқувни тасвирлашнинг ташкилий ва самарали усулига айланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, адабий асар таркибида қўлланиладиган кўп овозли диалоглар уюшган бир жамоанинг, гуруҳнинг, маълум бир муҳитдаги кишиларнинг образини яшашда муҳим аҳамиятга эга. Яъни ёзувчилар шахснинг ёрқин қиёфаси билан тақдирини, хатти-ҳаракатини тасвирлаш билан чекланиб қолмасдан, шу хусусиятларни пайдо қиладиган ижтимоий муҳитнинг ҳам туташ образини ясайди. Уларнинг

тутган ўрни ва ролини англамай туриб, муаллифларнинг асардаги образ шаклини тўлиқ тушуниб олишнинг имкони йўқ.

Кўп овозли диалоглардан ҳар бир ёзувчи ҳар хил усулда фойдаланади. Сабаби, кўп овозли диалоглар ёзувчининг танлаб олган мавзусига, олдига қўйган мақсадига мувофиқ келиб чиқадиган бадиий-эстетик усул ҳисобланади. Шунингдек, сўнгги йиллардаги насрий асарлар таркибида мўл-кўл учрайдиган кўп овозли диалоглар муаллиф баёни билан бирга келиб бир гуруҳ персонажларнинг шахсий тил хусусиятларини очишда ва уларнинг типик характери яратишда бадиий тасвир воситаси вазифасини бажармакда.

АДАБИЁТЛАР

1. Баҳадырова С. Роман ҳам дэўир. – Нокис: Қарақалпақстан, 1978. – Б. 49-58.
2. Есенов Ж. Шеберлиқнинг сырлари. – Нокис: Қарақалпақстан, 1986. – Б. 76-80.
3. Каримов Х. Қанатты тил. – Алматы: Санат, 1995. – Б. 23-25.
4. Мамбетов К. Поскан ел. – Нокис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 92.
5. Нуржанов П. Ҳазирги қарақалпақ романи поэтикаси (композициялық ҳам жанрлық-стильлик өзгешеліктері). – Нокис: Билим, 2008; Ҳазирги қарақалпақ романи (сюжет ҳам конфликт поэтикаси). – Нокис: Билим, 2009. – Б. 66.
6. Нысанов М. Душпан. – Нокис: Билим, 2013. – Б. 120-121.
7. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. Тошкент: «Чўлпон». 2002. – Б. 66-69.
8. Бахтин М. М. www.vehi.net/dostoevsky/bahtin/08.html (олинган вақти. 16.01.2013. Диалог у Достоевского). Б. 56-60.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена исследованию проблемы художественно-эстетической функции формы многоголосого диалога диалогического типа речи, широко использованных в романах каракалпакских писателей К. Мамбетова «Разоренный народ» и М. Нысанова «Враг».

Многоголосый диалог играет большую роль для выявления впечатлений и чувств целой группы людей, столкнувшихся с различными событиями или же получивших какие-либо вести. В статье на основе научно-теоретических мнений анализируется художественно-эстетическая функция многоголосых диалогов для описания различных чувств целой группы персонажей, участвующих в событиях, использованных в структуре композиции романов вышеуказанных писателей.

Ключевые слова: композиция романа, диалогический тип речи, форма многоголосого диалога, коммуникативно-эстетические задачи, авторская ремарка, реплика персонажа.

RESUME

The article deals with the problem of artistic and aesthetic features many-voiced dialogue form, dialogical type of speech is widely used in the novels of writers Karakalpak K. Mambetova "Broken people" and M. Nyzanov "Enemy".

Many-voiced dialogue plays an important role in revealing impressions and feelings of an entire group of people, faced with a variety of events, or to obtain any missing. On the basis of the scientific and theoretical opinions analyzed artistic and aesthetic function of many-voiced dialogue to describe the feelings of a whole group of different characters involved in the events used in the structure of the novel compositions of the above writers.

Key words: novel composition, dialogue type of speech, many-voiced dialogue form, communicative esthetic tasks, author's remarks, personage replica.

ХИЛВАТИЙ ЛИРИКАСИНИНГ МАВЗУ ВА ҒОЯЛАР ОЛАМИ

Болтабаева О.Ю. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Хилватий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Шоир шеърятининг жанрлар ранг-баранглиги мисоллар асосида таҳлил этилган. Хусусан, шоир ижодидаги анъана ва ўзига хослик, мавзу ва ғоялар олами ёритилган. Хилватий ижодининг Наманган адабий муҳитида тутган ўрни баҳоланган. Хилватий ғазалларида ёшларни илм-маърифатга, ҳаётни, ватанни севишга чорлаб, сабр-қаноат ва одоб инсон зийнати экани алоҳида таъкидланади.

Калит сўзлар: жанр, вазн, анъана, ўзига хослик, мавзу, талқин, тасвир, маҳорат, мазмун ва шакл.

Мулла Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватий 1858 йил Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдакапа кишлоғида туғилган. Хилватий замондошлари орасида мударрис, олим, адиб, шоир, маънавият ва маърифат соҳиби сифатида яхши ном қолдирган.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг шоир ижоди ҳар томонлама ўрганила бошланди. 2008 йил Наманганда Хилватийнинг 150 йиллик юбилеи кенг нишонланди. Шоир ижодига бўлган катта эътибор туфайли халқимиз яна бир бор ўзбек мумтоз адабиёти вакили ижодидан баҳраманд бўлмоқда.

Хилватийнинг икки қўлёзма девонидан ташқари, бир неча эпик асарлари – дostonлари ҳам мавжуд, жумладан, “Чароғи мактаб”, “Мавлуди шариф”, “Сайр-ул жибол” каби асарлари ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. “Сайр - ул жибол”нинг 1910 йилдаги тошбосма нусхасида Хилватийнинг 1903 йил форс тилида ёзилган “Қасидаи илм” асари ҳам ўрин олган. Юксак тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эга бўлган “Қасидаи илм” асарида илм ва олимликнинг фазилат ва ҳислатлари баён этилган. “Сайр-ул жибол”ни қўлёзмаларга киёслаб, чоп этиш ва таҳлил қилиш адабиётшунослигимиз олдида турган вазифалардан бири эди. Ушбу асар 2009 йил “Фан” нашриётида чоп этилди. Хилватий девони 2001 йил Тошкентда “Фан” нашриётида чоп этилган.

Хилватий шеърятини, асосан, ошиқона, диний-тасаввуфий, ахлокий-таълимий, ҳажвий, марсия, хасб-ҳол характерида яратилган.

Шоирнинг “ҳаёт”, “илм учун”, “кўнгил”, “этиб кет”, “дилим”, “етмаган яхши”, “керак бўлса” каби радифли ғазалларини ўқиб, унинг дунёқараши, ахлокий-таълимий ўйлари ҳақида фикр юритиш мумкин:

*Ур ўзинг илм элига учраса мардона дилим,
Бу сифатким урадур шамъга парвона, дилим.
Жуҳалоларга яқин юрма-ю улфат бўлмагил,
Назаринг солма дари кулбаи нодона, дилим.*
(Девон, 79-бет)

Илм элини шаъмга, толиби илмни эса парвонага ўхшатган шоир ўз дилига мурожаат этиб, ёшларни илм ўрганишга қақирмоқда. Парвона шаъмга ўзини уриши ҳақидаги манзарани мисол қилиб келтирган шоир фикрини тамсил санъати орқали зийнатлайди. Илм олиб, дунёда иззату икромга, охиратда шарофатга етишмоқ мумкинлигини, нодонлар билан эса кўнгил боғламаслик зарурлигини қуйидагича ифодалайди:

*Чўмилгил баҳри илм ичра, губори жаҳлдин
пок бўл,*

*Шарофат охиратда, дунёда иззат керак
бўлса. (Девон, 56-бет)*

Хилватий бу дунё кўз очиб юмгунча ўтиб кетиши, шу оз фурсат ичида кўп хайрли ишларни бажариб, бугунги ишни эртага қўймаслик ҳақида ҳам уқтиради:

*Эй фано, сармоя роҳат қилгудек фурсат
қани?*

*Кўз очиб юмгунча ҳам чун барқи барҳамдур
ҳаёт.*

*Аҳли оламдин ниҳон сўрсанг тириклик
даврини,*

*Хизр умридек муаббат бўлса ҳам камдур
ҳаёт.*

*Сихҳати тан бўлмаса, мулки Искандардин на
суд,*

Офиятманд гадога давлати Жамдур ҳаёт.

*Тобакай таърифи кори хайр, эй
гафлатсириш,*

*Эртага қўйма бу кунни, эрта мубҳамдур
ҳаёт. (Девон, 131-бет)*

Давлати Жам, Искандар мулки, Хизр умрига ишора этган шоир талмех санъати орқали Хизр умридек узун умр бўлса ҳам хайрли ишлар бажариш учун фурсат етмаслиги; соғлиқни кадрлаш лозимлиги, агар соғлиқ бўлмаса, Искандар мулкича бўлган бойликлар ҳам фойдасиз эканини таъкидлайди. Шоир фикрича, ҳаёт офиятманд киши учун, гарчи у гадо бўлса ҳам, Жамшид бойлигидан ҳам афзалдир. Хилватий шеърятда буюк салафларнинг давомчиси. Мумтоз шоирлар ижодидаги мавзу ва ғоялар шоир лирикасида янгича мавқе ва кўламда давом эттирилган. Қандай нафсни жиловлаш ҳақидаги мана бу мисралар ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

*Ҳамиша боғлагил санги қаноат риштасин
белга ,*

*Ва гарна қилгуси нафси эшикларда гадо кам-
кам.*

*Ғурури нафс ўлиб, нафсинг муродин истасанг
доим,*

*Бўлур мунгдуг бошинг узра ажойиб можаро
кам-кам.*

*Ишонма давлату жоҳингга, кетгай оз
фурсатда,*

*Ўтиб байрам туни, қўлдин кетар ранги хино
кам-кам. (Девон, 92-бет)*

* Болтабаева О.Ю. – НамДУ катта илмий-ҳодим-изланувчиси.

Шоир Хилватий бойликка хирс қўймаслик ҳақида сўзлаб, ташбеҳ санъати воситасида давлатни байрам куни қўлга қўйилган хинага ўхшатмоқда. Ўз фикрини янада аниқроқ исботлаш учун ҳаётини мисол келтирган шоир тамсил санъати орқали байрам куни қўлга қўйилган хина секин-аста қўлдан ўчиб борганидек, бойлик ҳам бора-бора камайиши мумкинлигига мисол келтиради.

Тавозеъ ҳақида фикр билдирган шоир инсонларни одоб билан иш юритишга ундайди:

*Тавозепеша қилгил моҳи навдек э баланд ахтар,
Сипехри манзилатда моҳдек рафъат керак бўлса.
(Девон, 56-бет)*

“Энг ёруғ юлдуз бўлсанг ҳам, ҳудди янги чиққан ой каби тавозе қил, чунки тавозеъпешалик туфайли ой осмон-у фалакдан жой олган. Сен ҳам ойдек ҳурматга, кўринишига эга бўлай десанг, камтар ва тавозепеша бўлгин”, дея уқтираётган шоир назарида янги чиққан ой-тавозепешалик рамзи. Байтда шоир ҳаётини мисоллар воситасида ҳусни таълил, тамсил санъатларидан моҳирона фойдаланиб, инсонларни камтар бўлишга ундамоқда. Зеро, Аҳмад Юкнакий ҳам “Ҳибат ул-ҳақойик” асарида: “Тавозе-мўминликнинг нишони”, – дея таъкидлаб ўтади. Инсонлар орасидаги ўзаро келишмовчиликлар, асосан, ваъдага вафо қилмаслик оқибатида юзага келишини англаган Хилватий одамларни бир сўзли бўлишга чакириб шундай дейди:

*На сўз ким, чиқди оғзингдин ани ижодига саъй эт,
Агар келмас қўлингдин, аввал изҳор этмаган
яхши. (Девон, 82-бет)*

Ҳимматли инсон гарчи камбағал бўлса ҳам, энг бой инсон ҳисобланиши; ҳимматсиз кимсалар эса баланд дарвозаю айвон қурса ҳам, халқ назарида энг қашшоқ инсон бўлиб кўриниши ҳақида Хилватий шундай дейди:

*Чу қасри ҳимматинг настдур дару девору айвони,
Баланд дарвоза-ю, айвону, девор этмаган яхши.
На ким қисматда бўлди, Хилватий, бўлмас зиёду
кам,
Киши рўзи талаб айлаб, ўзини хор этмаган яхши.
(Девон, 83-бет)*

Аждодлар руҳини шод айлаш лозимлиги, азизу авлиёлар руҳи бизни қўллаши, ёшларни устозлар хизматига доимо тайёр туриши зарурлиги ҳақида шоир шундай дейди:

*Сабоҳ-у шом ўтган яхшилар руҳини шод айла,
Мадад қилгай санга ўтган азиз-у авлиё кам-кам.
(Девон, 91-бет)*

Хилватий ғазалларида ёшларни илм-маърифатга, ҳаётни, ватанни севишга чорлаб, сабр-қаноат ва одоб инсон зийнати экани алоҳида таъкидланади.

Хилватий шеърини XIX аср охири XX аср боши ўзбек адабиёти ютуқларини ўзида мужассамлаштирган улкан хазина ҳисобланади. Шоир ижоди давомида кишиларни илм-маърифатли бўлишга чакиради, замона аҳли бўлмиш турли тоифадаги кишилар орасидаги муносабатни яхшилаш борасидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Алихон Халилбеков. Наманган адабий муҳити. Тошкент: Рухфазо. 1998 йил.
2. Истиклол қаҳрамонлари: Ибрат. Ажзий. Сўфизода. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият. 1999 йил.
3. Хилватий. Девон. Тошкент: Фан. 2001 йил.
4. Хилватий. Сайр-ул жибол. Тошкент: Фан. 2009 йил.

РЕЗЮМЕ

В данной статье даны сведения о жизни и творчестве Хилватий. Всесторонне проанализированы жанровые особенности в стихотворных произведениях поэта. Рассмотрено место творчества Хилватий в литературной среде Намангана. В лирических стихотворениях разъясняется как обучать молодых любить науку, образование, жизнь, родину, кроме этого подтверждается, что терпение и воспитание – украшение человека.

Ключевые слова: жанр, метрика, традиция, специфичность, тема, толкование, изображение, мастерство, форма и содержание.

RESUME

This article exposes the information about genre features of works of Hilvatiy, who had great place in uzbek classic literature. For particular lyrics it is illustrated to teach to love science and education life native land. Also it is confirmed that patience and good breeding are person's ornamentation.

Key words: genre, measure, tradition, specify, theme, depiction, skill, form and meaning.

КОНТРАСТИВ ЛИНГВИСТИКА ВА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНING ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ХУСУСИДА**Зокирова С.М. *****РЕЗЮМЕ**

Мақолада контрастив лингвистика ва таржима назариясининг ўзаро муносабатлари хусусида фикр юритилади. Мазкур муносабатлар тарихи, контрастив таҳлил методининг таржима назарияси ва амалиёти учун аҳамияти, жаҳон тилишунослигида етакчи олимларнинг назарий қараишлари масалалари ёритилган. Шунингдек, контрастив лингвистика маълумотларига асосланиб, таржима назарияси таржима жараёнига структур тип, тизим ва норма даражаларида тилларнинг мувофиқлигининг таъсирини ўрганса, таржима назарияси маълумотларининг кенг жалб қилиниши контрастив таҳлил учун янги истиқболлар очиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: тил корпуси, контрастив лингвистика, контрастив таҳлил, таржима назарияси, таржима трансформациялари, таржима қолиплари, таржима жараёни, таржима психологияси, эквивалент муносабат, функционал эквивалентлик, коммуникатив эквивалентлик, психологик компонент, статистик лингвистик тасвир, динамик лингвистик тасвир, асл нусха, таржима нусха, лексика, фразеология, синтаксис, услуб соҳаси, функционал оппозиция, функционал бирликлар, парадигматик гуруҳ, лексик майдон, грамматик майдон, норма, узус, динамик модел.

1980-йилларнинг охири 1990-йилларнинг бошларидан бери компьютерлаштириш натижасида бир қанча матнлар электронлаштирилиб, ахборот сақлаш имконияти кўпайди. Бу эса тилшуносларга тил ҳодисаларини таҳлил қилиш ва тасвирлашда катта имкониятлар эшигини очиб берди. Электрон тил корпусининг юзага келиши ҳамда ундан фойдаланиш натижасида тилшуносликнинг кўплаб янги йўналишлари қаторида контрастив лингвистика ҳам ривожланиб келмоқда. Катта ҳажмларда электрон матнларнинг мавжудлиги контрастив лингвистиканинг эътибор марказини кенг маънодаги лингвистик системадан тилни қўллашнинг муайян аспектларига ҳамда статистик лингвистик тасвирдан динамик лингвистик тасвирга олиб келди. Шу билан бирга контрастив лингвистика чет тилига ўқитиш методи сифатида қўлланишдан ташқари таржима курули сифатида қўлланила бошланди. Натижада контрастив лингвистика аста секинлик билан тўлақонли академик фанга айланди.

Ҳозирда контрастив лингвистика ва таржима назариясининг ўзаро муносабати масаласи кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Яқин ўтмишда ҳам мазкур икки фан ўртасида аниқ чегара йўқ эди. Я.И.Рецкернинг таъкидлашича, мустаҳкам лингвистик асоссиз таржима ҳақида ҳатто тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Тил ҳодисаларини қиёсий ўрганиш ҳамда асл нусха тили билан таржима тили ўртасида маълум мувофиқликларни аниқлаш бундай асос вазифасини бажаради. Лексика, фразеология, синтаксис ва услуб соҳаларидаги мазкур мувофиқликлар таржима назариясининг асосини ташкил қилиши лозим[6]. Шундай қилиб тил ва тил ҳодисаларини қиёслаш ҳамда таржима назарияси бир-бирига тенглаштирилган, шу билан бирга уларга айнан бир нарса деб қаралган. Контрастив таҳлил методи таржима назарияси ва амалиёти учун алоҳида аҳамиятга эга. М.А.Грошева таржима, одатда, амалий фан деб ҳисобланганлигини, контрастив лингвистика эса унинг назарияси деб тан олинганлигини таъкидлаган[3]. У контрастив лингвистика ва таржима назарияси мувофиқлигини

тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтган. Таржима назарияси контрастив лингвистика ҳамда икки тил типологиясига амалий асосланиши, контрастив таҳлил эса танланган шакл ва мазмунни айнан ифодаловчи шакл танлаш методи сифатида қўлланиши ҳақида маълумот беради. Шунингдек, тилларнинг контрастив тадқиқи асл нусха ва таржима нусха таҳлили асосида амалга ошириши мумкинлиги, ўз навбатида контрастив тилшунослик таржима назариясига таржима жараёни учун тил бирликларининг мувофиқлиги хусусидаги маълумотларни тақдим қилиши хусусида тўхталиб ўтади[3].

Контрастив лингвистика ва таржима назариясининг ўзаро муносабатига доир бундай фикр таржима муаммоларини айрим лексик бирликлар, морфологик категориялар, синтактик структуралар мувофиқлигига олиб борадиган баъзи бир назарий қурилмаларда ҳали ҳам намоён бўлмоқда. Баъзан таржима назарияси умуман контрастив лингвистика билан эмас, балки унинг бўлимларидан бири билан мувофиқлаштирилади. Масалан, Л.С.Бархударов "... таржима назарияси, бу "матннинг чоғиштирама лингвистикаси" дан бошқа нарса эмас, деб таъкидлаш мумкин[1]", деб ёзган. Рус ва француз тиллари лексикаси ва грамматикаси таҳлили, таржима назарияси ва амалиёти, тил назарияси бўйича ишларни тайёрлашда В.И.Гак контрастив таҳлил методидан фойдаланган[2].

Контрастив лингвистика таржима назарияси учун, таржима назарияси эса контрастив лингвистика учун катта аҳамиятга эга эканлигини У.К.Юсупов ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган[8,11].

Контрастив лингвистика ва таржима назариясининг ўзаро алоқаси масаласини Э.Косериу Трир шаҳрида бўлиб ўтган халқаро симпозиумдаги "Контрастив лингвистика ва таржима назарияси: уларнинг ўзаро алоқаси" номли маърузасида батафсил кўриб чиққан[7]. Косериу қарашларига мувофиқ тилларнинг контрастив таҳлили тил ички қурилишининг турли сатҳларида амалга оширилиши мумкин: тил нормаси сатҳида (яъни, одатий,

* Зокирова С.М. – ФарДУ катта илмий ходим-изланувчиси.

анъанавий тил функцияларини амалга оширишда), тил типи даражасида (яъни, ўзаро алоқаси нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган тил ички қурилиши тамойиллари, функционал категорияларида), тил системаси даражасида (яъни, функционал оппозициялар ва улар билан боғлиқ парадигматик гуруҳлар, масалан, лексик ва грамматик майдонлар). Косериунинг фикрича, фақат тил типи ва тил системасига йўналтирилган контрастив лингвистика таржима учун етарли аҳамиятга эга эмас. Бунинг сабаби эса таржимада функционал категориялар ва функционал бирликларнинг ўзаро муносабати ҳақида сўз юритилмаслигидадир.

Иккинчи томондан, функционал бирликларнинг амалда қўлланишини ўрғувчи тил нормаси сатҳидаги контрастив лингвистика, айнан, таржима жараёни амалга ошадиган соҳани қамраб олади ва унга тўғри келади[5]. Э.Косериу тилларнинг систем-структур ва типологик чоғиштирилиши билан таржима назарияси бевосита алоқадор эмас, таржима назарияси ҳамда контрастив лингвистиканинг ҳаракатдаги тилга йўналтирилган соҳаси бир-бирига яқин туради, деб тўғри ҳисоблаган. Айнан шу соҳа таржима назарияси билан яқин икки тарафлама алоқадорликка эга. Контрастив лингвистиканинг мазкур соҳаси тил структурасининг нутқда амалга ошиши яъни тилнинг нутқдаги фаолияти соҳаси масалалари билан шуғулланади. Бу жараён икки тилни қамраб олса-да, бир тилдан иккинчи тилга йўналтирилган бўлади. Лекин шу билан бирга норма ва узусга йўналтирилган контрастив лингвистика таржима назариясига тенг деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Тилнинг қайси томони (структур типи, тизими, нормаси, узуси) контрастив таҳлил марказида бўлишидан қатъий назар контрастив лингвистика доим контрастив таҳлилга тортилган тилга, муайян тил жуфтлигига йўналтирилган. Унинг мақсади тилларни синхрон чоғиштириш, тадқиқотга тортилиб, чоғиштириш эталони сифатида қабул қилинган тил ёки ягона метатил асосида уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини аниқлашдир. Таржима назариясининг предмети тиллараро мулоқотнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, мақсади таржима моҳияти, унинг механизмлари, амалга ошириш йўллари, унга таъсир қилувчи ҳамда унинг нормаларини тартибга келтирувчи тилнинг ички ва ташқи омилларини аниқлашдир. А тил ва В тил функционал бирликлари ўртасидаги мувофиқликларни тадқиқ қилиб, контрастив лингвистика таржима назариясини қуриш учун зарурий фундамент яратади. Ҳақиқатан ҳам таржима “технологиясини” ташкил қилувчи кўпгина таржима трансформациялари охир оқибатда таржима жараёнида ўзаро “тўқнашаётган” тилларнинг функционал-структур фарқларига бориб тақалади[7].

Контрастив лингвистика маълумотлари ва таржима назарияси маълумотлари ўртасида кўп ҳолларда сабабий алоқа кузатилади. Шу билан бирга контрастив лингвистика қатор ҳолатларда нима учун таржимада у ёки бу амалиёт амалга оширилади деган саволга жавоб беради. Контрастив лингвистика

таржима назарияси учун дастлабки маълумотлар манбаи вазифасини бажаради. Мазкур маълумотлар тилларнинг структур типлари, тизимлари ва нормалари ўртасидаги тафовутларни ёритиб, таржимонлик таҳлили учун таянч нуқта вазифасини бажаради. Лекин шу билан бирга контрастив лингвистика чет тилларини ўқитишдан ортиқроқ даражада таржима назариясига йўналтирилган эмас. Контрастив лингвистика ва таржима назарияси ўртасидаги фарқ мазкур фанларда татбиқ қилинган чоғиштиришларнинг хусусиятларига ҳам тегишлидир. Мисол сифатида таржима назарияси ва чоғиштирма матн лингвистикасида чоғиштириш хусусиятларини кўриб чиқамиз. В.Н.Комиссаров таржимашуносликда лингвистик методлар кенг қўлланишини таъкидлайди. Бунда улар ё бутунлайин ўзлаштирилади, ёки уларга зарурий ўзгартиришлар киритилади[4]. “Таржима жараёнида турли тиллардаги матнлар ўртасида маълум бир мувофиқликлар ўрнатилади” деган қоидага асосланиб, тадқиқотчи контрастив таҳлил жараёнини қўллашни табиий деб ҳисоблайди. В.Н.Комиссаров бундай таҳлилни тўрт жараёнини кўрсатиб ўтади:

1. Таржима матнини асл матн билан қиёслаш (асл нусха мазмуни ва структурасининг таржимага яқинлик даражаси, бир хилликка эришиш усуллари, таржима усуллари қолиплари ва ҳоказо хусусида қимматли маълумотлар беради);

2. Турли таржимонлар томонидан амалга оширилган бир матннинг бир неча таржима нусхаларини қиёслаш (таржимоннинг малакаси ва ўзига хослигига алоқаси бўлмаган умумий қонуниятлар аниқланади);

3. Таржима матнларини таржима тилидаги асл матнлар билан қиёслаш (таржимада тил нормаларининг бузилиш ҳолатлари, қолип усуллардан фойдаланганлик ҳолатлари аниқланади).

В.Н.Комиссаров “таржима тили мувофиқ миллий тилнинг ўзига хос тизим ости кўринишини ўзида касб этади” деб изоҳ берган. Таржимон бошқа тилдаги асл нусха таъсирида баъзан таржима тил нормаларининг бузилишига йўл қўяди. В.Н.Комиссаров контрастив таҳлил кўп ҳолларда шундай бузилишларни аниқлаб беришини таъкидлайди ва уларни таржима хатолари деб ҳисоблайди. Назария нуқтаи назаридан таржимон томонидан тил коммуникатив имкониятларини кенгайтириш мақсадида, онгли ёки онгсиз равишда, ўзлаштириш, калька, сўзма-сўз таржима каби таржима қолипларидан фойдаланиши катта қизиқиш уйғотади[4]. Биринчи тил ва таржима тилидаги параллел матнлар, ўхшаш функционал жанр ёки услубга тааллуқли, яқин мазмунга эга матнлар ҳам қиёсланади (шундай қилиб, мувофиқ матнларда тил воситаларининг қўлланишидаги фарқлар аниқланади ва бу таржимада зарур услубий мослашувни амалга оширади). Бундан ташқари В.Н.Комиссаров контрастив таҳлилга фақат матн структурасидаги ўхшашликни эмас, балки матн мазмунидаги ўхшашлик, фарқ ва мувофиқликларни ҳам тортиш яхлит қурилма сифатида матнларни ўзини эмас, уларнинг алоҳида бирликларини ҳам чоғиштириш

зарурлигини кўрсатиб ўтади[4]. Л.С.Бархударов фикрича, таржима назарияси ва чоғиштирма матн лингвистикаси бир бирига айнан семантик ўхшаш матнларни тадқиқ қилганликлари сабабли, мазкур фанлар предмети бир бирига тўғри келади[1]. Бизнингча, контрастив лингвистика учун матнларнинг семантик айнан бир хиллиги мажбурий шарт эмас. Контрастив лингвистика матннинг маълум бир типи ёки жанри даражасида ўз чоғиштиришларини ўтказиши. Шу билан бирга чоғиштирма матн лингвистикасида параллел матнлар деб аталадиган матнлар олинади. Мазкур матнларни эса “асл нусха-таржима нусха” муносабатда деб ҳисоблаб бўлмайди. Баъзан, чоғиштириш учун шундай матнлар олинадики, уларнинг умуман семантик инварианти мавжуд эмас, лекин улар чоғиштирилаётган тилларда мазкур жанр матнларининг фаркли белгиларини аниқлашга имкон беради. Контрастив таҳлил чоғиштирилаётган матнлар структураси, уларнинг лексикаси, синтаксиси, фразеологияси, услубида мавжуд ўзига хос ва умумий жиҳатларини аниқлашга йўналтирилган. Шу билан бирга чоғиштирмалар, одатда, статистик табиатга эга бўлиб, таржимонлик эквивалентларни топишни мақсад қилиб олмаган. Таржима назариясининг ўрганиш объекти асл матн ва таржима матнлардир. Лекин матнларнинг турли типлари ҳақида сўз юритадиган матннинг чоғиштирма назариясида илмий тадқиқотнинг асосий йўналиши мазкур тип матнларининг ўзига хос хусусиятларини айнан кўрсатиб бериш бўлса, таржима назарияси матнларнинг умумий хусусиятларини маълумот учун қабул қилиб, таржима жараёнида мазкур хусусиятлар қандай намоён бўлишига асосий эътиборини қаратади. Бундан ташқари, контрастив лингвистика учун турли тиллардаги бир хил типдаги матнларнинг мувофиқлигини аниқлаш зарур ва етарлидир. Таржима назарияси учун эса турғун “муносабатлар жадвали”нинг ажралмас, узвий алоқадорлиги муҳимдир. Яъни маълум қонуниятларга бўйсунган, ўзгартиришлар силсиласи сифатида дастлабки матндан таржима матнгача бўлган таржимон йўлини тиклаб берувчи динамик моделлар билан дастлабки ва таржима матнлар ўртасида эквивалент муносабатлар типологияси ва иерархиясини аниқлашга асосланган таҳлил муҳимдир. Шу сабабдан фақат контрастив лингвистика ва таржима назарияси ўртасидаги муносабат эмас, балки таржимашуносликда лингвистиканинг ўрни ҳақидаги масала ҳам юзага келмоқда. Чунки, шубҳасиз, лингвистика таржима назариясида муҳим аҳамиятга эга. Бу таржима жараёнида тилнинг тутган ўрни билан белгиланади. Таржимани маълум мақсадга йўналтирилган жараён сифатида кўриб чиқиш мазкур фаолиятнинг режалари, структураси ҳамда амалга оширилишини, яъни, бошқача қилиб айтганда таржима психологиясига кириб бормай амалга ошириб бўлмайди. Психологик компонентни ҳисобга олмай таржимада инсон омилининг ўрнини очиб бўлмайди, чунки ҳар қандай таржима ҳаракатида режалаштирилмаган ва қутилмаган

тўхтамларда ижодий ёндашув намоён бўлади. Таржимоннинг чинакам ижодий ечимини мукамал лингвистик формула “алгоритми” орқали тасвирлашнинг имкони бўлмаса керак. Бундай ҳолатларда тиллар ўртасидаги “муносабатлар жадвали” хусусида эмас, балки таржима фаолиятининг “юксак маҳорати” каби томони ҳақида гапириш мумкин. Шундай қилиб, контрастив лингвистика А ва В тилларини “чоғиштирилаётган тиллар структурасининг шакл ва маъноларини тизимли таққослаш”[9] сифатида белгиланган мазкур фаннинг асосий вазифасидан келиб чиқиб кўриб чиқса, таржима назарияси турли тилли коммуникантлар ўртасидаги социомаданий ва психологик фарқларини, шунингдек, таржима жараёнининг қатор социомаданий ва психолингвистик аниқловчиларини ҳисобга олади. Шу билан бирга таржима тил кодининг шунчаки ўзгариши эмас, балки бошқа маданият ойнаси орқали матнни тушунарли бўлиши учун мослаштиришдир. Юқорида айтилган фикрларни таржима назарияси учун ўрни бекиёс бўлган лингвистиканинг аҳамиятини пасайтириш ҳаракати сифатида қабул қилмаслик керак. Лекин шу билан бирга В.Ивирнинг қуйидаги фикрларига қўшилмасликнинг иложи йўқ: “Таржимада лингвистик компонент марказий ўрин эгаллайди, чунки у бошқа компонентлар талаблари билан ихтилофга кирмагунча барча жараёни бошқаради[11]”. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, таржима назарияси қанчалик “лингвистик” бўлмасин, нутқий фаолиятнинг социомаданий, психологик ва бошқа жиҳатларини ўрганувчи фанлар билан алоқаларини кучайтириши керак. Масалан, К.Хансен фикрича, яқин келажакда контрастив лингвистика фақат тил системасининг мавҳум даражасига қараб эмас, балки тил узусининг муайян даражасига асосланиб тадқиқотлар олиб борса, ўз назариясида қўллаб келаётган функционал эквивалентлик (яъни, тизим даражасидаги эквивалентлик) тушунчасини таржима назариясидаги коммуникатив эквивалентлик (яъни, коммуникатив самарасини ҳисобга олган матн даражасидаги эквивалентлик) тушунчаси билан тўлдириши керак бўлади[10]. Шундай қилиб, контрастив таҳлилни таржиманинг амалий ва назарий вазифалари учун тан олинган ва кенг қўлланиладиган метод деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда контрастив таҳлил фаолдир, у таржима ривожланиши ва такомиллашуви учун асос бўлган кўп қиррали жараён, контрастив таҳлилнинг асосидир. Контрастив лингвистика ва таржима назариясининг муносабатлари икки қарама-қарши йўналиш билан таърифланади. Бир томондан мазкур фанларнинг ҳар бири ўз мустақиллигига даъво қилса, иккинчи томондан уларнинг ўзаро алоқадорлиги яқинлашиб бормоқда. Контрастив лингвистика маълумотларига асосланиб, таржима назарияси таржима жараёнига структур тип, тизим ва норма даражаларида тилларнинг мувофиқлигининг таъсирини ўрганмоқда. Ўз навбатида таржима назарияси маълумотларининг

кенг жалб қилиниши контрастив таҳлил учун янги | истиқболлар очади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод. М.: Междунар. отношения, 1975. Б. 36.
2. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология: На материале французского и русского языков. М.: Междунар. отношения, 1977. Б.14.
3. Грошева М.А. О взаимосвязи лингвистических наук, исследующих соотношение между различными языковыми системами. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://frgf.utmn.ru/last/No8/list.htm>
4. Комиссаров В.Н. Перевод, как лингвистическая проблема // Проблемы переводческой интерпретации текста в трудах российских лингвистов конца 20-го, начала 21-го веков. Ереван: Лингва, 2009. Б.26.
5. Косериу Э. Контрастивная лингвистика и перевод: их соотношения. // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XXV М. Прогресс, 1989.Б.42.
6. Рецкер Я. И. О закономерных соответствиях при переводе на родной язык / / Теория и методика учебного перевода. М., 1950. Б.77.
7. Швейцер А.Д. Теория перевода (статус, проблемы, аспекты). М.: "Наука", 1988.Б.23.
8. Юсупов У.К. Теоритические основы сопоставительной лингвистики. Т.: "Фан", 2007. Б.63.
9. Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика // Язык и общество. М.: "Наука", 1981.Б. 48.
10. Hansen K. Trends and problems in contrastive linguistics // Zeitschrift für Anglistik und Amerikanistik. 1985. Vol. 33, N 2. 127
11. Ivir V. The communicative model of translation in relation to contrastive analysis // KontrastiveLinguistik und Übersetzungswissenschaft. München, 1981, Б.217.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются взаимоотношения контрастивной лингвистики и теории перевода. Освещаются такие вопросы как история данных взаимоотношений, значение метода контрастивного анализа для теории и практики перевода, теоретические взгляды ведущих учёных мировой лингвистики. В отличие от этого, на основании данных лингвистики, теории перевода, в процессе перевода языки зависят от нормального уровня и типа конструктивной системы, теория перевода изучает влияние соблюдения данных которые открывают новые перспективы для анализа контраста.

Ключевые слова: корпус, контрастивная лингвистика, контрастивный анализ, теория перевода, трансформация перевода, модели перевода, процесс перевода, психология перевода, эквивалентные отношения, функциональная эквивалентность, коммуникативная эквивалентность, психологический компонент, статистическое лингвистическое описание, динамическое лингвистическое описание, подлинный экземпляр, переведённый экземпляр, лексика, фразеология, синтаксис, область стиля, функциональная оппозиция, функциональные единицы, парадигматическая группа, лексическое поле, грамматическое поле, норма, узус, динамическая модель.

RESUME

This article discusses mutual relations of contrastive linguistics and transfer theories. Such questions as history of the mutual relations, value of the method contrastive analysis for the theory and transfer practice, theoretical opinions of the leader scientists of world linguistics are enlightened. In contrast, based on the data of linguistics, translation theory, the process of translating languages normal levels of the type of structural system and the involvement of the theory of translation studies the impact of compliance with data open new perspectives for the analysis of the contrast.

Keywords: the case, contrastive linguistics, contrastive analysis, the transfer theory, transformation of transfer, transfer model, translation process, the transfer psychology, equivalent relations, functional equivalence, communicative equivalence, a psychological component, the statistical linguistic description, the dynamic linguistic description, original copy, the translated copy, lexicon, phraseology, syntax, style area, functional opposition, functional units, paradigmatic group, a lexical field, a grammatical field, norm, usage, dynamic model.

ОТБОР И КЛАССИФИКАЦИЯ ЕДИНИЦ РЕЧЕВОГО ЭТИКЕТА ИЗУЧАЕМОГО ЯЗЫКА В УЧЕБНЫХ ЦЕЛЯХ

Камалова М.Н. *

РЕЗЮМЕ

В данной работе предложена систематизация и классификация единиц речевого этикета изучаемого языка, включение в учебный материал текстов с национально-культурным компонентом. Это в свою очередь способствует формированию фоновых знаний о культуре народа носителя языка.

Ключевые слова: речевой этикет, национально-культурная специфика, лингво культурный материал, межкультурная коммуникация, безэквивалентная лексика, национальная картина мира, реалии языка, национальный колорит, этнические особенности.

Проблема отбора и классификации единиц речевого этикета непосредственно связана с реалиями языка, то есть языковыми единицами, обозначающими такие явления как культура, уклад жизни, способствующие осуществлению целей обучения.

Умение адекватного применения лексических единиц с национально-культурным компонентом создают возможность осуществления межкультурной коммуникации и взаимопонимания в ситуациях межкультурного общения.

Когда мы находимся в окружении людей, наше речевое поведение сопровождается манерами, формами обращения, которые мы можем употребить в той или иной ситуации. Именно эти закрепившиеся формулы речевого поведения называются речевым этикетом.

Национально-культурный уровень владения языком предполагает использование особых языковых средств, свойственных изучаемому языку, то есть культуроведческий материал [1]. Культуроведческий материал необходим для формирования и развития коммуникативной компетенции, способствующей адекватному восприятию национально-языковой картины мира, формированию фоновых знаний о народе - носителе языка.

Культура общения, как известно, проявляется прежде всего, в уважительном отношении к другому человеку, вежливости и доброжелательности, которые словесно выражаются в речевом этикете.

Изучение методической литературы привело к выводу, что нет единого мнения о критериях отбора и организации учебного материала. Одни из них исходят “из системы языка, другие – из условий общения, третьи из познавательной деятельности, связанной с культурой страны, и др.” [2]. Сопоставление национально-культурных особенностей лингвокультурных общностей позволяет определить наиболее трудные для усвоения факты и явления действительности.

Действие хроники охватывает период с 1840 по 1905 гг. Том унаследует отцовскую ферму, крутит роман с Лидой Ленски, милой польской вдовой и женится на ней; его приемная дочь Анна выходит замуж за его племянника Уилла, а их дочь Урсула, писательница, бросает учебу в университете и уходит от мужчины, с которым жила в гражданском браке. А ее сестра Гадран крутит роман то с одним, то с другим мужчинами.

В этих психологических романах Лоуренс призывал современников открыть себя «тёмным богам» инстинктивного восприятия природы, эмоциональности и сексуальности.

«Having read Nietzsche and Freud and encountered the work of the German expressionists, Lawrence became convinced that sexual repression was causing the deterioration of English civilization».[3]

– «Последователь учений Ницше и Фрейда, испытавший влияния немецких экспрессионистов, Лоуренс убежден в том, что сексуальная нетерпимость является причиной разрушения английской цивилизации».

Зрелость и мудрость, по Лоуренсу, означают отказ от столь характерного для XIX века рационализма. Некоторые книги Лоуренса, включая роман «*Lady Chatterley's Lover*» («Любовник леди Чаттерлей», 1928, *рус.пер.* Татьяны Лещенко-Сухомлиной), были долгое время запрещены к публикации по причине непристойности:

«Tell me the parts you think the publisher will decidedly object to,» he told his friend Violet Meynell in July 1915. The author's previous book *Sons and Lovers* had been banned from public libraries and his publisher Methuen – who would later do everything they could not to take responsibility for the following book in court – demanded two rounds of cuts to *The Rainbow*» [3].

* Локтева Н.М. – преподаватель УзГУМЯ.

«Поблагодари от моего имени издателя, который отказал опубликовать мой роман», пишет он своему другу Виоле Майнел в июле 1915 года. Первый роман автора «Sons and Lovers» («Сыновья и любовники», 1913) был запрещен публичными библиотеками, а его издателя Митуэна суд дважды заставлял уничтожить тиражи «Радуги».

Читатели любили Лоуренса за его честность и откровенность, а стиль и язык писателя пугало многих:

«Lawrence's uncomfortably accurate psychological insight, the insistent rhythms of his prose and his desire to shock his reader mean he will never be forgotten, and will always be an irritant, either to the respectable classes or feminist critics».[3]

«Неудобная точная психологическая интуиция Лоуренса, строгий стиль его прозы и природный дар сильно волнует его читателей, завидующих его крепкой памяти, а неустанная работоспособность пугает высших классов и критиков-феминистов».

Как пишет американский литературовед Жоната нМакэлун 30 сентября 2015 г. «In «The Rainbow»

outlook evolves as it moves through the Victorian era for Modernism in its language and psychological approach (it was published seven years before James Joyce's *Ulysses* and 10 before Virginia Woolf's *Mrs Dalloway*).

Jonathan McAloon,
30 SEPTEMBER 2015 • 2:25PM» [4]

—«Радуга» по своему модернистскому направлению языка и психологическому подходу напоминает романы викторианской эпохи (он был опубликован семь лет позже «Улисса» Джемса Джойса и десять лет позже «Мистера Деллоуэи» Вирджинии Вульф).

Jonathan McAloon,
30 SEPTEMBER 2015 • 2:25PM»

Однако, как нам кажется, главный мотив творчества Лоуренса – отказ от дегуманизирующего влияния индустриального общества и возвращение к естественности и спонтанности жизни. В этом и заключается, на наш взгляд, своеобразие творчества Д.Г. Лоуренса.

ЛИТЕРАТУРА

1. Симонова Л. Трилогия Э.Базена «Семья Резо» в контексте французского семейного романа. Дисс. на соискание ученой степени канд. фил. наук. – М.:, 2005. – С.9.
2. <http://www.jrank.org/literature/pages/19677/Family-saga-Sherry-Ashworth-Family-saga-Best-Family-Sagas-Sherry-Ashworth-s-Top-12-Family-Sagas.html#ixzz42Sjs53Gz>
3. https://modernism.research.yale.edu/wiki/index.php/D.H._Lawrence
4. <http://www.telegraph.co.uk/books/authors/why-dh-lawrence-the-rainbow-was-banned>

РЕЗЮМЕ

Мақола XX аср боши инглиз адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлган Дэвид Герберт Лоуренс ижодида ва хусусан, унинг ижодида оилавий хроника жанрининг тутган ўрни таҳлилига бағишланган.

Калит сўзлар: жанр, специфика, ўхшашлик, парадигма, сага, оила, оилавий хроника, персонаж, характер.

RESUME

This article is devoted to the problem of works of *David Herbert Lawrence*, famous English writer of commencement of the XXth century and in particular the place of the genre of family saga in his works.

Key words: genre, specificity, identity, paradigm, saga, family, family chronicle, personage, character.

ПАРИ ТЕОМОРФИК МЕТАФОРАСИ – ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ФЕНОМЕН СИФАТИДА

Махмараймова Ш.Т. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола бугунги кунгача кам ўрганилган теоморфик метафоранинг лингвокультурологик жиҳатларини ёритишига қаратилган. Жумладан, метафора назарияси, белгилар тизимида метафора ҳодисасига муносабат билдирилади. Бу борада Бобур шеърлари орқали пари метафорасининг семантик табиатига чизгилар берилади, унинг концептуал аспектларига назар ташланади. Шунингдек, ушбу теоморф хусусиятли метафоранинг ўз этимологиясидан қисман узоқлашган тарзда, бугунги кунда соф лингвокультурологик феноменга айлангани далилланади.

Калит сўзлар: метафора назарияси, белгилар тизимида метафора, миф, теоморфик метафоралар, пари метафораси.

Метафора тушунчаси фанда Аристотель давридан маълум. Аммо унинг психолингвистик табиатини биринчи марта И.М.Сеченов ўрганди ва инсон ҳис-туйғуларининг белгиларга айланиш жараёнини соф физиологик омиллар билан асослади [1].

Мавзунинг мантиқ, хотира, тасаввур, лисонга доир жиҳатлари, шунингдек, Грегори [2], Г.Лейбниц, Рубинштейн [3], Шилков [4], Пиаже [5], Фейхтвангер [6], П.Сартр, Щерба, Потенбя [7], Виноградов [8], Ивлев, Г.Фреге [9], Ч.Пирс, Витгенштейн [10], Гумбольдт [11] ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топди.

XX асрнинг 60-йилларида генератив семантиканинг ривожланиши натижасида метафоранинг когнитив функцияси, коммуникатив, ҳиссий, волюнтарив (таъсир кўрсатиш функцияси), поэтик ва бошқа қатор хусусиятлари ўрганилди: Дж. Катц, П.Постал, Дж.Лакофф [12].

Тишуносликка метафора риторика санъати орқали кириб келган бўлиб, бу даврларда унга эстетика ва тасвирий (жозибадор) нутқ воситаси сифатида қаралган. “Метафора” атамасининг ўзи эса илк бор Изократ томонидан “Evagorus” асарида қўлланган (э.а. 383 й.) [13]. Бироқ антик давр олимлардан Аристотель ўзининг “Поэтика” асарида метафорани назарий жиҳатдан текширган. Антик давр фалсафаси ўзининг тадқиқ даври гуллаб-яшнаган XX метафорани тилнинг коммуникатив, номинатив, билиш мақсадларининг ажралмас қисми сифатида талкин қилди [14].

Квинтилиан метафорани табиат томонидан инъом этилган деб ҳисоблаган ва “ҳеч бир предмет белгиланмай қолмаслигига таъсир кўрсатади”, деган хулосага эга бўлган [15]. Цицерон метафорага тилда етишмовчи маъноларни шакллантириш усули сифатида қараган ва ўхшашлик асосида амалга ошадиган кўчим “тилдаги сўзнинг тегишли тушунчаси бўлмаганда кузатилади” дейди [15].

Мумтоз риторикада метафора меъёрдан четлашиш – предмет номининг бошқа предметга кўчиши сифатида тушунтирилган. Ушбу кўчимнинг мақсади лексик лакунани тўлдириш (номинатив функция) ёхуд нутқни бойитиш ва риториканинг бош мақсади бўлмиш “ишонтириш” бўлган.

Сўнграқ метафора муаммоси риторика кўлампидан ташқарига чиқиб, тилшуносликка ўтди. Шу залда метафоранинг қиёсий концепцияси юзага

келди. Унга кўра, метафора – одатий номланишнинг тасвирий идрок этилиши. Бунда метафора яширин қиёс сифатида қабул қилинган бўлиб, қиёсий назария метафорик баённи икки қиёс қилинувчи предметга боғлиқ бўлади, деб хулоса қилган.

XIX – XX асрда қиёсий назария Дж.Серль ва М.Блэк томонидан жиддий танқидга учради. Дж.Серль метафорани икки семантик маънонинг вербал, яъни метафорик ифода ва айнан бўлган контекстуал қуршовнинг таъсирлашуви ёки оппозициясига боғлиқ деб таъкидлади [16]. М. Блэк эса фанда биринчилардан бўлиб, метафорани “қиёсни ифода этувчи эмас, юзага келтирувчи” сифатида таърифлади [17].

Бу ҳол кўплаб тадқиқотчиларни семантик алоқадорлик борасидаги изланишларга бошлади.

Улар, шунингдек, метафора ўхшашликни очмасдан, уни яратади, яъни метафора илгари ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган икки буюм ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни намоиш этади, деб таъкидладилар.

Метафора тўғрисидаги анъанавий қарашлар метафорани ундаги ғоялар алмашинувига туртки берувчи функцияларни иноватга оламган ҳолда, шунчаки лисоний бирлик, контекстуал ўсиш деб баҳолади. Ваҳоланки, фикрнинг ўзи метафорик характерга эга, у қиёс орқали юз очади ва тилда ўз ифодасини топади.

Метафора реал воқелик объектларини билиш, уларнинг номланиши, бадиий образларнинг ва янги маъноларнинг ҳосил бўлишида асосий йўллардан бири ҳисобланади.

Хусусан, Аристотельнинг ўзи бу ҳақда: “Метафора – сўз маъносининг жинсдан турга, турдан жинсга ёхуд турдан турга ёки муқобиллик асосида кўчирилишидир”, - дейди [14].

Мазкур тўрт турдаги метафоралар орасида Аристотель муқобиллик асосида юзага келган метафораларни эътиборли деб топади. Зеро, унинг (Аристотель) учун муқобиллик – пропорциянинг ўзи: бунда иккинчи сўз биринчисига, худди шундай, учинчи ва тўртинчисига ҳам бирдай тааллуқли бўлаверади. Мисол тариқасида: “Умрнинг кексалик даври кундузнинг шом палласига тенгдир”, – дея таъкидлайди. Бу ҳолатда умр сўзини учинчи сўз (бунда кексалик даври сўз бирикмаси бўлиб келган) – кундуз билан алмаштириш мумкин (ушбу ҳолатда биринчи метафора: кундузнинг кексалик даври (шом

* Махмараймова Ш.Т. – ТерДУ Бошланғич таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.

палласи) ҳамда умрининг шом палласи (кексалик) сингари метафоралар ясалади [18].

Аристотельнинг ўзи метафорага нисбатан ихчам, соддаштирилган ўхшатиш деб қарайди ҳамда бу кўчимларни қўллашда маҳоратли бўлиш лозим, жумладан, “яхши метафораларни яшаш – (предметлараро) ўхшашликларни илғашдир”, - дея таъкидлайди [19]. Шунга қарамай, бу фикрга қарши тилшунос Айвор А. Ричардс: “Хар бир лисон эгасида метафораларни қўллашга доир тажриба мавжуд бўлади; Аристотельнинг бу маҳорат ҳаммада ҳам мавжуд бўлавермайди, деган фикри нотўғри. Хусусан, инсон нутқий қобилиятни ўзга лисон эгаларининг намунаси остида эгаллаб боради. Табиийки, бунда у бевосита кўчимларни қўллаш тажрибасини ҳам ўзлаштириб боради”, -деб ёзаркан, метафорага энг улуғвор –ҳаётни идора этиш (a command of life) санъати дея баҳо беради [20].

Риторика тарихида метафорага нисбатан алоҳида санъат ва эҳтиёткорлик талаб этувчи сўз ўйини, ўзгача таърифлаганда, алоҳида шакл эмас, балки нутқнинг тасвирий воситаси, беағи қабилда ёндашилган. Бинобарин, антик давр одамида объект ва тасаввур қилинаётган субъект ўртасидаги муносабат ҳақида гўё иккита физик предметнинг ўзаро таъсирланишига монанд хулоса мавжуд бўлган.

Метафора ҳақидаги анъанавий таълимот метафора ясалишининг бир неча туринигина ажратади; шунингдек, метафора ясалишини қулай нутқий вазиятнинг юзага келиши билан боғлайди. Шу туфайли метафорага нисбатан контекстлар ва ғоялар алмашинуви (thoughts) деб ёндашилмасдан, шунчаки сўзлар муқобили қабилдаги лисоний восита деб қаралиб келинди [20].

XX аср бошларида юзага келган ғоялардан яна бири тилшунослик фанининг янги босқичга кўтарилишига туртки бўлди. Тил тизимини илмий ёритишнинг “объектив метод”ларини излаган Фердинанд де Соссюр тилга белгилар тизими сифатида қараш лозимлиги ҳақидаги ғояни ўртага ташлади. Лисоний системологиянинг асосчиси бўлган Соссюр унинг асосий тамойиллари тил ва нутқ ҳодисаларини, синхрон ва диахрон таҳлил усулларини фарқлаш ҳамда лисоний белгининг ихтиёрийлигини инобатга олиш билан боғлиқ эканлигини уқтирди [21].

Белгининг тушунча англатиш жараёнининг энг содда шакли – денотатга ишора бериш. Бундай маъно белгининг номи, аталиши ҳисобланади. Бу ҳолат Фреге учбурчагида ўз аксини топган. Ном объектга тенг эмас. Ном нутқ иштирокчиларига аввалдан маълум қилинган бўлсагина, объектга ишора бериши мумкин. Денотатнинг номи белгининг экстенционал (предметли) маъносидир. Денотат маъноси – белгининг интенционал (масмуний) маъноси, масалан, номланаётган объектнинг типологик, топологик ва ҳ. Хусусиятлари ҳақидаги маълумот. Маъно ўз-ўзидан туғилиб қолмайди, аксинча, у бошқа маънога йўналтирувчи ҳисобланади. Маъно предметлилик ва масмунни англатишдан ташқари, ҳис-туйғу,

эмоциялар, шунингдек, кайфият билан боғланган экспрессивликни ҳам ифодалайди.

Таъкидлаш лозимки, таникли француз файласуфи Жак Деррида сўз даврида хотирадаги иллюзор белги Фрейдга ёзувдаги белгини эслатиб турганини, бу белги ёзувдаги метафорага йўналтириб турганлигини қайд этади. Бу метафора Фрейд томонидан тушларнинг таҳлилига бағишланган ишларида кўп қўлланган. Бошқача айтганда, Фрейд ўз концепциясида ёзма нутқни шунчаки дидактик ёхуд техник метафора деб талқин қилган [22].

Шунингдек, Деррида юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, тушларни ёзма нутққа кўчириш жараёнида Фрейд ўзини ёзув ландшафтларида сайр қилгандек ҳис этганини қайд этаркан, ёзувни кўчирувчи эмас, ўзига хос литография, ўзига хос шакл сифатида изоҳлаганини, уни (иероглификани) метафорик тарзда – лингвистик эмас, мантиқий тарзда қабул қилганини ёзади ҳамда: “Ёзув метафораси психик аппарат ва психик матннинг ишлаб чиқилиш структурасининг муаммоларини изоҳлашда қўлланилади” дейди. Шу каби Ф.Ницшеннинг ижодини таҳлил қилган файласуф: “Ёзув маънонинг ўз-ўзидан йўқолиши ва ҳосил бўлишидир; метафора–ўзгаларни-шу ерда-ҳозир-иштирок–этириш-мақсадида (metaphore-pour-autrui-en-vue-d'autrui-ici-bas), метафора ўзгаларнинг шу ерда ва ҳозир иштирок этишлари учун имконият сифатида метафора ўзини ўзга пайдо бўлиши билан ёки ўзга пайдо бўлиш хавфи туғилганда яширинишга мажбур бўлган *Мавжудлик*, метафизика сифатида”, деб айтади [22]. Ўз қарашларида белги (символ) масаласига тўхталган файласуф метонимияни матннинг мантиқий структураси, фигуратив тили деб, метафорани эса референциал тили деб изоҳлайди ва метонимияни белги (символ)га, метафорани дискурсга тенглаштиради.

Нисбатан мураккаб маъно хотирада “бу аввал ҳам бўлган эди” тарзида сақланаётган образга мурожаат қилиш тамойили асосида юзага чиқади. Бу усул параллелизм деб аталади.

Содда маъно қисм (белги) бутунга тенг тамойили асосида туғилади. Бу тамойил синекдоха деб номланади ва метонимиянинг бир кўринишларидан биридир.

Мураккаб маъно умумлаштириш, яъни узатилаётган хабар деталлар маъносини бош ва иккинчи даражалиларга ажратиш асосидаги образни шакллантириш оқибатида юзага келади.

Умумлаштириш учун учун бир хил умумлаштириш қобилиятига эга бўлган одамларнинг биргаликдаги фаолияти (келишуви) зарур бўлади. Метафора типига кўра тушунча пайдо бўлганда эса белги келтириб чиқарувчи тасаввур денотат билан умумий қирраларга эга бўлади.

Метафорани сўзловчининг лисоний-ментал фаолияти билан чегаралаш қийин, табиийки, инсоннинг метафороген фаолияти уни Ердаги қолган мавжудотлардан фарқлантириб турувчи ҳодисадир. Метафоранинг ўзи эса аллақачон поэтик-риторик қўламдан чиқиб кетган бўлиб, ҳозирда

ландшафт унсурлари, дизайн предметлари, ижтимоий-тарихий воқеалар, бадиий стиллар ва воситалар, ахборот технологиялари ривожининг йўналиши ва ҳ. сифатида қабул қилинади.

Ибтидоий одамнинг теварак-атроф, борлиқни англашга бўлган барча ҳаракатларининг дебочасида теоморф ёндашув ва талқиннинг устувор аҳамиятга эга бўлгани сир эмас. Ҳатто замон ва макон ўзининг физик ўлчамларини антик ва ўрта аср илм-фанига ўзга эврилишлар билан тақдим этгунига қадар фазовий ва даврий теоморфизм билишнинг асосий аспектларидан бўлиб келди.

Физик нуктаи назардан фазовий ўқнинг уч ва тўрт ўлчамли эканлиги даврлар оша ўрганилиб келинар экан, доимий равишда вақт векторининг эътиборда бўлиб келганлиги эътиборталаб. Вақтни ортга қайтариб бўлмаслиги, унинг битта йўналишда кечишининг изоҳлаб бўлмас масала эканлиги фандаги глобал муаммоларнинг бири (Я.Ф.Аскин, А.Грюнбаум томонидан вақтнинг ортга қайтмаслиги ўз-ўзидан, ибтидоий тарзда пайдо бўлган ва ҳеч бир қонуниятга бўйсунмайдиган масала эканлиги қайд этилади [23]). Бинобарин, инсоннинг заковати ечиб бера олмайдиган ҳодисотлар мавжуд бўлар экан, унинг теоморфик тушунчаларга мурожаат қилиши вақт ўтиши билан давом этаверади.

Назардан соқит қилмаслик керакки, илк илмий қарашлар ҳам (антик даврда бўлгани каби) мифологик тасаввурдан соқит бўлмаган. Демак, баён қилинаётган ҳар бир фикрнинг таъсирчанлиги, юқори пафосни таъминлаш мақсадида, файласуфларнинг мифик тушунчаларга мурожаат қилганлиги табиий ҳисобланади. Модомики, метафорага жозибадор сўзлаш воситаси сифатида қаралар экан, Аристотелнинг ўзида этик идеал-регулятивларни мужассам этган “ғурурли одам” ғояси инobatга олиниб, унинг (метафоранинг) теоморфик негиздан мосуво бўлмаган, деган тахмин ҳақиқатга яқин.

Умуман, теоморфизм тушунчаси кенг камровли бўлиб, олимлар уни оламнинг физик хусусиятларининг тадрижий ривожланиш босқичлари негизда текширадилар. Аслида ҳам шундай бўлиши табиий ҳол.

Дарҳақиқат, теоморфизм – илк инсоннинг асосий билиш аспекти бўлибгина қолмай, даврлар ўтмоқдаки, интеллектуал инсоннинг диққат назарида яшаб келмоқда. У мутлақлик характерида бутунлай йироқ тушунча. Илло, том маънодаги дунё тамаддуни (цивилизация)да унинг ўрни бекиёс.

Шаклдаги маънони, моҳиятни ишорага қўра илғаш, англаш техникаси бевосита, инсоннинг оламдаги мавжуд шакллар ҳақидаги билимлари – когнитив категорияларга бориб тақалади. Демак, бу борада лисоний бирликларнинг семантик таърифи том маънода когнитив характерли бўлиб қолмасдан, семантик экспликацияда когнитив қўламнинг феномени бўлмиш метафорани намоён эта олади.

Хусусан, фанда теологик тушунчаларнинг концептуаллашиши номинациянинг тўғридан-тўғри амалга ошадиган усуллари билангина эмас, балки, маъно қўчимларининг алоҳида олинган турлари асосида ҳам юзага чиқиши маълум ҳодиса. Зеро,

Аристотелнинг метафоризация назариясида “метафора буюмга аслида бировга тегишли бўлган номни беради” [14] дейилади. Бинобарин, объектлар хусусиятига тегишли лисоний маънонинг инъико этилиш жараёнида иштирок этувчи когнитив метафора концептуал вазифани бажаради ҳамда мавҳум маъноли концептларга ном беради. Теоморфик метафоранинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг асосий мақсади мавҳум ёхуд “ботиний олам” объектларини аташ, когнитив жараённинг заруратидан келиб чиқиб, тушунчаларни шарҳлашдир. Ваҳоланки, ана шу “кузатилмайдиган” моҳиятларнинг жами лисоний-теоморфик хусусиятга эга бўлиб, улар концептуаллаштириш жараёнида кенг қўламда метафоризацияга юз тутди.

Айнан мана шу муносабат биз текшираётган теоморфик метафораларнинг табиатига ниҳоят даражада мосдир.

Агар ўзбек бадиий дискурсида учрайдиган қўчимлар орасида теоморфик характердаги ифодалар айни пайтда антропоморф характерга эга эканлиги инobatга олинса, ўзбек тилидаги оламни билишдаги асосий икки: теоморф ва антропоморф шаклларни ўзида ифода этувчи метафоралар айни вақтда метонимик, метонимиялар эса бир вақтнинг ўзида метафорик ясаиш асосига эга деб хулоса қилиш мумкин.

Теоморфик метафоранинг хусусиятларига эътибор қаратарканмиз, унинг ўзга метафоралар билан ассоциатив муносабатга кириб, бевосита уларнинг ҳам конструктив, ҳам концептуал қўламига таъсир эта олиши, тўғрироғи, уларнинг тизимида мавжуд бўла олиши, яна ҳам тўғрироғи – уларнинг шаклланишида усткурма бўла олганлигига ишора бериши диққатни тортмай қолмайди. Хусусан, фундаментал деб қаралаётган зооморфик, антропоморфик метафоралар тизимида ўрганилаётган теоморфик метафора, бизнингча, шу икки, балки яна бир қатор турдаги метафораларнинг вужудга келиш сабабларини асослай олиш қудратига эга.

Фикримизни қуйидаги қарашлар билан асосламоқчимиз:

Метафора – инсон онги муқобил имкониятларининг намоёишчиси бўлиб, ўз диққат марказига борлиқ-воқелиқни категориялаштириш муаммосини қўювчи когнитив тилшунослиқнинг шу муаммонинг ечимига дахлдор тушунча. Хусусан, метафора билишнинг ўзига хос усули бўлиб, унга оламни англаш, муносабат билдириш, категориялаш, концептуаллаштиришнинг асосий омили сифатида қаралади.

Таққослаймиз:

*Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.*

Пари бу ҳусн бирла кўрса юзунгни, бўлур телба... (Бобур ғазалларидан)

Бу ўринда *пари* контекстуал жиҳатдан қўчимни ифодаламасдан, алоҳида олинган концептни ўзида намоён қилмоқда. Хусусан, қўхна Эрондаги мифологик қарашлар махсули бўлмиш *пари* демономорфик образининг этимологиясида бир вақтнинг ўзида зооморфик, антропоморфик

чизгилар кузатилади: “Авесто”да пари-паирика — аёл жинсига мансуб жонзот, “Бундахишна”да сичкон—пари, “Ясна”да кўршакпалак, “Видевдат” (II 9) да ёвуз рух шаклида ифода қилинган. Туркий халқлар фольклори ва этнографиясига, асосан форс маданияти (эронийлар, тожик, помирликлар, афғонлар ва б.)дан ўтиб келган пари образига нисбатан ижобий маънода: чиройли куш, кундуз, оқ ва сариқ илон сифатида ёндашилган бўлса, парини ёвуз рух сифатида талкин этувчилар уни заҳарли илон, қурбақа, тошбақа ҳамда йўлбарс сингари йирткич жониворлар кўринишида тасаввур қилишган [24].

Тушуниладики, пари том маънода Шарқ халқлари мифологиясида мавжуд бўлиб келган этномаданий унсурдир: у билан боғлиқ махсус маросимларнинг бугунги кунгача ўтказилиб келиниши бунга ишора.

Аммо парининг дискурсив моҳиятдан келиб чиқиб, унинг семантикасидаги доминантасидан аёл коннотати қадар тараққий этиб боровчи, Шарқ дунёқараши ва қадриятлари махсули бўлмиш *соҳибжамол аёл* семасининг мустақил концептга айланиб улгургани — ҳақиқий лингвомаданий феномендир. Чунончи, қурғокчилик ва қаҳатчилик рамзи ҳам бўлиб келган *пари* ўрта асрларга келиб, ўз семантикасининг катта қисмини ижобий оттенкали семаларга бўшатиб берди. Масалан, бу даврда форс-тожик шеърлятида *парига* нисбатан ижобий ёндашиш кузатилади; *пари* кўзга кўринмасдир, пайдо бўлганда эса, ўз жамоли ва хусни билан ҳайратда қолдиради (шу жиҳати билан *пари* Ғарб адабиётига кирганлигини эътироф этиш керак):

Ул парирў ногаҳон гар чиқса уйдан ёсаниб
(Бобур).

Ёки,

Бу шаклу шамойил била худ ҳуру пари сен

Ким, жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

У ақлдан оздириш билан бир қаторда эзгуликларга ҳам қодир: Такқослаймиз:

Юз ямонлиг кўриб андин телба бўлдинг, эй кўнгил,

Яхшилигни кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Тош урар афтол мени, уйда фориг ул парий,

Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.

Парининг ўрни билан турли дискурс, нутқий вазиятларда кульминацион нуктага замин ярата

олиш хусусияти унда бир вақтнинг ўзида зооморф ва антропоморф чизгиларнинг уйғунлашганлигини кўрсатади. Зооморф чизгилар мазкур метафоранинг этимологиясидаги мифологик образларга ишора берса, ундаги антропоморф белгилар когницияда кечган прогрессив эврилишлар орқали шаклланган ассоциациялардир. Яъни, *пари* билан ифодаланган хос бераҳмлиқ (*Ул парининг тигидин қўрқутма мени, эй рақиб...* (Бобур) инсонийликка хос эмас; бу бераҳмлиқ сабаби бўлмиш эътиборсизлик, мурувватсизликнинг боиси эса — андиша, ҳаё. Парининг тиғи — унинг ҳадсиз гўзаллиги: у ошиққа айтарли ҳеч нарсани ваъда қилмаслиги мумкин. Худди шу оқибатсизлик ошиқ учун ҳалокатнинг ўзи. Шунинг учундир: лирик қаҳрамон кечинмаларини юқори пафос билан акс эттириш мақсадида *парига* мурожаат қилиш, кези келса, туркий мумтоз адабиётда анъана тусини олади.

Аёлга нисбатан Шарқона эҳтиром туфайли шаклланган қарашларга кўра, у — келажак авлодни дунёга келтирувчи ва оилавий фаровонликни таъминловчи зотдир ҳамда унга бўлган мурожаатлар, муносабатларда бу жиҳат инобатга олинади. Гарчи ўзининг ижобий коннотати билан Шарқ аёлининг тимсолини бутунича ифодалай олмаса-да, *пари* метафорасини бемалол лингвокультуреда деб аташ мумкин, зотан буни ундаги юқори референтлик даражаси ҳам исботлайди. Сўзловчи ва адресат ўртасидаги *пари* ҳақидаги когнитив билимлар, тушунчалар умумий ва аввалдан тайёр характерли бўлиб, бу референтлик негизи мулоқотнинг ҳар икки (ва ундан ортиқ) иштирокчиларидаги нутқий умумментал ҳосилларга бориб тақалади. Шу боисдан ҳам мумтоз адабиёт ва умуман, адабиётнинг синхрон ва диахрон кесимида ўрганилувчи, мутолаа қилинувчи манбаларида учрайдиган *пари* метафорасининг концептуал моҳияти тингловчи, ўқувчи томонидан осон илғанади. Бу ҳолат парининг ўзига хос яхлит гештальтга эгалигини такрор исботлайди.

Шундай қилиб, айнан туркий халқлар маданиятидан чуқур жой олган *пари* метафораси Шарқ, Осиё аёлига хос: гўзаллик, донолик, мавҳумлик ва сирлилик сингари хислатларни ўзид афода эта олгани билан бетакрордир ва у туркий халқлар маданиятига дахл қила олган юксак маънавиятнинг тарихий илдизларига ишора беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Сеченов И.М. Избранные философские и психологические произведения. М.: “Огиз”, 1947.
2. Грегори Р.Л. Глаз и мозг, психология зрительного восприятия. М.: “Прогресс”, 1970.
3. Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание (О месте психического во всеобщей связи явлений материального мира). М.: “АН СССР”, 1957.
4. Шилков Ю.М. Гносеологические основы мыслительной деятельности. СПб.: “СПбГУ”, 1992.
5. Пиаже Ж. Избранные психологические труды. М.: “Просвещение”, 1969.
6. Фейхтвангер Л. Собр. соч. в 6 томах. Т. 6. Кн. 1. М.: “Художественная литература”, 1990.
7. Потенция А.А. Мысль и язык. Харьков: “Мирный труд”, 1913.
8. Виноградов В.В. История слов. М.: “Толк”, 1994.
9. Frege G., On Concept and Object. В кн.: Translation from the Philosophical Writings of Gottlob Frege. Ed. by Peter Geach and Max Black, Basil Blackwell, Oxford, 1980.
10. Wittgenstein L., Philosophical Investigation. Trans. by G.E.M. Anscombe, New York: The Macmillan Company, 1953.

11. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. М.: Прогресс, 1984; Гумбольдт В. Язык и философия культуры. М.: "Прогресс", 1985.
12. Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. В сб.: Язык и моделирование социального взаимодействия. М.: "Прогресс", 1987.
13. Античные теории языка и стиля. М. – Л.: 1936. С. 217.
14. Аристотель. Поэтика. М., 1984; Аристотель. Поэтика. Аристотель // А79-Политика: [пер. с древнегреч. Жебелев С. А., Гаспаров М.Л.] / Аристотель. М.: АСТ, Хранитель, 2006/
15. Античные теории языка и стиля. М. – Л.: 1936.
16. Серль Дж. Метафора // Теория метафоры. М.: 1990.
17. Блэк М. Метафора // Теория метафоры. М.: 1990.
18. Протопопова И. Философская аллегория, поэтическая метафора, мантика: сходства и различия. <http://kogni.ru/text/mant.htm> Мурожаат: 12.09.2015.
19. Аристотель. Соч. в 4-х тт., т. IV. М., 1983. Шунингдек: Айвор А. Ричардс. Философия риторики. Бунда макола куйидаги тўплам сирасида: Кассирер Э., Р.Якобсон, А.Ричардс, М.Блэк, Дж.Серль, А.Вежбицка, А.Ортони, Ж.Лакофф, Н.Гудмен, и др.Теория метафоры. М.: "Прогресс", 1990. С.58. URL:: <http://fileshare3200.depositfiles.com/auth-13415932567aa0fa1b3be3cc9a4042fa-213.206.39.161-2033652370-119224315-guest/FS320-2/153998.doc>
20. Айвор А. Ричардс. Философия риторики. Бунда макола куйидаги тўплам сирасида: Кассирер Э., Р.Якобсон, А.Ричардс, М.Блэк, Дж.Серль, А.Вежбицка, А.Ортони, Ж.Лакофф, Н.Гудмен, и др.Теория метафоры. М.: "Прогресс", 1990. С.58. URL:: <http://fileshare3200.depositfiles.com/auth-13415932567aa0fa1b3be3cc9a4042fa-213.206.39.161-2033652370-119224315-guest/FS320-2/153998.doc> Мурожаат: 12/09/2012.
21. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. //Монография. Тошкент: 2008.
22. Гурко Е. Деконструкция: тексты и интерпретация. Деррида Ж. Оставь это имя (Постскрипtum), Как избежать разговора: денегации. Минск: "Экономпресс", 2001.
23. ТЕОМОРФИЗМ ПРОСТРАНСТВА. HTTP: МАМАРАПАМ.RU/INFO/ТЕОМОРФИЗМ-ПРОСТРАНСТВА/2/ МУРОЖААТ: 23/09/2012.
24. Мифологический словарь/Гл. ред. Е. М. Мелетинский. – М.: Сов. энциклопедия, 1990. -С.421.

РЕЗЮМЕ

Излагаются взгляды на лингвокультурологические особенности теоморфной метафоры, которая на сегодняшний день мало изучена. В частности, относительно теории метафоры, определяется место метафоры в знаковой системе. Наряду с этим, на примере классической поэзии Бабура описывается семантическая природа теоморфной метафоры *пери*, распознаются ее семантические и концептуальные аспекты. Доказывается частичное отклонение от этимологии, и преобразование *пери* в лингвокультурологический феномен.

Ключевые слова: теория метафоры, метафора в знаковой системе, миф, теоморфные метафоры, метафора *пери*.

REUSME

In this article it is expounded views on the lingvo-culturological features of teomorphic metaphors, which it is little studied in **nowdays**. In particular, with respect to the theory of metaphor, determined by the place of metaphor in sign system. At the same time, on example of the classical poetry of Babur described the semantic nature of the *peri* teomorphic metaphor, recognized its semantic and conceptual aspects. Proved deviation from the etymology, and *peri* conversion lingvo culturological phenomenon.

Key words: metaphor theory, metaphor in semiotic system, myth, teomorphic metaphor, metaphor *peri*.

INGLIZ VA O'ZBEK TILIDA ZOOKOMPONENTLI MAQOL VA MATALLARNING KOGNITIV TAHLILI

Muxitdinov D.T. *

REZYUME

Ushbu maqola ingliz va o'zbek tilidagi zookomponentli maqol va matallarning kognitiv tahliliga bag'ishlangan. Shu bilan birgalikda, milliy-madaniy bo'yoqdor til birliklarining qiyosiy tahlili millatning milliy dunyoviy manzarasini yoritib beradi. Maqolada zookomponentli maqollar tarkibidagi kontseptlar o'rganilgan; mazkur kontseptlar turli tillarda solishtirilib, millatlar madaniyati, kundalik hayoti va mentalitetida tutgan o'rni ko'rib chiqilgan.

Kalit so'zlar: maqol, matal, konsept, kognitiv tilshunoslik, dunyoning lisoniy manzarasi, etnomadaniy o'ziga xoslik.

Voqelikni idrok etish va uni bilishning milliy-madaniy xususiyatlari muammosi tadqiqotchilarni uzoq vaqtlardan beri qiziqtirib kelmoqda va ushbu muammo haqida bildirilgan fikrlar ham turli-tuman, ba'zan esa tamoman bir-biriga ziddir. Bugungi kunda tilshunoslikda voqelikni idrok etishdan tashqari, uni o'rganishning milliy-madaniy xususiyatlari kabi masalalar yetakchi muammolardan hisoblanadi. Dunyoni bilishda mansub xalqning milliy-madaniy qiyofasi va uning qator xususiyatlari nafaqat tilshunoslarni balki ko'pchilik faylasuflar, psixologlar, kognitologlar va etnograflarni ham qiziqtirib kelgan.[1]

Kognitiv jarayonlarni milliy madaniyat bilan bog'laydigan asosiy vosita tildir. Shu sababli kognitiv tilshunoslik uchun lisoniy va kognitiv ong jarayonlarini milliy madaniyatda yaratiladigan, hosil bo'ladigan faoliyat, shart-sharoitlar bilan bog'lab o'rganish muhimdir. Darhaqiqat til va ong madaniyatdan holi holda mavjud bo'lmaydi, ular bizning ijtimoiy tajribamiz, ajdodlardan o'zlashtirgan an'analarimiz natijasidir. Agarda til "fanday fikrlashimizni anglatasa, madaniyat esa, ma'lum jamoa nima qilayotganiniva nimani fikrlayotganligini bildiradi". Yuqorida o'rta tashlangan fikrlar tahlili va sintezini umumlashtirish maqsadida quyidagi o'zbek va ingliz tilidagi zookomponentli maqol va matallarning kognitiv tahlilini ilova qilamiz.

Umuman insoniyat yaratgan maqollarning mavzusi keng va rang-barangdir.

Ayniqsa, she'riyati va didaktizmi bilan qadimdan mashhur bo'lib, tematik jihatdan shu qadar boy, shu qadar keng, shu qadar rang-barangki, ularda ijtimoiy hayotning eng murakkab muammolaridan tortib oilaviy hayotning eng kichik urf-odatlarigacha, oilaviy axloqiy normalardan tortib kishilar harakteridagi mayda- chuyda nuqsonlargacha, falsafiy dunyoqarashdan tortib eng kichik jonivorlarning xususiyatigacha ... o'z in'ikosini topgan. Qisqasi, tabiat va jamiyat hayotining biron bir sohasi yo'qki, u maqollarda o'z aksini topmagan bo'lsin, deb dadil ayta olamiz. [3]

U yoki bu maqolning ko'chma ma'nosini, unda nima deyilmoqchi bo'layotganini aniqlash uchun maqolda keltirilgan obrazlarning mohiyatini to'g'ri anglamoq kerak. Xalq og'zaki ijodining ko'pchilik janrlarida, jumladan, maqollarda xalq jamiyatidagi munosabatlar, hodisa va holatlarni soddaroq, oydinroq ifodalamoq maqsadida tabiatdagi o'z xususiyati bilan shunga mos keladigan turli narsalar (hayvonlar, o'simliklar, ularning mevalari, jismlar, uy jihozlari, kiyim-kechaklar, ish qurollari, mehnat mahsulotlari va

h.k) obrazidan ustalik bilan foydalanadi. Ana shu narsalarning har birini timsol qilib olib, ular vositasida muayyan sifatlarga (xoh ijobiy, xoh salbiy) ega bo'lgan kishilarning obrazini gavdalanitiradi.

Ko'pgina maqollarning to'g'ri va majoziy ma'nolarini aniq dalillar, shak-shubhaga o'rin qoldirmaydigan qat'iy xulosalar asosida to'laonli ifodalab berishning imkoni yo'q, albatta. Shunday hollarda tadqiqotchi ilmiy faraz qilishga majbur bo'ladi. Fransuz maqollari va iboralarini izohlash bilan shug'ullangan olim A.G.Nazaryan bu xususda shunday xulosaga kelgan: "Muayyan iboraning xususiyatlarini har tomonlama hisobga olish va semantik tuzilishini batafsil tahlil etish asosida qilingan gipoteza uning kelib chiqishini yoritishga qo'shimcha nur baxsh etishi mumkin".[3] Idiomatizmning faraz qilingan etimologiyasini hujjat bilan isbotlash va misollar yoki dalillar bilan mustahkamlash mumkin bo'lmagan hollarda uning shunday bo'lishi ehtimoldan holi emasligini ko'rsatmoq juda muhimdir. Bu narsa muayyan idiomatizمنى tadqiq etishni ancha ilgari surishi va bizniuning aniq etimologiyasiga yaqinlashtirishi mumkin.

Xalq maqollarining mavzusini, g'oyaviy yo'nalishini aniqlamoq, sinfli jamiyatda ularning qaysilari qaysi sinfning mafkurasini, dunyoqarashini, axloqini aks ettirganligi, hayotiy kuzatishlar natijasida turmushning muayyan tomonlari xususida qanday xulosalarga kelinganligi to'g'risida fikr yuritmoq va shu asosda tegishli xulosalar chiqarmoq uchun maqollarni klassifikatsiya qilish kerak bo'ladi. Bu narsaning zarurligiga folklorshunos olimlar va maqollarni nashrga tayyorlovchilar qariyb bir yarim asrdan buyon ahamiyat berib kelmoqdalar.

Tajriba shuni ko'rsatadiki, xalq orasida maqolning yashashi uchun hayotiy asos bo'lishi kerak. Bunday asosga ega bo'lmagan maqolning umri qisqadir. Jumladan, O'zbekistonda "Og'ilda ho'kizim yo'q, elimda obro'yim yo'q" maqoli ishlatilmay qo'yilgan. Bu maqolni o'tmishda hech vaqosi bo'lmagan, shu boisdan hech kimga hech bir gapi o'tmagan, izzat-hurmat qilinmagan, past nazar bilan qaralgan, har jihatdan kamsitilgan kambag'al, beva-bechoralar tilidan afsuslanish maqomida aytganlar.

Hozirda esa O'zbekiston xalqining og'ilda ho'kizi bo'lmasa ham, yashash sharoiti yaxshi va insonlarni kamsitish holati kuzatilmaydi. Ma'lum bo'ladiki, faqat hayot tajribasida tasdiqlangan vaziyat haqidagi maqol xalq orasida yashaydi. Shuning uchun,

* Muxitdinov D.T. – O'zDJTU tadqiqotchisi.

bu maqol qo'llanilmay qo'yilgan.

Shuningdek bu xususda kognitologlar ham maqol va matallarning tabiatini qiyosiy o'rgangan holda ular tarkibidagi konseptlarning xalq madaniyatidagi o'rnini belgilamoqda. Masalan o'zbek millatiga xos bo'lgan *"Jo'jani kuzda sanaydilar"* va bu maqolning variantdoshlari *"Chuchvarani xomligida sanama, Jo'jani kalligida sanama"*; *"Chuchvarani pishirib sana, jo'jani ochirib"* maqollarida *jo'ja, kuz, chuchvara* konseptlari uchraydi. Jo'ja bahorda, yozning boshida tuxumdan chiqadi. Bu paytda hali uning boshiga par chiqmaganligi uchun *"kal"* deb ataydilar. Jo'jalar to kuzga borguncha, ya'ni katta bo'lib, o'zini-o'zi eplay oladigan, o'zini mudofaa qiladigan bo'lguncha, qanchasini tulki, mushuk, kalxat va hokazo yeb ketadi, qanchasi biror shikast topib, nobud bo'ladi. Kuzgacha omon-eson yetib borganlarigina haqiqiy jo'ja, keyinchalik tovuq, xo'roz bo'ladi. Chuchvarani ham tugilgandan keyin sanab o'tirish - befoyd. Chunki u qozonga tushgandan keyin to pishgunicha qanchasi ochilib, yorilib, suvga chiqib ketadi. Majozan bir ishni boshlamay turib yoxud bir ishga endigina qo'l urib: *"Ana unday qilib yuboraman, mana bunday qilib yuboraman"*, *"Mana buncha urug' ekdim, ana uncha hosil olaman"* va shu kabi gaplarni aytib, maqtanuvchi odamlarga: *"Hali shoshmay turing, bu yog'i nima bo'ladi-yu, nima qo'yadi. Ish bitgandan keyin gapiringda"*, - degan ma'noda aytadilar. Ingliz tilidagi ekvivalenti *"Catch the bear before you sell his skin"* va *"Never fry a fish till it's caught"* maqoli ham shu ma'noda qo'llanadi. Bu maqollarda *bear* va *fish* konseptlari maqolning haqiqiy ma'nosini ochib beradi.

Inson fazilatlarini xususida to'xtalganda u orqali madaniyatning eng yorqin belgilari aniqlanadi. Insonning ijobiy, salbiy fazilatlarini va insonga xos bo'lgan insoniylikning tilda ifoda topishida, u bilan bog'liq bo'lgan maqollarning ahamiyati kattadir. Maqollar orqali inson nazarda tutayotgan fikrning kinoya, yumor, mazax, kalaka, maqtov ekanligini tushunish osonroq bo'ladi. Masalan, beg'am, beparvo, *"o'z qornim to'ysa bo'ldi, o'zga bilan nima ishim bor"* deb, oila g'amini, el-yurt g'amini yemaydigan, hamisha yallo qilib yurishni ko'zlaydigan odamlarga ingliz xalqi *"Water off a duck's back"* maqoli aytiladi. O'zbeklar esa bunday insonlarga *"Dunyoni suv olsa, o'rdakka nima g'am"* maqolini ishlatadilar. Har bir maqol biror bir insonning fazilatini tasvirlashda qo'llansa, kitobxon ko'z oldida o'sha millatga xos bo'lgan madaniyat gavdalanadi. Masalan, o'zbek maqollarida katta o'rin egallagan zoonimlardan biri, *"cho'l kemasi"* tasviriy ifodasini qo'llash an'anasi hali-hanuz saqlanib qolgan hayvon tuyadur.

Buyuk ipak yo'lining asosiy vazifasi savdo-sotiq ishlarini amalga oshirish bo'lib, yuklarni tashish va ko'zlangan manzilga yetish uchun tuyalardan asosiy transport vositasi sifatida foydalanilgan. Tuya sifatlaridan xalq maqol va matallarida majoziy mazmun ifodalashda foydalaniladi. *Tuya mingan uzoqni ko'zlar, eshak mingan - yaqinni; Tuya manzil ko'rur, Eshak - oyog'in ostini; Tuyaga mingsang, uzoqqa ko'z tashlab yur; Tuyaga mingach, uzoqni o'yla; Eshak minib tuyoq tagini ko'rma, tuya minib olis-olisni ko'zla* maqollarida tabiatan kuchli, sabr toqatli, mulohazakor jonivor

hisoblangan tuya hamda kundalik hayotda ishlatiladigan va uzoq masofaga olib chiqishga yaramaydigan jonivor - eshak solishtirilgan. Tuya va eshak obrazlari orqali ikki toifa insonlar o'zaro qiyoslangan. Aql-idroki baland, mulohazali, ko'pni ko'rgan va ko'p o'qigan kishilar tuyaga; kalta faxm, befarosat insonlar esa eshakka o'xshatiladi.

Tuyalar haqidagi maqol va matallar ingliz xalqi og'zaki ijodida ham mavjud bo'lib, bu madaniy aloqalar natijasida sodir bo'lgan ijobiy hodisadir. Masalan: The camel going to seek horns lost his ears (ko'p deb ozdan quruq qolma); It was the last straw that broke the camel's back; The last straw breaks the camel's back (qirqiga chidagan qirq biriga chidamas yoki oxirgi somon bo'lakchasi tuya belini sindirdi). Ko'rinib turibdiki, o'zbek maqollarida *"oxirgi tomchi"* ma'nosida *elak* qo'llanilgan bo'lsa, inglizlarda somon parchasi shu mazmunni anglatgan. Demak, orada mavjud masofa uzoqligi va xalq tilining boshqa-boshqa til oilalariga kirishi madaniy aloqalarga to'sqinlik qila olmagan va hayvonlar obrazi orqali insonlarga birdamlik, hamjihatlik, sabr-toqat, ziyraklik, yetti o'lchab, bir kesish kabi insoniy fazilatlariga amal qilish zarurligi uqtirilgan.

Baqiroq tuyaning bori yaxshi, baqirib turgani undan ham yaxshi - qartayib qolgan bo'lsa ham otaning bori (ya'ni hayotligi) yaxshi. Chunki u garchi baqirib-chaqirib, qattiq gapirib, koyib bo'lsa ham, farzandlarini noto'g'ri, noma'qul yo'ldan qaytarib turadi. O'g'il-qizlar olamdan o'tgan otasini yodga olganlarida, uning ba'zan achchiq gaplar bilan bo'lsa ham, bergan pand-nasihatlarini qo'msaganlarida ham shu maqolni aytadilar.

Strain at a gnat and swallow a camel maqoli ingliz xalqi orasida keng tarqalgan xalq og'zaki ijodi namunalaridan biri bo'lib, *"chivinni elakdan o'tqazib yutib yuboribdi"* deb o'zbek tiliga tarjima qilinadi. Bu maqol *"tanlab-tanlab tozasiga uchrabdi"* iborasiga mos bo'la oladi. Ya'ni arzimagan har bir narsaga ziqnalik qiladigan inson kezi kelganda, eng ayanchli holatlarga ham ko'nikishga majbur bo'ladi. Bu o'zbek xalqida mavjud bo'lgan quyidagi maqolga, ma'lum ma'noda mos keladi: *Arpa yemagan otlarim ajriqqa zor bo'ldi, podsho minmagan toylarim gado tagida hor bo'ldi.*[5] O'zbek va ingliz maqol va matallarida keng qo'llaniladigan zookomponentlardan biri otdir. Quyidagi maqolni tahlil qilamiz:

Yelka yag'iri - otga meros, ota "yag'iri" o'g'liga meros

Ot agar belidan yo boshqa yeridan yag'ir bo'lsa, uni davolab, tez tuzatib olsa bo'ladi. Ammo, u yelkadan (oldingi oyoqlari ustidan) yag'ir bo'lsa, o'la-o'lguncha tuzalmaydi, davolab ham bo'lmaydi. Chunki, yelka umurtqa bo'g'inlarining birlashgan joyi bo'lib, ot har oyoq ko'tarib tashlaganda qimirlab, yara ochilib yomonlashaveradi. Bu otlarga xos meros yag'irdir. Maqolda ota yag'iri deyilganda otaning o'z o'limiga qadar to'lab ulgura olmagan qarzi nazarda tutilgan. Odatga ko'ra, otani dafn etib bo'lingach, mahalla oqsoqollaridan biri mozor tepasida, dafn etish marosimiga kelgan barcha kishilar ishtirokida marhumning o'g'liga murojat qilib: *"Mobodo, otangizning birovdan qarzlari bo'lsa-yu, vasiyat*

qilolmay vafot etgan bo'lsalar, shu qarzning egasi kelib biror hujjat ko'rsatsa yoxud ikki guvoh bilan isbotlasa, siz qarzni to'laysizmi?" deydi. O'g'il to'layman, deydi. Shunda oqsoqol: "Mana otangiz endi musaffo bo'lib, pok bo'lib ketdilar", – deydi. Shunday qilib otaning qarzi o'g'lining gardaniga tushadi. U bu qarzni (ayniqsa, qarz katta bo'lsa) to'lab qutulguncha ancha qiynalib yuradi. Yuqoridagi maqol bilan otalarga: "Bola-chaqangga qarz qoldirma", - deb nasihat qilinadi.

Shuningdek, inglizlarning bolalarga nisbatan uy hayvonlariga bo'lgan mehri ustunroq turishini maqollarda "bola" obrazidan ko'ra "it" va "mushuk" obrazlari ko'proq qo'llanilishi kuzatiladi. Masalan: *A cat in gloves catches no mice* (Qo'lqopli mushuk sichqon tuta olmaydi), *When the cat is away, the mice will play* (Mushuk yo'q bo'lsa, sichqon bayram qiladi), *Dog does not eat dog* (Qarg'a qarg'aning ko'zini cho'qimaydi), *Barking dogs seldom bite* (Ko'p vovullagan it tishlamaydi).

Ayrim o'zbek maqollarida "it" va "mushuk" obrazlari ko'proq salbiy ma'noda, salbiy obrazda ya'ni jahldor, yomon, iflos, poraxo'r, ochko'z, dimog'dor odamlarga ishlatiladi. Masalan: *It hurar, karvon o'tar* (The dogs bark, but caravan goes on). Tanlay, tanlay toziga yo'liqdim, boshi piyoz kalga yo'liqdim (Scornful dogs will eat dirty puddings). Itlar bilan yotgan, bitlab turar (Down with dogs must rise up with fleas, He that lies). Itni suyak bilan ursangiz, qopmas (A dog will not howl if you beat him with a bone). Itdan suyak ortmas, mushukdan – bez (Two dogs over one bone seldom agree).

Ba'zi bir maqollarda it obrazi vafodorlik, yaxshilik, donolik, sofdillik obrazlarida gavdalanadi. Masalan: *Yaxshi itga – yaxshi suyak* (A good dog deserves a good bone), *O'lik arslondan tirik it afzal* (A living dog is better than a dead lion), *Qari it ko'p yo'l bilar* (An old dog barks not in vain). Biroq o'zbek maqollarida farzandlar, bolalar haqidagi maqollar eng sevimli mavzulardir. Chunki o'zbeklar bolajon xalq

bo'lib, ona va bolaga bo'lgan e'tibor kattadir. Masalan: Bolamning bolasi – qanddir o'rik donasi. Bolali uy – bozor, bolasiz uy – mozor.

Ingliz tili maqollaridagi milliylik haqida gapirar ekanmiz, dunyo millatlari orasida ingliz xalqining mag'rur va hurmat talabliligi ularning maqollarida ham o'z aksini topgan. Masalan: *Better be the head of a dog than the tail of a lion* (Arslonning dumi bo'lgandan ko'ra, itning boshi bo'lgan afzal); *Dog is better than a dead lion* (O'lik arslondan tirik it afzal), *While the grass grows the horse starves* (Paysalga soladigan saxiydan, tez javob beradigan baxil yaxshi) va boshqalarni keltirish mumkin. Keyingi maqol o'zbek va ingliz xalqida ko'p ishlatiladigan *Ikki quyinni quvlagan birini ham tutolmas* maqoli majozan "Birdaniga katta manfaat ko'rish niyatida bir yo'la ikki ishning ketiga tushma, ikkalasining ham uddasidan chiqolmayсан. Oldin bir ishni batamom tugatib ol, keyin ikkinchisiga qo'l ur, shunda yutasan" degan ma'noda qo'llaydilar. Inglizcha ekvivalenti "If you run after two hares, you will catch neither" shaklida qo'llanadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, har bir millatning o'ziga xos bo'lgan til birliklarini insonning mehnat faoliyati, millatning tarixiy tajribasi, maishiy xizmati, madaniyati, insonlar zakovati va to'y marakalari bilan bog'liq til yaruslarida hosil bo'ladi. Zookomponentli maqol va matallarning ikki tildagi qiyosiy tahlili natijasida bu xalqlarning ma'lum fikrni ifodalash uchun hayvon obrazlaridan qaysi hollarda foydalanilganini, hayvonlar obrazi orqali qanday insonlarni tasvirlanayotgani hamda bu ikki xalqning maqol va matallarida qaysi hayvon salbiy yoki ijobiy obrazda bo'lishi, hayvonlarning xalqlar hayotidagi o'rnini tahlil qilish katta ahamiyat kasb etadi. Shuningdek, zookomponentli maqol va matallarda ma'lum hayvonning qo'llanish darajasi va qanday ma'noni o'zida saqlayotgani bu ikki yoki uch xalqlarning qiyosida keltirish kognitiv tahlilda muhim hisoblanadi.

ADABIYOTLAR

1. Ahmedova O'. Ingliz va o'zbek maqollarining lingvokulturalogik xususiyatlari – Ilm sarchashmalari, Urganch, 2013.
2. Safarov Sh. Kognitiv tilshunoslik – Jizzax, Sangzor, 2006.
3. Shomaqsudov Sh., Shoraxmedov Sh. "Hikmatnoma". – Toshkent, 1990.
4. Hakimova G.E. Frazologiyada milliy-madaniy konnotatsiya va stereotip tushunchalari //O'zMU xabarleri, Toshkent, 2015.
5. O'zbek xalq maqollari – Toshkent, Sharq nashriyoti, 2012.
6. Tosheva D. Tuya komponentli maqollarning lingvokulturalogik xususiyatlari - Ilm sarchashmalari, Urganch, 2012.
7. Qambarov N. Universal lug'at – ma'lumotnoma. – Toshkent, 2014.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена когнитивному анализу пословиц и поговорок, содержащих в себе зоокомпоненты, в английском и узбекском языках. В то же время, приведен сравнительный анализ национально-культурных языковых единиц, отражающих национальную картину мира нации. В статье изучены концепты, содержащиеся в зоокомпонентных пословицах; выявленные концепты сопоставлены на примере разных языков; рассмотрена их роль в повседневной жизни и менталитете этнической культуры.

Ключевые слова: пословица, поговорка, концепт, когнитивная лингвистика, языковая картина мира, этнокультурные особенности.

RESUME

In this article, from the cognitive point of view it is analyzed the proverbs containing a zoocomponent in English and Uzbek languages. At the same time, the comparative analysis of national-cultural linguistic units, reflecting the national picture of the nations of the world is hold. In the article, it is explored the concepts contained in the zoocomponent proverbs; identified concepts are compared on the example of different languages; their role in everyday life and mentality of the ethnic culture is considered.

Key words: proverb, saying, concept, cognitive linguistics, language picture of the world, the ethno-cultural features.

**О МЕРАХ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ОБУЧЕНИЯ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ С
ОБРАЩЕНИЕМ К КУЛЬТУРЕ СТРАНЫ, ДАВШЕЙ МИРУ УНИВЕРСАЛЬНОЕ СРЕДСТВО
ОБЩЕНИЯ**

Пирманова Г.Н. *

РЕЗЮМЕ

В статье обоснована необходимость совершенствования системы обучения иностранным языкам и в первую очередь за счет внедрения современных педагогических подходов и технологий, отмечена возможность повышения интереса студентов к изучению английского языка путем ознакомления их с культурой страны изучаемого языка.

Ключевые слова: проблема, практика, иностранный язык, педагогическая система, художественное наследие, знания, педагогические знания.

За годы независимости активизировался креативный подход к преподаванию английского языка в высших учебных заведениях, в том числе, педагогических. А, следовательно, и в общеобразовательных школах, профессиональных колледжах и академических лицеях. Однако культурологический аспект при обучении английскому языку до сих пор остается нерешенной, чрезвычайно важной, социально значимой проблемой, требующей неотлагательного исследования (на всех уровнях системы образования республики). Культурологический контекст в изучении английского языка, в том числе и особенно в педагогических вузах, должен стать стандартно-учебным и иметь определенное место в учебных программах, учебниках и методических пособиях. В том числе, по решению проблемы во внеучебных условиях. Дальнейшее совершенствование обучения английскому языку, в том числе, в культурологическом контексте, становится насущной проблемой современного обучения данному языку. В меры по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков включается ряд мер, активизирующих реализацию Закона Республики Узбекистан «Об образовании» и Национальной программы по подготовке кадров в стране, по созданию комплексной системы обучения иностранным языкам, направленной на развитие обучающихся нового поколения, способных к совершенствованию интеграции республики в мировое сообщество. Что в большей степени относится к обучению английскому языку, в первую очередь в высших учебных заведениях, в том числе, - педагогических (именно в процессе подготовки учителей английского языка). Культурологический контекст обучения английскому языку требует активного творческого подхода к решению проблемы использования в процессе изучения английского языка культурологических знаний о стране, предоставившей миру этот чрезвычайно универсальный язык общения. Такой поворот в обучении английскому языку требует концептуально-методологического подхода, определенных условий, конкретно-предметного содержания, соответствующих, весьма передовых педагогических технологий, смелых авторских методов и конкретно-методических подходов, приемов, а также — использования яркого

конкретного литературно-художественного и визуального художественно-изобразительного материалов. Безусловно, - и знания, хотя бы общего, о культуре Англии, давшей миру такой универсальный язык общения. В Постановлении Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова — «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» [1] особенное внимание уделяется подготовке учителей английского языка с использованием современных педагогических и информационно-коммуникативных технологий. И на этой основе - создания условий и возможностей для широкого их доступа к достижениям мировой цивилизации и мировым информационным ресурсам, развитию международного сотрудничества и общения» [2]. В этих целях устанавливаются, начиная с 2013/2014 учебного года, с первых классов общеобразовательных школ, игровые уроки по разговорной английской речи и соответственно утверждается программа мер по совершенствованию изучения английского языка. В целях приобщения обучающихся к английскому языку в Постановлении за подписью Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова от 10 декабря 2012 года, предлагается: «Национальной телерадиокомпании Узбекистана, Государственному комитету связи, информатизации и телекоммуникационных технологий, Агентству печати и информации Республики Узбекистан и Национальному информационному агентству Узбекистана обеспечить с учетом интересов и увлечений детей и молодежи: подготовку и трансляцию по телевидению, в том числе, по местным телеканалам, передачи по обучению детей и подростков иностранным языкам, осуществление регулярного показа научно-популярных и познавательных передач по истории и культуре других народов, развитию мировой науки и техники, иностранных художественных и мультипликационных фильмов...» [3].

В Постановлении акцент на использование в процессе изучения иностранного — английского языка изданий «художественной литературы, специализированных иллюстрированных газет и журналов на английском языке» [4]. В программу мер по расширению изучения английского языка включается ряд мероприятий с указанием

* Пирманова Г.Н. — преподаватель НДПИ.

форм их реализации (при ответственных исполнителях), в том числе, таких мероприятий, как новые государственные образовательные стандарты, учебные программы и планы, требования к обучающимся английскому языку самостоятельно рассуждать, высказывать свое мнение, владеть коммуникативными навыками на английском языке. В этой связи – создание и модернизация необходимых учебно-методических комплексов, пособий, аудио и видео материалов, с особым вниманием к возрасту, развитию, интересам и увлечениям обучающихся. В мероприятиях по совершенствованию обучения иностранным языкам – английскому (во всех структурах образования) непременно входит совершенствование учебников и учебно-методических пособий, в том числе, в электронной форме. Кроме того, - разработка новых Государственных образовательных стандартов, в том числе, по изучению английского языка во всех структурах образования, приближенных к международным стандартам. Объявлена необходимость модернизации учебников и учебно-методических комплексов по английскому языку, в том числе, и прежде всего, - в системе педагогического образования. С особым вниманием к возрастным особенностям, интересу, увлечению обучающихся, с учетом современных тенденций развития образовательного процесса и предъявляемых требований к более глубокому изучению английского языка, особенно в культурологическом контексте. В Постановлении ряд мероприятий, совершенствующих материально-техническую базу изучения иностранных языков, а, следовательно, и английского – во всех образовательных учреждениях. В Постановлении – обязательный курс на создание и обеспечение процесса обучения иностранным языкам, в том числе, английскому, наглядными пособиями, словарями, справочными материалами, в том числе, компьютерными. А также – ряд мероприятий (с формами их реализации) по оценке уровня знаний и владения иностранным – английским языком. Кроме того, - по подготовке, повышению квалификации и переподготовке педагогических кадров по иностранным языкам (английскому); здесь же и меры по стимулированию обучающихся иностранному языку (для преподавателей) на требуемом уровне, в том числе, культурологическом. Предусматривается комплекс мер по сотрудничеству с международными организациями и зарубежными образовательными учреждениями в области изучения иностранных языков, преимущественно английского (по усовершенствованию образовательных стандартов, учебных планов, программ, учебно-методических пособий и мультимедийных средств обучения по иностранному языку (английскому)). В Постановлении акцентируется не только роль среды общения, но и популяризация изучения иностранных языков на коммуникативном уровне. В этих целях предлагается ряд мероприятий и мер, в том числе, их комплекс, по обращению к культуре стран изучаемых языков:

организация показа на телевидении художественных фильмов, познавательных и образовательных теле- и радиопередач, особенно научно-популярных и познавательных, желательно на языке оригинала (с субтитрами на государственном языке);

организация регулярной обучающей телепередачи – «Говорим по-английски»;

создание необходимых условий для формирования языковой практики (детей и молодежи) во время отдыха в лагерях и на базе учебных заведений в дни летних каникул. В Постановлении курс на дальнейшее развитие образовательной системы Ziyonet с созданием электронного модуля по самостоятельному изучению учащимися школ и средних специальных, профессиональных образовательных учреждений иностранных языков с применением интерактивных форм обучения и оценки знаний. Утверждается проведение ежегодного конкурса среди учителей иностранных языков на звание «Лучший преподаватель иностранного языка в Узбекистане». С привлечением международных экспертов. Следует заметить, что в состав Координационного совета по дальнейшему развитию изучения иностранных языков входят весьма статусные представители:

заместитель Премьер-министра Республики Узбекистан (руководитель совета),

министры: высшего и среднего специального образования, народного образования, первый заместитель министра высшего и среднего специального образования – директор Центра среднего специального профессионального образования,

заведующий Информационно-аналитическим Кабинетом Министров,

директор Государственного центра тестирования,

начальник Главного управления Министерства финансов,

начальник Главного управления Министерства экономики,

ректор Узбекского государственного университета мировых языков,

ректор Международного Вестминстерского университета в г.Ташкенте,

директор Республиканского центра языковой подготовки,

директор 2-ого Академического лицея при государственном университете мировых языков,

директор Центрального института повышения квалификации работников народного образования,

главный специалист Информационно-аналитического департамента Кабинета Министров, секретарь Координационного совета.

Государственные ориентиры и меры по совершенствованию обучения иностранным языкам – английскому, предложенные в Постановлении за подписью Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова – «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных

языков» от 10 декабря 2012 года, активизируют исследовательский интерес ученых – педагогов Узбекистана. В вузах республики, в том числе, педагогических, активизируется исследовательское внимание культурологическим аспектам в процессе обучения иностранным языкам, особенно английскому. Научно-методологические ориентиры, научно-педагогические- и практические положения, установки, направления и меры, рекомендации по совершенствованию культурологического аспекта в обучении иностранным языкам, прежде всего, - английскому, исходящие из Постановления Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова от 10 декабря 2012 года, приняты к активному вниманию и научной деятельности учеными-преподавателями английского языка высших учебных заведений, в частности, педагогических вузов республики. Активизируются соответствующие актуально-педагогические исследования, издаются монографии. Наблюдается активная научно-исследовательская работа, особенно в педагогических вузах страны, именно в контексте государственных мер по дальнейшему совершенствованию обучения английскому языку, особенно в процессе подготовки учителей данного языка с обращением к культуре страны изучаемого языка.

Проблема культурологического аспекта в процессе изучения английского языка становится все более востребованной – не только в педагогическом смысле, но и в методолого-государственном значении. И этот идейно-концептуальный смысл все более закрепляется на различных государственных, социально-общественных, научно-педагогических и практико-педагогических уровнях. Примером могут служить концептуально-яркие выступления ученых-педагогов на Республиканских научно-практических мероприятиях, в том числе, посвященных изучению иностранных языков. Например, на конференции «Ёшларга чет тилларни ўргатишнинг замонавий технологиялари»[5] акцентируются проблемы, представляющие интерес для научно-педагогических исследований:

- о необходимости культурологического подхода к изучению иностранных языков,

- о приобщении студентов – будущих учителей английского языка к культуре страны изучаемого языка,

- о социокультурном комплексе изучения иностранных языков, создании для этого необходимых социокультурных условий,

- о внимании коммуникативной компетенции будущих учителей английского языка в культуроразличимых ситуациях,

- о необходимости освоения англо-культурологического материала будущими учителями английского языка в социо-культурном контексте.

И другие. С приоритетом при этом внеаудиторных занятий. Раскрываются и обеспечиваются перспективы фундаментальных и прикладных исследований. Так, в контексте Постановления за подписью Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 года – «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» предстоит комплекс педагогических исследований культурологического направления. Например, исследований, прежде всего, в педагогических вузах, касающихся более совершенных стандартно-учебных проблем, программно-учебных и конкретно-методических культурологических аспектов. Кроме того, культурологический контекст при изучении английского языка, особенно в педагогических вузах, в частности, во внеаудиторных условиях, ждет своего исследования во все многообразии педагогического решения – от методолого-образовательного и структурно-содержательного – до конкретно-методического и, безусловно, - социально-коммуникативного, при активном творческо-педагогическом подходе на уровне требуемой профессионально-педагогической компетенции. На очереди исследования с ориентиром на социально-культурный акцент при изучении английского языка, а именно – по более широкому обращению к истории и культуре народа, язык которого изучается, с использованием при этом разнообразия иллюстративно-художественного материала, в том числе, посредством компьютерной техники. Непременны исследования социально-культурного содержания коммуникативно-педагогического характера, а также – исследования по социально-культурному общению будущих учителей английского языка, в том числе, на данном языке в разных социумах. Необходимы научно-методические рекомендации по использованию культурологических телепередач, особенно студентами – будущими учителями английского языка. И м.др. Таким образом, в Узбекистане по мере реализации концептуально-государственных установок относительно совершенствования изучения иностранных языков, в частности, английского, акцентируется такой аспект обучения английскому языку, как культурологический. При этом особенно активизируются преподаватели иностранного языка педагогических вузов. Проблема обучения английскому языку в культурологическом контексте поставлена в определенных направлениях и решается в вузах Узбекистана преимущественно педагогических. Непременно в контексте Постановления Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова от 10 декабря 2012 года. В перспективе педагогической науки Узбекистана решение ряда проблем, соотнесенных с культурологическим аспектом обучения иностранному, особенно английскому языку.

ЛИТЕРАТУРА

1. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков». № ПП-1875. От 10 декабря 2012 г.
2. Там же. – С.1.
3. Там же. – С. 4.
4. Там же. – С. 4.
5. «Ёшларга чет тиллари ўргатишнинг замонавий технологиялари». - Мавзусидаги республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2013. – 210 с. (Стр. 14-18, 27-31, 82-85, 101-103, 118-120, 172-175).

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада инглиз тилини ўрганишга қизиқишни ошириш воситаси сифатида Англия баъдий меросидан фойдаланишга эътибор қаратилган. Шунингдек, ёшларни чет тилини ўрганишга қизиқишини ошириш қобилияти билан белгиланган замонавий педагогик ёндашувлар ва технологиялар жорий этиш орқали тайёрлаш тизимини хорижий тилларни яхшилаш зарурлигини таҳлил этади.

Калит сўзлар: муаммо, амалий, хорижий тил, педагогик система, баъдий мерос, билим, педагогик билим.

RESUME

The article is dedicated to the problems of culturological social and communicative context in training in English. By the author is determined the culturological context in training in English, especially in pedagogical higher education institutions and also by the author are given some topics.

Key words: problem, practical, foreign language, pedagogical system, art heritage, knowlage, pedagogical knowlage.

ЛЕ КЛЕЗИОНИНГ МИФОЛОГИК ҲИКОЯЛАРИ ПОЭТИКАСИ

Рахимова Г.А. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада болалар ва ўсмирлар учун яратиладиган адабиётлар, хусусан, ҳикоя, эртақ ва новеллалар уларнинг ёшига, психологиясига, савияларига мос бўлиши, уларда ватанга муҳаббат ва садоқат руҳини шакллантириши лозимлиги тўғрисида сўз боради. Кўзланган самарага эришиши учун, ўқувчининг реал ҳаётига ва ёки, ташвишларига фақат сўзлар орқали акс-садо берувчи қаҳрамонларни номлашда, маълум бир муҳит, уйғунлик, ташвишли мавҳумликни яратиши ва уни сақлашда мос стратегияларни ўзида мужассам этган ишончли дунё яратиши кераклиги таъкидланади.

Калим сўзлар: болалар, ўсмирлар, ҳикоя, эртақ, психология, адабиёт, муҳит, муҳаббат, таржима, услуб, табиат.

Болалар ва ўсмирларни жамият билан ҳамнафас яшашида ва мустақил ҳаётга қадам ташлашида, реал ҳаётни ёрқин ифодалашида маданий ва лисоний жиҳатдан бевосита кўмак берувчи болалар адабиётининг ўрни бекиёсдир. Ва албатта, “Кичкинтойлар учун ёзиладиган ҳар қандай бадий асар уларнинг ёш хусусиятларига, савияларига мос бўлиши, улар қалбида чуқур уй-филлар уйғотиши, ёрқин образлар ва юксак ғояларга бой бўлиши, уларни улкан ва порлоқ ишларга илҳомлантириши зарур. Энг муҳими, мавзулар тушунарли, содда ва қизиқарли тилда ёритилиши лозим”[4].

Муаллиф “ёш ўқувчи учун унинг олами болаларча англашида ифода имкониятларини, ҳар бир оммага ва кўзланган самарага эришиш учун, ўқувчининг реал ҳаётига ва ёки, ташвишларига фақат сўзлар орқали акс-садо берувчи қаҳрамонларни номлашда, маълум бир муҳит, уйғунлик, ташвишли мавҳумликни яратиш ва уни сақлашда мос стратегияларни ўзида мужассам этган ишончли дунё яратиш” га ҳаракат қилади [2].

Шундай болалар адабиёти намуналари сирасига Жан-Мари Ле Клезионинг “Мондо ва бошқа ҳикоялар”ни киритсак кўпчилик фикримизга қўшилиши тайин. Ле Клезио асарларида кўпинча болалар ва табиатни тасвирланганини учратамиз. У француз бадий адабиёти оламида ягона ва ўзига хос мавқега эгадир. Дунёда асарлари энг кўп (немис, инглиз, хитой, корейс, испан, грек, италян, япон, португал, рус, турк ва ҳ.к. тиллари) таржима қилинган француз ёзувчиларидан биридир.

Жан-Мари Ле Клезио 1940 йилнинг 13 апрелида Ниццада туғилди. Онаси келиб чиқиши жиҳатидан бретонлик, отаси эса, британиялик эди. Морбианлик қадим бретон аждодлари XVIII асрда Маврикага сурган қилинишган. Хўш, у французми, британияликми ёки маврикаликми? Ле Клезио ҳеч бирини ажратмайди, танламайди, у чегераларни, сарҳадларни севади, ўзини сургун қилинган ҳисоблайди, лекин француз тили унинг ҳақиқий ватанидир:

“Юк кемалари катновини денгиз соҳилидан кузатиб тургувчи, хиёбон бўйлаб сайр қилаётган кишидек бандаргоҳларда мақсадсиз тентираб юргувчи ва, на бир мавзелик ва на бир шаҳарлик эмас, балки бутун мавзе ва шаҳарларга тегишли бўлган мен бир ороллик учун француз тили ягона ватандир, мен яшайдиган танхо макондир”[1].

У Ницца Университети Адабиёт Коллежида ўқишини давом эттириб, филология фанлари доктори бўлди. Кўп саёхат қилган бўлишига қарамай Ле Клезио 7-8 ёшидан буён ёзишга тўхтатмади. “*Procès-Verbal*” - “Далолатнома” асари нашр қилиниши ҳамона машхурлик супасига чиқди ва 1963 йилда Гонкур мукофотига кеч қолгач, Ренодо мукофотини қўлга киритди.

Ўшандан буён 30 дан зиёд китоблар ёзди: эртақ, роман, эссе, новелла, ҳинд мифологиясининг иккита таржимаси, шунингдек, сон-саноксиз такризлар, мақола ва бир қанча ҳаммуаллифлик ишлари шулар жумласидандир.

Унинг роман ва новеллалардан иборат ишлари: “Далолатнома” (1963), “*Харорат*” (1965), “*Тошқин*” (1966), “*Қочоқлар китоби*” (1969), “*Уруш*” (1970), “*Гигантлар*” (1973), “*Моддий ҳузур*” (1967) эссеси, “*Уч муқаддас шаҳар*” (1980) ва бошқалар.

Ле Клезио кўп саёхат қилгани боис ҳам унинг асарлари хусусан, “*Мондо ва бошқа ҳикоялар*” (1978) новеллалари болалик ва мусаффолик соғинчларига тўладир. Саёхатлари таъсирида ва “*Мондо ва бошқа ҳикоялар*” билан бир вақтда “*Ерга бегона*” ва “*Муз қоялар томон*” эсселари ҳам нашрдан чиқди.

2008 йилда Ле Клезио “*Мондо ва бошқа ҳикоялар*” новеллалари учун Нобел мукофотига лойиқ деб топилди.

1978 йилда “*Мондо ва бошқа ҳикоялар*”да нашрдан чиққан кўпчилик ҳикоялар кейин яна икки марта қайта нашр қилинди. Шу маънода Фолио Жуниор “*Celui qui n'avait jamais vu la mer*” - “*У денгизни ҳеч қачон кўрмаган эди*” ва “*La montagne du dieu vivant*” - “*Тирик маъбуд чўққиси*”, сўнгра “*Мондо ва бошқа ҳикоялар*” тўпламига мансуб бўлмаган “*La Grande vie*” - “*Буюк ҳаёт*”, “*Peuple du ciel*” - “*Само аҳли*” ҳикояларини тўплаб нашрдан чиқарди. Сўнгги иккита тўплам “*Les bergers*” - “*Чўпонлар*” билан бирга, шунингдек, Фолио 2 € туркумида ҳам нашр қилинди. Гарчанд ушбу ҳикоялар қаҳрамонлари болалар бўлса-да, уларни тушуниш у қадар осонмас, Ле Клезио услуби ёш ўқувчиларни осонгина чалғитиши мумкин.

Бу ҳикоялар умумий “содда” услубга эгадирларки, бу услуб ўқувчини борлиққа нисбатан яқинлигини яхшироқ ифодалаши учун қаҳрамонларнинг оддийлиги томон етаклайди. Баъзан ота-онасиз ёш қаҳрамонлар борлиқни севишади; ўзлари бор диққатини, меҳрини берувчи

* Рахимова Г.А. – ЎЗМУ ўқитувчиси.

табиат билан ҳамнафас яшашади. Ота-онаси, оиласи борлари ҳақида гап кетганда эса, ҳикоя уларнинг оиласидан кетиш истаги билан бошланадики, фикримиз исботини “*La montagne du dieu vivant*” - “*Тирик маъбуд чўққиси*” да кўришимиз мумкин. Оила дунёсидан ташқаридаги “пана жой”, чин маънодаги сайр. Ёзувчини иссиқ ўлкаларни маъкул кўради дейдиган бўлсак, “*La montagne du dieu vivant*” - “*Тирик маъбуд чўққиси*” воқеалари Исландияда, “*Celui qui n'avait jamais vu la mer*” - “*У денгизни ҳеч қачон кўрмаган эди*” воқеалари эса, Европанинг океан яқинидаги давлатларидан бирида рўй беради. Барча ҳолларда, матннинг гўё тушдаги каби характери ни сақлаш мақсадида воқеа жойи мавҳумлигини учратиш мумкин. Табиат манзаралари тасвири ўқувчида ясси текисликлар тасаввурини уйғотади. “*Peuple du ciel*” - “*Само аҳли*” даги манзара тасвири бизни Мексика ёки Янги Мексикага шу билан бир вақтнинг ўзида, бомба ортилган самолётлар учи бораётган Корея томон етаклайди. Вақт ҳам аниқ бир чегара томон олиб боради, гарчи Корея “*Peuple du ciel*” - “*Само аҳли*” да Корея урушини ифодаласада, у барча урушлар рамзи сифатида намоён бўлган. Муҳими аниқ бир макон ва замон ҳолатида эмас балки, қаҳрамонларнинг ўзларидадир, уларнинг ўзларини ўраб турган борлиққа, табиатга бўлган таъсиридадир. Муаллифнинг бу қадар аниқ тасвирлашга зўр бергани бу – жонзотлар дунёсининг табиатга бўлган боғлиқлигида ҳис қилинадиган кечинмалардир. Шамол, куёш, товушлар, баъзан инсонлар ва уларни ўраб турган муҳит ўртасидаги муносабат ва айниқса, кузатувчи инсониятнинг борлиқ туфайли эришган тажрибасидир. Бу ҳикоялар қаҳрамонлари табиат уларга инъом этган мутлақ соддадиллик таассуротлари ичра ниманидир кутаётган софдил қалбларнинг исботидирлар. Шу маънода “*Само аҳли*” матнининг сўнгги сатрларида ёш қаҳрамонини қимир этмай бирор фалокатни кутишига ва ташвишига эриша олдими: ўтирган кўйи, у куёш ва шабаданнинг силлашларига юз тутди, асалари ва нотаниш аскар билан суҳбатлашди. “*Тирик маъбуд чўққиси*” дагиёш йигитчанинг чўққига кўтарилгани ва шу биргина эришган ютуғи туфайли бутун бир тилсимотни кашф қилгандек, оламни забт этгандек туюлиши ҳам соддадилликнинг яна бир исботидир. “*У денгизни ҳеч қачон кўрмаган эди*” ҳикояси қаҳрамони Синдбод лақабли Даниель эса, камгап ва одамови эди: сукут сақлаш бу – Ле Клезю ўз қаҳрамонларига нисбатан қўлловчи, тажрибага эришишнинг асосий омилларидан бири деб ҳисобловчи фазилатлардандир; агар диалог бўлса ҳам у иккита қаҳрамоннинг танлаб олинган, кам сўзлардан иборат ва шу нуқтаи назардан дунёга муносабат билдирувчи суҳбати билан чекланади. Янада аҳамиятлиси шуки, қаҳрамонлар аксарият ҳолларда шамол, ҳайвонлар, куёш ёки денгиз каби унсурлар ҳақида гапиришади – ва бу унсурлар ҳам худди шу тарзда уларнинг ўз тилларида жавоб қайтаришади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Ле Клезю услуби “равон ва поэтик тарзда бир маромда болалар онгига худди она алласидек сингиб

қоришиб кетади. Тасвирланган ҳақиқат унинг кўзлаган нишони эмас, балки уни болалар нигоҳи орқали тасвирлашдир. Олам ҳақиқати унинг асарларида, болалар нигоҳида қайта намоён бўлган, акс этган”[10].

Ле Клезю болалар руҳиятига хос ва улар қалбига осон йўл топувчи *Comme, avoir l'air de, ressembler à- Худди, кўринишида, ўхшамоқ* каби таққослашлар ва шахслаштириш қиёсий тасвир воситаларидан фойдаланган. Масалан, “*Mondo*” ҳикоясидаги “*les blocs de ciment... avaient l'air de gros animaux endormis*”[1] “*les gens... devenaient hauts comme des arbres, avec des visages lointains comme les balcons des immeubles, des femmes hautes comme des tours d'église, des hommes larges comme des falaises...*”[1] “*A comme une grande mouche... C et D sont comme la lune... E et F ressemblent à un râteau et à une pelle...*” [1] “*les villas n'étaient pas tristes mais elles avaient l'air desomnoler*”[1] “*le bateau Oxyton avait l'air de s'ennuyer*”[1].

Ушбу ҳикоянинг Ш.Миноваров таржима қилган ўзбекча вариантыда ҳам шу каби таққослашларни кузатиш мумкин: “Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, Мондо юрганида итларга ўхшаб бироз аланглаб юришни одат қилган.”[3] “Қазакка келсак, у ғалати одам бўлиб, узуккан мўйна телпакни бошидан қўймаганидан айиққа ўхшарди”[3]. “Майда томчилар унинг юзини сийпалар, сочларини ҳўл қилар ва салқин шабодадек ором бағишлар эди”[3]. “Супурувчи ичакдан отилиб чиқаётган сувни ахлат ва қолдиқлар сари йўналтирар ва уларни жониворчалар мисол “ирғишлаб қочиш”га мажбур қилар эди”[3].

“Lullaby” ҳикояси мисолида:

“*la mer ressemblait à un grand animal*” [1]. “*les rochers blanc ressemblaient à des pupitres*”[1]. “*Lullaby était pareille à un nuage*” [1]. “*la mer c'était comme un toit sans fin, un dôme géant fait de métal sombre...*”[1]. “*la foule tourbillonnait comme les feuilles mortes... commela limaille de fer dans un champ magnétique ...*” [1]. “*face à la mer*” [1].

Ш.Миноваров таржимасида: “Ложувард осмон ва денгиз, куёш ёғдуси, шамол, тўлқинларнинг кучли ва салобатли товуши денгиз бош силкитиб, думини сувга ураётган баҳайбат жониворга ўхшарди.” [3] “Ҳа, денгиз ана шунақа: у ер юзасидаги барча нарсани ўчириб юборишга қодир...” [3]

Адабий асарнинг тили унинг ғоявий мазмунини аниқ ва ифодали очиб бериш воситасидир. Яхши, аниқ, равон, образли, бой тил билан ёзилган асар ёзувчининг мақсад ва фикрларини китобхонларга тез ва осон етказиши. Буни мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбуб-ул кулуб» асарида тилини «кўнгил ҳазинасининг кулфи», деб таърифлайди. Буюк шоир кишиларни қисқа ва мазмунли, чуқур мантик билан сўзлашга чақиради. Бу талаб, шубҳасиз, болалар ёзувчиларига ҳам тааллуқлидир[4].

Кўриб ўтганимиздек, болалар адабиёти ўзига хос хусусиятлари билан катталар адабиётидан фарқ қилади. Зотан, болалар ёзувчиси дунё воқеаларини болалар тасаввури, тушунчасини назарда тутиб

тасвирлайди. Шу орқали ёш ўқувчиларни олға беради.
интилишга чақиради, хаётни чуқур севишига ёрдам

АДАБИЁТЛАР

1. Le Clézio, J.M.G. *Mondo et autres histoires*. Gallimard, 1978.- Folio,diverses éditions, p.310.
2. Le Clézio, J.-M.G. *Mondo et autres histoires*. Paris: Gallimard, 2006, Pp.57-58.
3. Миноваров Ш. *Мондо ва бошқа ҳикоялар*. Тошкент:, “Янги аср авлоди”, 2000, С. 164.
4. Жумабоев М. *Ўзбек болалар адабиёти*. Тошкент:, “Ўзбекистон” нашриёти. 2002, С.240.
5. Franz, Alain. *Le Clézio à travers la presse*. Romance notes 18 (1977) : P.18-22.
6. Friot, Bernard. *Traduire la littérature pour la jeunesse*.Le Français aujourd'hui no 142, (La littérature en traduction), 2003, P. 9.
7. Vogt H., *Contact of languages*, P. 369. Les passages soulignés le sont
8. par le citeur.
9. Martinet, *Diffusion of language*, P. 7.

РЕЗЮМЕ

А данной статье речь идет о литературе (эссе, сказки, рассказы, новеллы) для детей и подростков, которая должна быть доступной для них по психологии и интеллектуальности, по уровню кругозора. Эти рассказы должны приучить детей и подростков к любви, лояльности и подвигам к родине. Чтобы достичь этого результата, писатель должен тщательно и старательно подходить к реальной жизни и названию героев, к созданию истинного мира в котором происходят те или иные события в рассказах.

Ключевые слова: Литература, рассказы, сказки, дети, подростки, уровень кругозора, психология, писатель, перевод, герой, реальная жизнь, событие, создание, подвиг, родина.

RESUME

The given article is about the problem of giving and creating of the real world and events in the tales and short stories to reach the positive results in respect of the children and teenager's outlook and psychology. The writers must work hard to achieve these goals as giving name to the main characters of the stories and tales, creating the real world and atmosphere as well as possible accessible for children and adolescents.

Key words: real world, achieve goals, writer, psychology, outlook, main characters, short story, tale, children, adolescent, create, events, giving name, accessible.

ИСАЖОН СУЛТОННИНГ “ОЗОД” РОМАНИДА РАМЗИЙ-МАЖОЗИЙ ТАЛҚИН БАДИИЙ ЯХЛИТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТАОМИЛИ

Тулибаев Х.Б. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада Исажон Султоннинг “Озод” романидаги постмодернистик талқинлар қиёсан тадқиқ этилади. Унда воқеликнинг ўзига хос хусусиятлари, инсон моҳиятига янгича назар таъшишга эътибор қаратилади. Асарда мажозий образлар талқини очиб берилади. “Озод” романида тимсоллар ранг-баранглиги ва улар орасидаги тўлдирувчи вазифани бажарувчи турфа предметлар характерлар намоишига кучли таъсир ўтказиши ҳамда инсон моҳиятига янгича қараишлар масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: Ёзувчи маҳорати, янгича талқин, постмодернизм, рамзийлик, метафора, бадий деталь, характер, услуб, ривоят, қиёсий-типологик таҳлил.

Бугуннинг насридаги янгиланишларни кузатар эканмиз, унда бадийликнинг муҳим ривожланиб, “урф” бўлаётган шартларидан бири – рамздир. Рамзий талқин поэтикасида муаллиф позитив дунёкараши бир мунча эркин ҳаракатланади. Адабиётшунослик терминлари луғатида атамага қуйидагича таъриф берилади: “Рамз (ар. сўз бўлиб – имо, ишора, имлаш) – символ; кўчим турларидан бири, фақат шартли равишда ва шу маъно доирасида кўчма маъно касб этувчи сўз ёки сўз бирикмаси; образлилик тури. Рамз моҳиятан аллегорияга яқин, ундан фарқи шуки, рамз контекст доирасида ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланади. Рамзнинг маъноси контекст доирасида ва шартдан хабардорлик бўлганда реаллашади” [1]. Атаманинг кенг тушнча эканлиги, у қўлланилиш марказида турли маъно турланишларига ҳамоҳанглигини ҳам эътибордан соқит қилмаган маъқул. Бу Исажон Султоннинг “Озод” романида “фикр ва хис”, “тафаккур ва мантик” тушунчаларини идроклашга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, бадий шакл интизоми ифодасида талқин ранг-баранглиги юза келган. Жорий ҳолат адиб романида хилма-хил характерлар зиддиятида тафаккур миқёсларига раҳна солувчи тушунча шартлилигига ишора қилинишида қабариб кўринади. Рамзий талқин тарихи эрамиздан олдинги Эзоп масалларидан буён яшашда давом этмоқда. Мумтоз шоирларимиз ижодидан сайқалланган рамзий талқин усткурмасида олам ва одам жумбоғи акс эттирилган. Бир қарашда роман услубида қиссага хос ифодавий хусусиятлар қабариб кўринса-да, бироқ сюжет ва композиция яхлитлиги нуқтаи назаридан ҳамда муаллиф олидига қўйган фалсафий-рамзий концепция “Озод”ни тўлалигича роман деган ҳулосага келишимизга асос вазифасини ўтайди. Тўғри, талқин мустақиллиги муаллиф эркин бошқаруви натижасида юзага келиши мумкин, чунончи ифода зичлиги назарий акидани инкор этмайди: “У лола ўша булутлар чиқиб келган жойда ўсса керак, деб ҳаёлидан ўтказди Озод. Шамол пайдар-пай эпкин урмоқда, лойқага қоришган ўт-ўлан исини димоққа тутмоқда эди. Йўл аниқ: Учёнғокдан ошиб ўтилса, ундан нарида Туз чўлию Ойдинкўл бор. Ойдинкўлдан ҳам нарида яйдоқ биёбон, биёбон ортида эса тошлоқлар ястаниб ётади. Кейин тоғу тош бошланиб кетади, янаям ичкарироқда, икки тоғ орасида сип-силлик баланд

қоялар бўй чўзган, ўша қояларнинг энг тепасига чиқиб борилса бас” [2].

Исажон Султоннинг “Озод” романидан олинган мазкур лавҳада “Шамол” характер рамзининг ҳикояси келтирилади. Унда муаллиф бош қаҳрамон Озод тақдирини ўзгартиришга, қаҳрамоннинг оламу одам сирларини билишга бўлган иштиёқи (мақсад ва муддаоси!) гоҳ моҳиятини таҳлил қилишга йўналтирилади: жанрий интизом, мавзу ва шакл уйғунлигини тўлақонли далолатлаш баробарида ўқувчини кескин фикрлар зиддиятига жиддий тайёрлаб боради. Романда “Йўл аниқ: Учёнғокдан ошиб ўтилса, ундан нарида Туз чўлию Ойдинкўл бор. Ойдинкўлдан ҳам нарида яйдоқ биёбон, биёбон ортида эса тошлоқлар ястаниб ётади” жумланинг ўзидаёқ роман фабуласи ўз тажассумини топган. Айни пайтда, Озод Учёнғок ва Туз чўли, Ойдинкўл ҳақида муайян тасаввурга эга эмас. Унга йўл кўрсатувчи шамол – қисмат рамзи сюжет воқеларини изчил ҳаракатланишига замин ҳозирлайди. Бинобарин, тафаккур қилишга одатланган кишиларгагина олам сирлари ўз моҳиятидан дарс беради. Озод – роман композициясида тафаккур тимсоли. Унинг турли хил фикрий ва ишқий саргузаштлари айнан қисмат рамзи шамол ёрдами (ишораси) билан юксак моҳиятга эврилади. Адиб ушбу романида азал ва абад ўртасидаги мангу кураш, омонсиз жанг, инсон ўзаги саналмиш маърифатни таҳлил ва тадқиқ қилишни мақсад қилади. Унда қўлланилган рамзий ишора ва тафсилотлар негизда ичидан эркин фикрлашга ўрганаётган, ўзини танишга ички эҳтиёжни ҳаёт аъмолига айлантираётган озод инсон образини кўрамыз.

Айниқса, ҳар бир деталь, тасвир, микро нуқталарига ҳама воқелик драматизми қаҳрамон қалбида уйғонган хис-туйғулар билан аксланади, зиддиятга киришади. Демак, тасвирланаётган воқелик замирида мушоҳада залвори тафсилотлараро теранлашиб боради. Бу ҳақда проф. А.Расулов шундай ёзади: “Аслида романдаги барча қиёфалар ва образлар Озоднинг ўзидир, деб ўйлаш тарафдориман. Акслар деганда ҳам мана шу мантик назарда тутилмаганмикин? Агар у маъно кенгликлари сари йўлга чиқмаса, отаси каби бўлар ва экинзорда меҳнат билан куни ўтармиди? Бойлик сари интилса, қисмати узумзорлар эгасининг тақдири каби армон ва таассуфлар аро пушаймонлик сўқмоқларида тентираш бўлармиди?”

* Тулибаев Х.Б. – СамДУ мустақил тадқиқотчиси.

Эр етилаётган барча йигитлар эранлардир. Озод ўзининг эранлик хусусияти туфайли дилларга ором берувчи – Дилоромга интилди. Ҳа, аёл Дилором, бироқ, Ватан ҳам дилоромдир”[3].

Дарҳақиқат, олим эътирофида икки хусусият кўзга ташланади: биринчидан, асарда воқелик ҳикоячиси шамол барча ҳодисаларнинг башоратгўйи, киссагўйи, билимдони тарзида роман композициясини яхлитлаштиради, иккинчидан, ҳар бир аксланаётган тимсол ва тақдирлар бош қахрамон шуурини ўзига маҳлиё қилади. Бунинг замирида адиб қадим мифологик тасаввурлардан жорий тасаввурларгача қамраб олади. Ораликда ботиний ҳислар зоҳирий тушунчаларни идроклайди. Озод айнан ушбу тақдирлар негизида улғая боради. Адиб “Озод” тимсолида шартли равишда Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир”, Машраб ва шунга ўхшаш ўнлаб мумтоз шоирлар асарларидаги бош ғояга мутаносибликни пайвандлайди. Эзгулик ва ёвузлик, офат ва балолар қаердан келиши, барча балои қазоларнинг сабабкори ким ёки нима деган саволларга мантикий жавоб ахтараётган қахрамон интеллект намоёиши қабариб кўринади. Бир қарашда, Озод тимсол, ишора ва рамз маъноларини ўз ичига жамлайди. Аслида, ташки биологик олам билан зиддиятда келаётган мудоми толе қушини излаб саргардон кезаётган шахс руҳияти ҳар бир қалбда яширин. Ёзувчи Исажон Султон айнан ушбу жиҳат: қалб ва қиёфа сувратини чизишни ўз олдига аниқ мақсад қилиб қўяди. Романда шундай лавҳалар борки, улар бамисоли муаззам Шарқ фалсафасини ўзида акслантирган, айни дамда рангин ва сержило шеър каби мутолаа қилинади. Бош қахрамоннинг ирода йўналиши мудоми асарнинг характер ва мусикийлигини, оҳангини, таъсирдорлигини белгилаб беради. Исажон Султон қахрамонлар руҳий оламини, роман воқелигини ифода қилишда Ф.Достоевский, А.Камю, Ф.Кафка, Л.Толстой, У.Фолкнер, Ч.Диккенслар йўлидан бормади. Уни характерларнинг теран психологик ҳолатидан кўра, фаолиятидаги руҳий эврилишлари, ирода йўналишиси эътибрини тортади. Бошқача айтганда, реал борлиқдан кўра, ўз таҳаюл дунёсидаги Озодларни ҳаққоний инкишоф қилиш қизиқтиради. Бадий санъатнинг самовий нуқталаридан туриб назар ташланса, аввало, сюжет ва ғоя қабариб кўринади. Ғоя ёзувчи тафаккурининг жамланмаси. Сюжет қайта ишланган, сайқалланган, поэтик идрокланган асар таянч нуқталари саналади. Исажон Султон услубига хос хусусиятлардан бири шуки, айнан кўз ўнгида зоҳир олам равшини эмас, ички олам сувратини идроклаш тамойили етакчилик қилишини кузатиш мумкин. Бунга қуйидаги лавҳада ҳам шохид бўламиз: “Аслида сўз ҳечдир. У – бағридаги маъноси туфайли ҳайбат касб этди. Уларга ирода жамлагувчи Танграмнинг ўзидир. Яъни, оламда гапирмайдиган нарса йўқ, ҳаммаси ўзининг ҳолидан хабар бериб туради, аммо одам боласигина сўзларга маъно жойлайди. Шу боис, бошқалар учун ҳам сўз айта олади, унга Тангри маъно бахш этгани учун дуога айланади. Авом ҳам,

олим ҳам ана шу сабаб дуога интилади. Бировдан яхшилик истаса, “мени дуо қилинг” дейди. Дуо эса тақдирни ўзгартиради. Баҳайбат бир шакл олиб, осмон токига етиб боради, сўнг ҳодисага айланиб, яна ер юзига қайтади. Қарғиш ҳам тақдирни ўзгартиради. Сўзнинг қудратини ана шуларга қараб англаб ета оласан. Бизгача беҳисоб сўзлар айтилди. Уларнинг ҳаммаси ўз жойига бориб ўрнашди. Бир киши бор эди, унинг айтган сўзлари ўзи учун гулу гулзор бўлди. Бошқа бир кишининг айтган сўзлари эса даҳшатли махлуқларга айланиб кетдилар – энди улар ўз эгаларини қутмоқдалар. Авом ҳам, олим ҳам сўз айтди. Авомнинг сўзи заиф, олимники салмоқли эди. Шу сабаб авомнинг хатоси кичик, олимники ҳалокатли бўлди”[4]. Исажон Султоннинг “Озод” романида сюжет ва композиция тиғизлиги яхлитлик интизомига бўйсундирилган. Рамзий талқин негизида кечаётган мулоқот залвори фавқуллода кечинмаларга айланиб кетади. “Кўр кишининг ҳикояси” фаслидан олинган ушбу лавҳада қахрамон ҳис қилаётган маънолар билан янада жонлантирилган. Асарда кўр кишининг аслида кўр эмаслиги, бир пайтлар кўзи очиқ эканлиги ҳақида ахборот берилади. Бироқ унинг кўп сиру асрорларни билиб олишида очиқ кўзга муҳтож бўлмаслиги, қалб кўзининг очиклигини тўлақонли далолатлайди. Озод бу ҳикоядан ўзига тегишли хулосалар чиқариш баробарида, мустақил фикрлаш қобилиятини синовдан ўтказди. Демак, ҳол тили – барча яратилган жонлию жонсиз предметлар гапириш хусусиятига эга эканлиги, ҳодисотларнинг қутилмаганда рўй бериши, азалдан тақдирга битилган қисмат дея, англаб қолади. Тақдирнинг пучмоқларида рўй бераётган ҳодисотлар, аслида қахрамоннинг ташки дунёга берган саволларига жавоб янглиғ юзага чиқади. Айниқса, “авом ҳам олим ҳам сўз айтди” жумласида янада тиниқроқ мантиққа дуч келамиз. Оддий авом сўзи заиф ва олимники салмоқли эканлиги тафаккур даражаларини чамалаб келаётган персонаж руҳиятини янада кенгроқ инкишоф қилишга қалид вазифасини ўтайди. Шу ўринда адабиётшунос Жон Голсуорси ҳақ: “Асримизнинг хатарли томони бизнинг нодон бўлиб қолишимизда эмас, балки бизнинг ўйлаш-ўйланиш қобилиятини йўқотиб бораётганимизда... биз борган сари осонроқ ва жўнроқ нарсаларга мойиллик билдираемиз. Аммо билимга олиб борадиган енгил йўл ҳамиша энг олис йўл бўлиб чиқади. Ўзимиз мустақил равишда эришадиган билимимиз ҳар нарсадан қадрлироқ ва мустаҳкамроқ бўлади”[5]. Жон Голсуорси талқинига муҳокама залвори кўзга ташланади. Яъни “Озод” фикрловчи инсон учун борлиқнинг универсал моделини кўз ўнгига келтиришга, оламнинг яралиши, одамнинг хатолари, нарса ва махлуқотларнинг унга бўйсундирилиши, қалб ҳамиша ҳайрат ва ҳаяжон оғушида иккиланиши каби хусусиятлар жамулжам бўртиб кўринади. Дарвоқе, роман лейтмотиви ҳам айнан рамзий ишоралар болғамини ҳосил қилади. Бу тушунча тадрижида “акслар фалсафаси” яхлитлик касб этади. Жон Голсуорсининг “...билимга олиб борадиган енгил йўл ҳамиша энг олис йўл бўлиб чиқади”

фикри романдаги рамзий ишораларни теран англаб етишга замин ҳозирлайди: “Пушаймон ва афсус ёмон нарса. У ҳеч нимани ўзартрмайди. Кўзни ёшлантиради, дилни аччикка тўлдиради, хўрсиниқлар пайдо қилади. Улар одамнинг қалбида илон сингари яшайдилар. Киши ўз пушаймон ва афсусларини ҳеч кимга айтмайди, ҳатто ёнгинангизда умр кечириб юрган кишининг қалбидаги турфа пушаймонлару афсуслардан беҳабар... бир куни, мана шундай баҳор кечасида, қийғос гуллаган ўрик остида... ўпкаси тўлиб кетганини сезиб қоласиз. Улкан гавдали бу киши ёш боладай ҳикиллаб йиғлайди. Кошкийди у хатоларни қилмасайдим... кошкийди дақиқаларим қийматини, яқинларим қадрини ўшанда билсайдим деган армон кўз ёшларини пайдо қилади”[5]. Мазкур лавҳада романда ўз тақдирдан нолиб “Узумзорлар эгаси”га айланиб қолган мўйсафид иқроллари келтирилади. Унинг қисмати оғзидан чиққан биргина сўзи туфайли бошқа моҳиятга эврилиб кетиш ҳодисаси ҳикоя қилинади. Яъни бош қаҳрамонга тафаккур қилаётган “боғбон” тақдирида мудоми афсусдан бўлак нарса йўқ. У аввали ўзига тўқ тошкесар эди, сўнгра деҳқонга айланди, оқибатда узумзор эгасига айланиши тақдири азал ҳукми деган ғояни юзага келтирмоқда. Озод тасаввурига раҳна солаётган ва уни ҳол тили билан тушунтиришга ишора қилаётган тасвир ва талқинларда – толе Лоласи томон яқинлашишга замин яратади. Чунки тақдир Лоласидан бу мўйсафид бенасиб. Жорий тақдимот моҳиятида воқеалар тоналлиги адиб концепциясини тўлақонли идроклашга йўналтирилган. Мўйсафиднинг “Пушаймон ва афсус ёмон нарса. У ҳеч нимани ўзартрмайди” иқролида Озоднинг янада борлиқнинг инжа сирларини англаш лозим эканлигига ишора мавжуд. Роман воқеалари бир-бирини тўлдирувчи мустақил ҳикоят ва ривоятлардан иборат эканлигини инобатга олсак, жанр интизоми ўз-ўзидан реал моҳият касб этади. Негаки, изчил баён стили адибга қулай вазиятни

тухфа қилган. Унда муҳокама қилинаётган воқелик залвори ўз-ўзидан борлиқ концепциясига туташади. Асарда “фикр ва ҳис” тушунчаси муҳим факторлардан бири эканлиги, булар ўз навбатида қаҳрамон табиатидаги эврилишларни далолатлаш баробарида характер драматизмни мустақил бошқариб боради. Рус адабиётшуноси А.Иезуитов қайд этишича: “Характер – жуда кенг тушунча (чунки у принцип нуқтаи-назаридан ўзида психикани ҳам мужассамлаштиради) ва шу билан бирга психикага нисбатан ташқи ҳодисадир. Характердаги асосий нарса – инсоннинг амалий фаолияти ва бу фаолиятга турли-туман ички рағбат (стимул)лар натижасининг конкрет ва қўринишли таъсиридир. Айни пайтда, характер фақатгина ички дунё тасвири билангина конкретлашмайди, балки уни ўраб олган ва ҳаракатга ундовчи ташқи муҳит, социал-тарихий шароит билан ҳам белгиланади. Психика инсон фаолиятининг ички стимуллари, унинг тилсимоми билан иш олиб боради. Шу нарса аниқки, шахснинг ички дунёси унинг фаолияти билан айнан бир нарса эмас ва унинг фаолияти билан тугамайди. Шахсни яхлит тушунишда унинг фаолияти (хатти-ҳаракати)гина эмас (гарчи шахс ўзини нисбатан фаолиятда равшан кўрсатса-да), шу билан бирга психика таҳлилида аниқланадиган, амалга ошмаган хатти-ҳаракатлар ва бажарилмаган ишлар доираси ҳам муҳимдир”[7]. Умуман, “Озод” романида тимсоллар ранг-баранглиги ва улар орасидаги тўлдирувчи вазифани бажарувчи турфа предметлар характерлар намоишига кучли таъсир ўтказди. Яъни поэтик мушоҳада залвори бош қаҳрамон атрофида уюшганлик даражасини тўлақонли тақозолайди. Бир томондан мавжудлик жумбоғини англашга талпинган қаҳрамон мудоми ёвдан ҳимояланиш учун тинимсиз зиддиятга киришади. У етти қават ернинг ҳам тагида нимадир ором олаётгани қалб кўзи билан англай боради. Бу адиб услубига хос поэтик интизом натижасида юзага келган десак муболаға бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари изоҳли луғати. –Т.: “Академнашр”. 2010 й. Б. 125
2. Исажон Султон Озод. –Т.: “ШАРҚ”. 2012 йил. –Б. 12.
3. Расулов А. Аксифр фалсафаси. –Т.: “ШАРҚ”, 2012. –Б.420.
4. Исажон Султон Озод. –Т.: “ШАРҚ”. 2012 йил. –Б. 75
5. Жон Голсуорси. Адабиёт ва ҳаёт. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. –Т.: “Маънавият”, 2010. –Б.68.
6. Иезуитов А. Проблема психологизма в эстетике и литературе. В кн.: Проблема психологизма в советской литературе. – Л.: Наука, 1970. С.56.

РЕЗЮМЕ

В настоящей статье сопоставительно исследуется постмодернистические интерпретации романа «Свобода» Исажона Султана. В нём уделяется внимание на характерные свойства действительности, новый взгляд сущности человечества. В произведении раскрывается интерпретации иносказательных образов.

Ключевые слова: мастерство писателя, интерпретация по-новому, постмодернизм, символичность, метафора, художественная деталь, характер, стиль, предание, сопоставительно-типологический анализ.

RESUME

In this article, we investigate contrastive postmodern interpretation of the novel "Freedom" of Isajon Sulton. It is paid attention to the specific properties of reality, a new view of the essence of humanity. The work reveals allegorical interpretation of the images.

Key words: the skill of the writer, the interpretation of a new, post-modernism, symbolism, metaphor, artistic detail, character, style, tradition, compares and typological analysis.

ТИМСОЛЛАРДА ПОЭТИК УСЛУБ ЖОЗИБАСИ

Тажибаева Д. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада бадий тимсоллардаги поэтик услуб масаласи Хурийд Даврон шеърлари мисолида таҳлил қилинган. Поэтик тимсоллар ифодасида шоир услубининг ўзига хос жиҳатлари ва шеър жозибасига эътибор қаратилган. Шунингдек, ижодкор бадий адабиётнинг тасвир объекти бўлган инсон ҳаётини умумлаштириб тасвирлаши ва ўзининг бадий-эстетик идеаллари, ҳаёллари, ўй-кечинмалари ва тафаккуридаги шуурни поэтик тимсоллар ёрдамида юзага чиқарилиши хусусида сўз боради..

Калим сўзлар: Бадий тимсол, поэтик услуб, услубий ўзига хослик, ўзбек шеърляти, лирик характер, эстетик идеал, бадий тафаккур, поэтик тимсол.

“Шоир шеърнинг олдиди тирик, шеър сўнггида ўлмоғи даркор...”

Хурийд ДАВРОН

Бадий ижод саҳифаларини кузатганда, ўтмишдаги минг йилликлар қаъридан ҳам санъат тури ҳисобланган шеърятнинг сокин, мунгли ва жўшқин овози эшитилгандек туюлади. Антик давр адабиётининг зарварақларини безаб турган Гомер, Гесиодларнинг жўшқин сатрлари, Шарқ мумтоз шеърляти оламида фалсафа ва ҳиссиётлар уйғунлигини жамлаган, туркий тилда гўзал шеърят намуналарини яратган Навоий байтлари, Ўзбек дунёсини ўз кўнгли “мен”ида кашф этган ва ҳамон ўша дунёни тарқ этмаган Бобораҳим Машрабнинг халқона ва сўфиёна оҳанглари бугунги поэтик тимсолларда янгича кўринишларда яшаб келмоқда.

Ижодкор бадий адабиётнинг тасвир объекти бўлган инсон ҳаётини умумлаштириб тасвирлайди ва ўзининг бадий-эстетик идеаллари, ҳаёллари, ўй-кечинмалари ва тафаккуридаги шуурни поэтик тимсоллар ёрдамида юзага чиқаради. Поэтик тимсол бу ижодкор томонидан акслантирилган воқеа-ҳодисалар, инсоний хусусиятларнинг шеърдаги кўриниши ва ифодасидир. Поэтик тимсол орқали биз табиат ва жамиятдаги мавҳум тушунчаларни яққол тасаввур қила оламиз.

Шеър поэтик тимсолнинг асоси ҳисобланади. Ҳар қандай шароитда ҳам шеър ёзилиши мумкиндир, лекин ҳақиқий шеър ўз-ўзидан туғилмайди. Шеър – ижодкорнинг қалбидаги оғриқ, қувонч, соғинч, нафрат, ҳайрат, муҳаббат. Ижодкор қалбида оғриқ сезганида, қувонганида, соғинганида, нафратланганида, ҳайратга тушганида, севиб қолганидагина илҳом дарёсида сузади. Шоир кўнгли кучли бир руҳий изтироблар исканжасида тўлғонади, азобланади. Поэтик тимсоллар ифодасида шоир услубининг ўзига хос кирралари яққол кўзга ташланади.

70-йиллар ўзбек шеърляти XX аср ўзбек адабиёти тарихи саҳифаларида ўзига хос, из қолдирди. Бу давр ижодкорлари ҳақида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов шундай фикрларни ифодалаган эди: “Шеърлятимизга янги авлод кириб келди. Охиста, ийманиб, улуғлар қошида чўчинқираб эмас, шахдам, дадил, бамисоли тўйхонага келган ўспирин куёвнакарлардек олатасир ва сурон билан кириб келди”[1].

Дарҳақиқат, бу давр шеърляти вакиллари ижодидаги “шахдам”лик, “дадил”лик (ўзига хослик) давр ва замон билан ҳамнафасликда, ўйлаб топилган

поэтик ғоянинг изчиллигида, поэтик тимсолларнинг ҳаққонийлигида яққол кўзга ташланади.

70-йиллар ўзбек шеърлятининг иқтидорли вакилларида бири Хурийд Даврондир. Шоирнинг “Қадрдон куёш”(1979), “Шаҳардаги олма дарах”(1979), “Тунги боғлар”(1981), “Учиб бораман қушлар билан”(1983), “Тўмариснинг кўзлари”(1984), “Болаликнинг овози”(1986), “Қақнус”(1987), “Полёт одинокой птицы”(1989), “Самарқанд ҳаёли”(1991), “Баҳордан бир кун олдин”(1997) каби ўнлаб шеърлий тўпламларида яратилган поэтик тимсолларида шоирнинг ўзига хос услуби яққол кўзга ташланади.

Хурийд Даврон “Шеър нима?” деган саволга шундай жавоб беради:

Қафасдаги ғамгин қушни

Озод этмоқ – шеър битмоқ.

Болаликда кўрган тушни

Эсламоқ ҳам – шеър битмоқ.[2]

Юқорида таъкидлаганимиздек шеър ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Шеър табиат билан инсон ўртасидаги боғлиқликни, уйғунликни исботловчи, эстетик жиҳатларини тараннум этувчи, лирик қаҳрамон руҳий кечинмаларини умумлаштирувчи воситадир. Шоир “Қафасдаги ғамгин қуш” мисолида эркисизлик муаммосини ифодалашга ҳаракат қилади. Озодлик эса инсонларнинг азалий орзуси. Инсон доимо ҳурликка интилиб яшайди. Бу йўлда эса курашлар ва машаққатлар бўлиши табиий. “Озод этмоқ – шеър битмоқ”- деганида шоир курашларни назарда тутмоқда. “Шеър битмоқ - курашмоқ”. Курашганда ҳам маънавий йўл билан кураш олиб бормоқдир.

Давлатлар ўртасида бўлиб ўтадиган сиёсий муносабатларда адабиётнинг, ижод аҳлининг роли жуда муҳимдир. Адабиёт орқали халққа, оммага кучли таъсир ўтказмоқ, давлатлар ўртасида низоларни бартараф этмоқ мумкин. Бадий адабиёт бутун бошли миллат дардини, орзу-умидларини қуйлаши, асрий орзуларини амалга ошишига маънавий кўмак бера олиши аниқ.

Шеърдаги шоир таъкидлаган “Болаликда кўрган тушни эсламоқ”- эса инсон хотирасининг мустаҳкамлигига ишора бўлиб, ҳар қандай инсон ўз ўтмишини, ота-боболари қолдирган маънавий меросни ҳеч қачон ёддан чиқармаслиги назарда тутилмоқда. Хурийд Даврон шеър давомида лирик

* Тажибаева Д. – НамДУ катта илмий ходим-изланувчиси.

кахрамонни “сиртлон” ва “шер” киёфасидаги курашга отланган, тишларини душманига санчишга тайёр курашчига ўхшатади:

*Ғазабингни яширолмай,
Мисли сиртлон, мисли шер,
Тишларингни ёвга санчмоқ –
Бу энг қутлуг, улуг шеър.[3]*

Хуршид Давроннинг “Эй, тилим, эй, элим, эй, она тупроқ” номли сонетлар туркумидаги 10 – сонет шоир Чўлпонга бағишланади. Сонетда шоир бутун бир миллат озодлиги, эрки, дарди билан яшаган Чўлпоннинг лирик харакетини ифодалайди:

*Унут, тупурилган қутлуг сўзларга
Макон бўлган тупроқ аро мен борман.
Бўғзимда қотган сўз, бўйнимда арқон,
Бу арқон ёдгор мен осилган дордан.*

Ҳақиқатан ҳам шоир айтганидек, “Макон бўлган тупроқ аро” Чўлпон бор эди. Чўлпондай шоирни ўз вақтида кадрламадилар. “Халқ душмани” сифатида қоралаб, отишга ҳукм қилдилар. Унинг энг гўзал сўзларини айтишига йўл қўйилмади, эрки, ҳақ-ҳукуки ерга урилди. Шеърда тасвирланганидек, унинг бўғзида “қотган сўз” – халқига айта олмай қолган шеърлари, душманига бўлган нафрати, она юртига бўлган муҳаббати, унинг “бўйнидаги арқон” эса эркининг, ўзлигининг тўсилганлигидан дарак эди.

Чўлпонни сургунда қаттиқ қийноққа солдилар, аямай ваҳшийларча калтакладилар. Лекин шунда ҳам унинг юрагидаги муҳаббат, ғзаб, изтиробни ва халқ учун аталган “қутлуг сўзлар”ни ўчира олмадилар.

*Кўксимда – қўрғошин, қулоқда – симоб,
Елкам – маматалоқ, калтак излари...
Юракда муҳаббат, ғзаб, изтироб,
Тилимда халқимнинг қутлуг сўзлари*

Мустақиллик туфайли унинг сўзлари қайта тирилди, ўзи эса қайта жонланди. Бўғзида қотган сўзлари яна янграб, бўйнидаги арқон узилди. Юрагидаги юртга муҳаббат, мустамлакачиликка қарши ғзаб ва изтироб ҳеч қачон сўнмади. Озодлик, Ватан эрки каби муқаддас сўзлари ҳар баҳор чечаклардай “ангиз”, “ялтиз”, “бўтақўз” кўринишида униб чиқа бошлади. Чунки унинг шеър дафтари осмону фалакда булут бўлиб учиб юрибди. Бу дафтар йиртиб ташланган ва унда битилган сўзлар ёмғир бўлиб она тупроққа ёғилмоқда:

*Осмонда булутмас, йиртиб ташланган
Менинг шеър дафтарим учиб бормоқда,
Сўзлари тўкилиб она тупроққа...*

*Бу сўзлар таланган, ёнган, тишланган –
Униб чиқар баҳор келса ҳар бир сўз:
Бу – ангиз, бу – ялтиз, бу-чи, бўтақўз...*

Шоир учун Ватанни севмоқ ва ундан ғуруланмоқнинг ўзи жуда камлик қилади. Ҳақиқий

шоир Ватан тушунчасини англаб етганидагина унда яшай бошлайди. Шундагина уни чин юракдан севади, асраб - авайлайди, бошқалардан қизғонади, уни йўқотиб қўйишдан қўрқади.

Шоир Хуршид Давроннинг “Шеърят – бу қийин иш эмас” деб бошланувчи шеърда худди мана шу туйғулар ифодасини ўқишимиз мумкин:

*Шеърят – бу қийин иш эмас,
Ёзсанг агар юракни асраб.
Бироқ шеърнинг бир сатрини деб,
Қон тупурган тунлари Машраб.[4]*

Бу йўл қанчалик машаққатли, хатарли, ва масъулиятли йўлдир. Бу йўлдаги курашчи фақат олдинга қараб интилмоғи, курашмоғи, эрки учун кези келганида қасос олишга тайёр турмоғи шарт:

*Шеърят – бу қийин иш эмас,
Етар топсанг қофия “ёз”, “соз.”
Шеърда баъзан ҳаводек зарур
“Эрк” сўзига қофия “қасос”.*

Шоирлик оғир қисмат бўлиш билан бирга, Аллоҳ томонидан берилган истеъдод ҳамдир. Шоир шеър ёзаётган сонияларда ҳамма яшаб турган оламдан бир муддатга чекинади. Бошқа олам қўйнида яшайди ва шеър пайдо бўлганидагина ўз оламига, одамлар орасига қайтади. Шеър сониялардагина пайдо бўлади, бу бир мўъжиза албатта. Аммо шеър мўъжиза бўлиш билан бирга ижодкор истеъдодини кўрсатиб берувчи кўзгу эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Шеърда шоирнинг ҳис - туйғулари, нияти, мақсади ва асл киёфаси кўриниб туради. Унинг сатрларидаги жўшқинлик, самимийлик, исёнкорлик каби туйғулар шоир “мен”ида гавдаланади ва ўзлигини намоён этади:

*Сен қўрқувни қанчалик яшир,
Шеър қилади барибир ошкор.
Қўрқоқ бўлсанг, қўрқоқ бўлар шеър,
Мардман, деб жар солмоғинг бекор.[5]*

Ҳақиқий шоирнинг кундалик мавзуси она Ватан ва халқнинг орзу-умидларини қуйлашдан иборатдир. У халқнинг маънавияти ва эҳтиёжлари ва юртининг истикболи учун доим тайёр турмоғи шарт. Унинг учун “актёрлик” ярашмайди:

*Заҳар ичиб ўлган актёрдек
Пардадан сўнг тирилмоқ бекор.
Шоир шеърнинг олдида тирик,
Шеър сўнгида ўлмоғи даркор.[6]*

Дарҳақиқат, Хуршид Даврон таъкидлаган бу ҳақиқат шоирлиқнинг нақадар масъулиятли вазифа эканлигини яна бир бор ёдимизга солади. Шеър ёзиш шунчаки бир юмуш эмас, балки у курашга отланиш, ўз жонини гаровга қўйиш, бутун вужудини ҳиссиёт исканжасига ташлаш, шоир таъкидлаганидек, шоир шеър аввалида **тирик** турмоқ, ана шу олам воқеа- ҳолисалари билан бирга яшамоқ, курашмоқ ва керак бўлса, **шеър сўнгида ўлмоғи даркор...**

АДАБИЁТЛАР

1. Вохидов Э. Шоир шеър шуур. – Т.: Ёш гвардия, 1987. – Б.117.
2. Хуршид Даврон. Тўмариснинг кўзлари. – Т.: Ёш гвардия, 1984. – Б.16.
3. Хуршид Даврон. Тўмариснинг кўзлари. – Т.: Ёш гвардия, 1984. – Б.16.

4. Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин.- Т.:”Шарқ” НМК бош таҳририяти, 1997. –Б.18.
5. Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин.- Т.:”Шарқ” НМК бош таҳририяти, 1997. –Б.18.
6. Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин.- Т.:”Шарқ” НМК бош таҳририяти, 1997. –Б.18.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется проблема поэтического стиля в художественных образах в поэзии Хуршида Даврона. При помощи художественных образов отражается своеобразие стиливых особенностей поэта.

Ключевие слово: художественный образ, поэтический стиль, стиливое своеобразие, узбекская поэзия, лирический характер.

RESUME

In this article, the issue of the poetic method about the characters is analysed as an example of Hurshid Davron's poetry. It is paid attention to the typical features and poet's method in expressing poetic characters.

Key words: poetic character, poetic method, uzbek poetry, uzbek literature, lyric character.

ТАРЖИМАДА МИЛЛИЙ ТАОМ НОМЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ширинова Р.Х. *

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола ўзбек адиби Эркин Аъзам ҳикояларининг французча таржимасига бағишланган бўлиб, унда асосан миллий таом номларининг таржима тилида берилиши таҳлил қилинади. Жумладан, тарихчилар ҳам ўзбек халқининг урф-одатлари, турмуш тарзи, маданиятининг ўзига хослигини ўрганиш мақсадида таом номларини этнографик лексиканинг бир қисми сифатида ўрганишга интилиши таъкидланади.

Калит сўзлар: бадий таржима, адекватлик, миллийлик, миллий таом номлари, шева, бадий тил, қиёсий таҳлил, маданият, бадийлик ва лисонийлик.

Ўзбек халқи қадимдан ўзининг пазандалиги, меҳмондўстлиги билан танилиб келган. Миллий таомларнинг ранг-баранглиги, урф-одатларнинг, диний эътиқоднинг бошқалардан кескин фарқ қилиши ҳаммага маълум. Миллий таомни нафақат ўзбек халқи турмуш тарзида, балки бутун дунё миллатларида бундай ранг-барангликни кўплаб кузатиш мумкин. Бадий асарларни ўзбек тилидан француз тилига ўгиришда таржимонлар ўзбек халқига хос бўлган миллий таом номларини беришда асосан транслитерация, алмаштириш, изоҳлаш ва тасвирлаш усулларида фойдаланиб келишган.

Таом номлари нафақат тилшуносларни, балки бошқа соҳа мутахассисларини ҳам тадқиқот объекти ҳисобланади. Жумладан, тарихчилар ҳам ўзбек халқининг урф-одатлари, турмуш тарзи, маданиятининг ўзига хослигини ўрганиш мақсадида таом номларини этнографик лексиканинг бир қисми сифатида ўрганишга интилдилар. Шундай ишлардан К.Шониёзов [4] ва таом номларини тарихий-этнографик жиҳатдан ўрганган М.Қурбоновларнинг тадқиқотини айтиб ўтиш жоиз. Ўзбек таомларининг турлари ва уларнинг тайёрланиш усуллари бўйича оммабоп китоблар ҳам нашр қилинган. [5]

Таржимашуносликда ўзбек миллий таом номларининг француз тилида берилиши махсус тадқиқот объекти бўлмаган бўлсада, аммо баъзи ишларнинг ўрганиш объекти бўлган. [1] Қорақалпоғистон ўзбек шеваларидаги таом номлари, ҳамда ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайдиган ёки маъно жиҳатдан фарқланадиган жуда кўп сўз-терминлар мавжудлиги борасида илмий тадқиқот олиб борилган [2].

Ўзбек тилшунослигида пазандачилик лексикасини Н.Икромова ўрганган бўлиб, у асосан Тошкент шаҳри шевасидаги таом номларини ўз тадқиқоти объекти қилиб олган. Ваҳоланки, ўзбек тили энг кўп диалектларга эга бўлган ва кенг ҳудудда тарқалган тиллардан биридир. [3]

Хориж олимларидан С.Влахов ва С.Флорин ўзларининг “Неперводимое в переводе” монографиясида таржимада таржима қилиб бўлмайдиган хос сўзлар, яъни реалияларга кенг ва батафсил тўхталганлар. У реалияларни тўрт гуруҳга бўлиб, классификация қилган яъни:

1. Предметли тақсимланиш
2. Маҳаллий тақсимланиш

3. Вақтий тақсимланиш

4. Таржимавий тақсимланиш.

С.Влахов ва С.Флорин предметли тақсимланиш бўйича ажратган гуруҳни яна уч гуруҳга бўлади, Географик реалиялар, этнографик реалиялар ва ижтимоий-сиёсий реалиялар. Этнографик реалияларни таркибига таомлар, ичимликлар, ширинликлар, қандолотчилик кабиларни киритган. Шу билан бирган миллий либослар, уй-рўзгор анжомлари транспорт турлари касб-кор ва меҳнат ташкилотлари номларини ҳам гуруҳлаган. А. Федоровнинг “Основы общей теории перевода”, С.Влахов, С.Флориннинг “Неперводимое в переводе”, Л.Н.Соболевнинг “О переводе образа образом”, “В.Россельс “Перевод и национальное своеобразие подлинника”, Н.Владимирова “Национальный колорит и художественный перевод”, [6] тадқиқотларида кузатиш мумкин. Дарҳақиқат, бадий асарда аслиятда берилган миллий таомлар номларини бериш алоҳида маҳорат талаб этади. Чунки таржима амалиётда шу кунгача амалга оширилган асарлар таржимасида бир қанча хатоликлар кузатилган. Булар баъзан аслиятдаги таом номини таржима тилида мавжуд таом номи билан алмаштириш ёки русча транслитерация усуллари орқали бериш каби хатолардир. Масалан, Н.Владимирова ўзбек адиблари асарларининг немисча таржималарида ўзбек миллий таомлари “сомса”, “шашлык” кабиларни русча транслитерация орқали беришни қоралаган ва миллий таомлар ўзбекча транслитерация орқали бериши лозимлигини таъкидлаган. [7]

Ибн Баттута “Саёҳатнома” асарида ҳар бир мамлакатнинг турли хил ўзига хос миллий таомлари, мевалари ҳамда либосларининг номларини келтириб ўтади. Хоразм амири билан учрашган Ибн Баттута саройга кириб борар экан, амир уни турли хил таомлар, мевалар билан дастурхонга жалб қилади: ковурилган товук, турна ва каптар жўжалари, ёғлиқ сомсалар, ширин кулчалар ва турфа ширинликлар тортилади, мевалардан анор доналари, узум ва ажойиб қовунлар бор эди.

Тозаланган анор доналари ичига тилла қошиқчалар солинган олтин ва қумуш идишларда, бир қисми эса ироқий шиша идишларда тортилади деб ёзади Ибн Баттута. И. Тимофеев китобида “сомса” – “пирожок”, “кулча” – “қулича” деб таржима қилади. Қолган таом номларини мос равишда рус тилига ўгиради.

* Ширинова Р.Х. – ЎзМУ ХФФ Француз филологияси доценти, ф.ф.н.

Маълумки, ўзбек адиби Эркин Аъзамнинг “Шовкин” романи ва бир қанча ҳикоялари ўзбек таржимонлари Ш.Минаваров ва О.Набиевалар томонидан бевосита француз тилига таржима қилиниб, 2015 йилда китоб ҳолида чоп этилди. Тадқиқот доирасида ушбу асарларнинг французча таржималарида ўзбек миллий таомлари номларини берилишини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик. Мисолларга мурожаат қиламиз. **Аслиятда:**

“Саранжом-сариштали. Ишхонасида ҳам, Пакана кўзи билан кўрган одамда, бир дам тек ўтирмайди. Пазанда. Уйидан бир-икки марта *сомса* ёпиб келди, еб тўймайсиз” [8]

Таржимада:

“Elle était en plus, affectueuse, disciplinée et travaillait beaucoup. C’était également une très bonne cuisinière. Elle était capable de préparer *des samoussas fantastique*. Elle en avait fait profiter Courtaud plusieurs fois. C’était vraiment délicieux!” [9]

Навбатдаги мисол, аслиятда:

“Кейин то асар тайёр бўлгунча жамоага бир неча маротаба *зайтуну илик ёғига ош* қилиб, спектакль тайёр бўлган куни торроқ даврага, у сахнага чиққан ялпи кўрикнинг эртасига кенг даврага дабдабали зиёфат берарди” [8]

Таржимада:

“Il leur apportait *de pilaf* cuisine à l’huile d’olive et au gras de mouton qu’il mangeaient pendant le répétitions puis il organisait des banquets avant et après la pièce. D’abord pour un petit groupe et ensuite pour un groupe plus important” [9]

Демак, мазкур асар таржимасида ҳам ўзбек оши-палов русча транслитерация шаклида яъни “палов”-pilaf деб ўтирилганлигини шохиди бўлдик. Тажимон мазкур асарни ўзбек тилидан бевосита француз тилига таржима қилган бўлсалар-да, негадир русча тарнслитерациядан фойдаланганларни гувоҳи бўлдик. Бу эса, таржима амалиётида миллий колоритни ифодалаш орқасидан қувиб, бошқа тилларга хос усуллардан фойдаланиши китобхонни фақат чалғитиб қуяди, холос.

Кейинги мисолларда ҳам таом номининг берилишини кўриб чиқамиз. **Аслиятда:**

“Отаси-эски дўсти, халқ артисти, ўлгудек улфатпараст, пазанда, белиги пешбанд тутиб, чойхонадажигарни шундай қовурадики, ундан-да ошиб тушадиган *ошполовига* кейин биров қайрамай қуяди, ўзи лаганга босиб, ҳар гал ҳар хил жазманикига олиб боради. Улардан бири *ошхўрроқ* чиқдими, кўп йил бурун ўшани хотин қилиб кетган. Мактабда оддий муаллима бўлган эски хотинининг кўлида бир кизу мана шу ўғли Бахтиёр қолди” [8]

Таржимада:

“Dans la salon de thé *Chaikhana*, après avoir enfilé son tablier, il faisait tellement bien cuire le foie du’après l’avoir mangé, personne ne voulait plus goûter son *pilaf*, pourtant encore meilleure que le foie. Et donc il finissait toujours par en apporter un plat à l’une des ses maîtresses. L’une d’elles aimait tellement “son” *pilaf* qu’il y a de nombreuses années, il l’épousa, abandonnant sa première femme, une institutrice, ainsi qu’une fille et ce garçon Bakhtiyor” [9]

Демак, таржимонлар жуда кўп контекстлар

таржимасида русча транслитерациядан фойдаланганлигини бир неча мисолларда кузатдик.

Маълумки, Ўзбекистонда қовуннинг бир қанча навлари бор, яъни оби-новвот, кампир-қовун, гурвак, бўри калла, босволди, жўр канд, қари қиз, амири ва бошқалар. Қуйидаги матнда қовуннинг оби-новвот нави тўғриси қисқача айтиб ўтилган, таржимада эса таржимон “*une pastèque*” яъни “қовун” деб умумий мазунини китобхонга етказиб беришга ҳаракат қилган. **Аслиятда:**

“Бирок, серҳиммат дўкондор кўтариб келган *оби-новвотга* пичоқ санчилган захоти фавқулдда ҳол рўй берди: кўрғонимиз осойишталигига “файз” бағишлаб турган Каттақоннинг кучуги туйқус ақиллашдан қолди!” [8]

Таржимада:

“Alors que nous découpons *une pastèque* apportée par le généreux commerçant, il se produisit quelque chose d’extraordinaire. Le chien du patron qui ensorcelait le village sans interruption, cesse d’aboyer et le silence s’installe” [9]

Фикримизча, бу ерда таржимон қовуннинг нави номини кўрсатмасдан умумий “қовун” деб бериши китобхоннинг матнни осон тушунишига хизмат қилган.

Ибн Баттута “Саёҳатнома” асарининг Н. Иброҳимов томонидан ўтирилган таржимасида ҳам қовун тўғрисида маълумотлар берилган. Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам, (ислом мамлакатларидан Ғарбда жойлашган ўлкаларда) Хоразм қовунига тенг келадигани дуёда йўқ. Бухоро қовуни бундан мустасно, ундан кейин Исфохон қовуни туради. Пўчоғи яшил тусда, эти юмшоқ, жуда ширин ва айни замонда қувракдир. Шуниси қизиқки, 1 А. Saït Aykut. İbn Battûta Seyahatnâmesi s. 593. 2 Рихлат Ибн Баттута. 128. 41 ҳудди биздаги қурилган анжир (шариқа) ва Малага анжири каби бу қовунни тилим-тилим қилиб кесиб, офтобда қуришиб, саватга солиб, Хоразмдан Ҳиндистонга ва Хитойнинг узок шаҳарларига олиб бориб сотишади. Барча қурилган мевалар ичида қовунқокига тенг келадигани йўқ. Мен Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида яшаб турганимда сайёҳлар келиб қолса, гуломларимдан биронтасини қовун олиб келиш учун жўнатар эдим. Ҳиндистон подшоси, агар унга ҳатто озгина қовунқоки келтиришса ҳам, мен яхши кўришимни билиб, ҳузуримга юбортирар эди. Унинг одати – ажнабийларни ўз мамлакатларида пишадиган мевалар билан меҳмон қилиб, шу тариқа меҳрибонлик кўрсатишдан иборат эди. [10] Мазкур тадқиқотлар қовун навлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилган. Бундай ахборотни таржима тили китобхонига етказиш, албатта, рецептор учун кенгрок маълумот олишига хизмат қилади.

Бундан ташқари Эркин Аъзамнинг “Шовкин” романида ичимликлар номини ҳам учратиш мумкин. Масалан, аслиятда:

“Томоғини ҳуллаб турарга унча-мунча топиб бераётганига шуқр қилсин у! “*Оқ лайлақлар*” қаёқда, “*Чашма*” пашмаси ҳам кетаверади унга” [8]

Таржимада:

“Son marie devrait lui être reconnaissant pour l’argent qu’elle lui donne pour sa vodka. Pas de

Blanche cigogne, mais *La source*, un mauvais alcool, c'était bien suffisant pour lui" [9]

Демак, юкорида таржимон спиртли ичимликлар номи “Оқ лайлак” ва “Чашма”ларни таржима тилига ўгириш орқали матн мазмунини китобхонга тўлиқ етказиб берган. Бу эса китобхоннинг асарни тўлиқ тушуниб етишига, қийналмасдан мутуала қилишига олиб келган. Мазкур фаслда Эркин Аъзам асарларининг французча таржимасида таом, ичимликлар, савбзавотлар номларининг берилишини киёсий таҳлил қилдик. Таҳлиллардан эса қуйидаги хулосага келинди:

-Асарда ишлатилган таом номларини аслият билан паралел шаклда тўпланди ва лисоний таҳлил қилинди;

- миллий таом номларини маълум системага солинди ва мавзуйи жиҳатдан тасниф қилинди;

- таомномларини таржимада берилиш йўллари тадқиқ қилинди;

- таом номларини миллийлаштириш ҳолатларига муносабат билдирилди.

Таом номларининг қандай масалликлардан тайёрланиши ва шунга мос ҳолда, улар турларининг ҳар хил номлар билан аталиши, ўзига хосликлари, ҳар бир ҳудуд аҳолиси тилида катта фарқларга эга. Бу ўша ҳудуд аҳолиси турмуш тарзининг, ҳудудда етиштирилаётган ўсимлик ва ҳайвонот, зироат турларининг халқ маиший ҳаётига таъсирининг ва пировардида уларнинг тилига, хусусан, таом номларига таъсирининг натижаси сифатида юзага чиқади. Шуларни эътиборга олган ҳолда миллий асарлар таржимасида таом номларини русча транслитерация усулида бермаслик, таржима тилда ўхшаш таом билан алмаштирмаслик каби бир қатор мезонларга риоя қилиш зарур. Бу эса доимо таржима қиматини ва сифатини оширишга хизмат қилган ва бундай кейин ҳам хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика: Дис. ... канд. фил. наук. – Т.: “Фан”, 1983. С.168.
2. Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: “Фан”, 1977. Б. 4.
3. Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Т.: Узгосиздат, 1933. С. 3.
4. Шаниязов К. О традиционной пище узбеков // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Ташкент, 1972. С.106.
5. Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. –Тошкент: “Меҳнат”, 1989. – Б.342.
6. Дўстжанов Б. Хоразмтаомлари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. Б. 88.
7. Федоров А. Основы общей теории перевода.– М.: “Высшая школа”,1968., Влахов С., Флорин С., Непереводимое в переводе.– М.: “Высшая школа”,1970., Соболев Л.Н.О переводе образа образом.М. Издательство литературы на на иностранные языки, 1955., Россельс В.Перевод и национальное своеобразие подлинника.– М.: Советское издательство.1955.
8. Владимирова Н.Национальный колорит и художественный перевод. – Т.: “Ўқитувчи”, 1979. Б.53.
9. Эркин Аъзам. Пақананинг ошиқ қўнгли. – Т.: “Маънавият”, 2001. Б.12.
10. Erkin A'zam. Adieu aux contes de fées. – Т.: “Янги аср авлоди”,2015.Р.222.
11. Ибн Баттута.Саёҳатнома. – Т.: “Шарқ”, 2012.Б.363.

РЕЗЮМЕ

Настоящая статья посвящена переводу произведений узбекского поэта Эркина Азама на французский язык, в которой анализируются названия узбекской национальной пищи-продуктов и способы передачи на французский язык. В том числе отмечается, что и историки изучают названия узбекской национальной пищи-продуктов как часть этнографической лексики чтобы понять специфику нравов и обычаев, культуру, образ жизни узбекского народа.

Ключевые слова: художественный перевод, адекватность, национальное, названия национальных пищи-продуктов, культура, специфика, этнографическая лексика, нравы, обычаи, художественный и лингвистический анализ

RESUME

This article is devoted to the translations of Erkin Azam's works into the French language, decides there we analyze comparatively translations of Uzbek national meals into the French language. Including the mark of learning of Uzbek national meals as ethnographic vocabulary to comprehending the specific character of mode of life, culture and customs of Uzbek people.

Key words: literal translation, adequateness, nationality, names of national meals, culture, customs, specific character, ethnographic vocabulary, literal and linguistic analysis.

САК-МАССАГЕТ ЭПОСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДАГИ ТАЛҚИНЛАРИ

Қўчқоров Т.О.*

РЕЗЮМЕ

Мақолада Марказий Осиёда яшовчи бир қатор халқлар, шу жумладан, ўзбек халқининг келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этган қадимги этнослар орасида сак ва массагет қабилалари алоҳида ўрин тутганлиги айтиб ўтилган. Шунингдек, сак-массагет қабилалари мифологиясида қуёш, сув, олов ва ўсимликлар култи, ҳаёт дарахти билан боғлиқ космогоник қарашлари, серҳосиллик гоёсини ўзида акс эттирган “муқаддас она” образи, кийик, бўри каби жониворлар билан алоқадор тотемистик эътиқодлар, аждодлар ҳомийлигига ишониш анъанаси кенг тарқалганлиги ҳақида сўз юритилган. Тарихий тараққиёт давомидида минтақа аҳолисининг этник таркиби ўзгариши, бир қавм ўрнини иккинчиси эгаллаши, уруғ-қабилаларнинг ўзаро сингиб, бирлашиб кетиши ва бошқа этник жараёнлар контекстида ана шу қадимий мифологик арсенал ҳам диффузияланиб, Ўрта Осиё халқлари фольклори, амалий санъати, урф-одат ва маросимларида сақланиб қолганлиги ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Скиф, сармат, сак, массагет, дах, алан, қангла, алан, ос, ҳўтон-сак, апасиаклар, амиргий саклари.

Маълумки, Марказий Осиёда яшовчи бир қатор халқлар, шу жумладан, ўзбек халқининг келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этган қадимги этнослар орасида сак ва массагет қабилалари алоҳида ўрин тутди. Тарихий-археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, саклар даставвал Жунгория ва Тоғли Олтой этакларида истиқомат қилишган бўлиб, кейинчалик Сирдарё бўйларига кўчиб келиб жойлашишган. Милоддан аввалги VI асрга қадар Амударё ва Сирдарёнинг куйи хавзаси ҳудудидаги унумдор ерлар чорвадорлик ва қисман ўтрок деҳқончилик билан шуғулланиб, ўзига хос маданият барпо этган сак-массагет қабилалари истиқомат қилишган. Саклар ҳақидаги илк маълумот Доро I (милоддан бурунги 522-486 йиллар) томонидан Беҳистун қоятошига ёзилган битикда учрайди. Бу қоятош ёзувида қайд этилишича, ўзининг жанговар сафарлари ҳақида сўз юритган Доро I тилидан шундай дейилган: “Бундан сўнг мен сакларга қарши улар юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўкки қалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим. Уларнинг сардори Скунха исмли одамни тутиб, менинг ҳузуримга келтирдилар. Мен ўз хоҳишим билан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўл остига ўтди”[1]. Ушбу битикдан маълум бўладики, саклар Сирдарё бўйларида истиқомат қилган қабила бўлиб, улар ўз юртининг дахлсизлиги учун ташқи душманга қарши доим кураш олиб борган.

Аҳамонийлар сулоласи даврига мансуб “Накши Рустам” ёзувларида эса ўша даврдаги Мидия, Элам, Арья, Бактрия, Суғдиёна, Хоразм каби давлатлар қаторида “Сака Хаумаварка” ва “Сака Тиграхауда”, яъни “денгиздан нариги ердаги саклар” ҳам тилга олинган[2].

“Накши Рустам”да сак қабилаларининг икки тармоғи ҳақида маълумот берилганлиги ўз навбатида ўша даврларда бу этник бирлашма жуда катта нуфузга эга бўлганлигини кўрсатади. Бинобарин, манбаларда қайд этилишича, милоддан аввалги VII-V асрларда сак қабиласи бир неча катта гуруҳлардан ташкил топган бўлиб, улар парадарайа

саклари (Каспий орти саклари), хаомаварга саклари (хаома, яъни муқаддас ичимлик тайёрловчи саклар) ва тиграхауда саклари (учи қиррали қалпоқ киядиган саклар ёки Сўғддан нарида яшовчи саклар)га бўлинган эди. Бинобарин, парадарайа саклари Дунай дарёси қирғоқларига бўлган территорияни ишғол қилганлар. Қадимги Хоразм воҳасида, аниқроғи, Амударёнинг кўҳна ўзани Ўзбойдан Жангадарёгача бўлган ҳудудда яшайдиган қабилалар эса “апасиаклар”, яъни “сув саклари” деб аталган. Улар ўша ерда истиқомат қиладиган хоразмийлар билан ёнма-ён яшаган. Милоддан бурунги IV асрда Жангадарё хавзасидаги Чирикработ шаҳри апасиакларнинг пойтахти вазифасини бажарган. Бу ердан топилган археологик топилмалар орасида мустаҳкам зирҳли жанговар кийимлар кўплиги сакларнинг ғоят ботир ва жасур бўлганлигини кўрсатади[3]. Оролбўйи минтақасининг жанубий-шарқий ҳудудларидан токи Нурота тоғ тизмаларига бўлган улкан минтақа эса “амиргий саклари”, яъни “тоғ ва текисликлар саклари”га тегишли бўлган. Хаомаварга саклари Амударёнинг куйи оқими хавзаси бўйлаб жойлашган бўлишса, тиграхауда саклари Сирдарё атрофларида, шунингдек, Таласа ва Чу водийсида истиқомат қилишган. Саклар билан сўғдлар юртининг чегараси Яксарт дарёси, яъни Сирдарё ҳисобланган. Тарихий тадқиқотлар натижасида сак қабилаларининг Зарафшон воҳаси, ҳозирги Тошкент вилояти ҳамда Фарғона водийсида ҳам тарқалганлиги маълум[4]. Баъзи илмий манбаларда эса “амиргий саклари”нинг тарқалиш ҳудуди Фарғона водийсини ҳам ўз ичига қамраб олганлиги айтилади[5].

Жўгрофий жиҳатдан ғоят улкан ҳудудда тарқалган саклар маданиятининг умумий жиҳати уларнинг қадимги санъатида “хайвон услуби” нинг устуворлик қилиши ҳисобланади. Улар ўзларининг мифологик тасаввурлари ва эътиқодий инончларини турли хил жониворлар, кўпинча, афсонавий-хаёлий мавжудотлар тасвири, шунингдек, икки жонзотнинг олишуви акс эттирилган лавҳалар орқали айнан ана шу услубда талкин қилишган.

*Қўчқоров Т.О. – ЖДПИ катта-илмий ходим изланувчиси.

Қадимги юнон манбаларида, шу жумладан, Сицилиялик Диодорнинг асарида “сак ва массагетлар аслида ягона скиф халқи бўлиб, уларнинг номлари хукмдорларининг исмларидан олинган”лиги қайд этилади. Геродот ҳам ўзининг “Тарих” асарида сак ва массагетларни “юнонлар скиф деб атаганликларини”[6] ёзган.

Зеро, Хуанхэ дарёсидан Дунайгача бўлган катта минтақада олиб борилган археологик қазилмалар чоғида “хайвон услуби” (ёки бошқача қилиб айтганда, “Сибирь хайвон услуби”)га асосланган қадимги санъатни ўзида акс эттирган кўплаб ёдгорликлар, шунингдек, тарихнависликда “скиф” номи билан атаб келинаётган қадимги этносга хос курол-яроғ ва от анжомлари, кийим-кечаклар топилганлиги[7] ҳам биринчидан, бу ҳудуд аҳолисининг этник таркибида сак ва массагетлар ҳам мавжуд бўлганлиги; иккинчидан, уларнинг қадимги архаик маданияти яхлит тизимни ташкил этганлигинидан далолат беради.

Айрим ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, саклар ўлкасининг шарқий чегаралари Хўтонгача бўлган жойларни ўз ичига қамраб олган. Милодий VII-X асрларга мансуб шарқий Туркистон ёзма ёдгорликлари орасида қадимги сак ёки “хўтон-сак” тилида ёзилган ёзма ёдгорликлар лексикасини хинд-европа тиллари билан қиёсан таҳлил қилган тилшунос олим В.И.Абаевнинг ёзишича, бу обидалар милоддан бурунги II асрда Юнон-Бақтрия давлатини фатҳ этиб, кейинчалик шимолий Ҳиндистонга юриш қилган сак қабилалари тилида ёзилган[8]. Бу эса ўша даврда катта нуфузга эга бўлган сакларнинг тили, мифологик тасаввурлар тизими ва оғзаки бадиий ижоди, хусусан, уларнинг жанговар юришлари тўғрисидаги тарихий қўшиқ ва ривоятлар анча кенг тараққий этганлигидан далолат беради.

Тарихий тараққиёт мобайнида сак ва массагет қабилалари бугунги ўзбек халқи таркибидаги бир қатор уруғлар таркибига сингиб кетишган. Хусусан, Сирдарё бўйларида истиқомат қилган саклар кўнғирот уруғининг қадимги аجدодлари – қанглалар таркибига ассимиляциялашиб кетганлиги маълум[9]. Шунингдек, ўзбек халқининг шаклланишида муҳим ўрин тутган ўғуз этник қатламнинг шаклланишида тарихий келиб чиқишига кўра сак-массагет қабилаларига алоқадор алан этноси ҳам фаол компонент сифатида иштирок этган. Этнограф Ю.С.Гаглойтининг аниқлашича, алан қабиласининг шарқий гуруҳига мансуб уруғларнинг келиб чиқиши бевосита массагетларга бориб тақалган[10]. Шунинг учун ҳам сармат, сак, массагет, дах, алан, ос ва қадимги хоразмийлар оғзаки бадиий ижоди анъаналарининг Оролбўйи минтақаси халқлари фольклоридagi рудиментларини тадқиқ этган Л.С.Толстова “массагет-алан субстрати”[11] терминини қўллаганлигини тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки милоддан бурунги VII – милодий II асрларга Оролбўйи минтақасини асосан сак-массагетлар эгаллаган бўлишса, шундан кейин бу ҳудудда тарихан ана шу қадимги этноснинг давомчилари ҳисобланган алан ва ос уруғлари яшашган. Аланларнинг тарқалиш ареали Шимолий Кавказдан

тортиб Оролбўйигача бўлган кенг ҳудудни ўз ичига қамраб олган. Аслида Амударё соҳилларида истиқомат қилган аланларнинг этник миграцияси сабабларини Абу Райҳон Беруний шундай изоҳлайди: “У (Журжон ва Хоразм ўртасидаги қум саҳроси) бир вақтларда кўл бўлган бўлса керак, чунки Жайхун – мен Балх дарёсини айтмоқчиман – у орқали Хазар денгизига Балхан деб аталган шаҳар яқинидан оқиб борган...Жайхун у вақтда ҳозир саҳро бўлиб ётган Замм (Карки) билан Амуя (Чоржўй) ўртасидаги жойларни кесиб ўтган, Балханга етиб боргунча ўз йўлида учраган шаҳар ва қишлоқларни суғорган ва Журжон ҳамда Хазар ўртасида денгизга бориб қуйилган. Йўлида тўсиқлар пайдо бўлганлиги учун унинг суви ғўзлар мамлакати чеккаларига қараб бурилган. Унинг йўлида тоғ учраган. Бу тоғни ҳозир Фамм-ал -асад (Даҳани шер) деб, Хоразм аҳолиси эса уни Сакр-аш-Шайтон (Шайтон тўғони) деб атайди. У (сув) тўпланади ва қирғоқларидан тошиб чиқади, сув тўлқинларининг излари унинг (тоғнинг) тепасида сақланиб қолган. У (сув) оғирлик ва босим чегарасидан ўтгач, бу омонат тошлар устига чиққандан кейин улар орасидан ёриб ўтган ва тахминан Дулдулотлагандан Туямўйингача бўлган бир кунлик йўл масофасини босиб ўтган, сўнгра у ўнгга – Форобга, ҳозир Фаҳми номи остида машҳур бўлган ўзан бўйлаб оққан ва одамлар унинг қирғоғида уч юзта шаҳар ва қишлоқлар қурганлар, уларнинг харобалари ҳозирда ҳам сақланиб қолган. Бу ўзанга ҳам, у бошлангандан кейин, биринчи ўзандагидек тўсиқ учраган; сувнинг йўли тўсилиб, у чапга бурилган ва Маздубаст исмли ўзанда Хоразм ва Журжон ўртасидаги саҳродан ўтиб, бижноклар еригача оқиб борган. У кўп жойларни босиб кетган ва уларни узоқ вақтларгача хонавайрон ҳам қилган; уларнинг аҳолиси Ҳазар денгизи бўйига қўчиб кетган. Булар алан ва ос уруғлари бўлиб, ҳозир уларнинг тили хоразмийлар тили билан бижнок тили аралашмасидан иборат”[12].

Сарматлар, сак-массагетлар ва кейинги этногенетик жараёнлар натижасида бу этнослар субстратини ўзига сингдириб юборган алан, ос ва бошқа кўплаб уруғлар Оролбўйи минтақаси аҳоли этник таркибининг шаклланишида бевосита иштирок этганлигини тасдиқлайдиган этнолингвистик маълумотлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаган Л.С.Толстова қорақалпоқ халқи таркибидаги мўйтен қавмининг “самат” номли уруғи қадимги сарматларга боғлиқ деб ҳисоблайди[13]. Хоразм воҳасида қадимий алан уруғи номи билан боғлиқ ҳолда шаклланган Аланёб, Қирқ алан, Хўжамиёр алан каби жой номлари,[14] ос этнонимига алоқадор Осқалъа (Амударё), Ослар (Гурлан), Осиён (Қўшқўпир), Осмачит (Хива) каби топонимлар[15] мавжудлиги, шунингдек, Амударёнинг чап соҳилида истиқомат қилувчи қипчоқ уруғига мансуб ўзбеклар таркибида “ос” шаҳобчаси,[16] XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Сурхон воҳасида яшаган юз уруғининг жилонтамғали шаҳобчасида “яс” уруғи[17] борлиги қайд этилган. XVIII асрда Бухорода яшаб ижод қилган тарихчи Мирза Бадиулдеваннинг “Мажмуаи ал-аркам” асарида

келтирилган олчин, кушчи, керайит, корлук, дўрман, уйшун, арлат, катагон, сарой каби 52 ўзбек уруғлари сирасида “ас” уруғининг номи ҳам тилга олинган. Тарихнависнинг ёзишича, аслар хон лашкарининг ўнг қанотида хизмат қилишган[18]. Ана шу каби материаллар Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги аҳоли тарихий тараққиёт давомидаги мураккаб ва кўпқатламли этник жараёнлар натижасида кейинчалик ушбу минтақада истиқомат қилган халқ ва қавмлар таркибига сингиб кетганлигини кўрсатади. Бу эса сак-массагет мифологияси ва эпик аъёнлари этник жараёнлар тизимидаги оралик бўғин – қангла, алан, ос ва бошқа уруғлар номоддий маданий мероси орқали минтақадаги ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари фольклорида давом этиб келганлигидан шохидлик беради.

Маълумки, археологик изланишлар натижасида Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси, шу жумладан, сармат, сак, массагет, алан, сўғд, кушон ва бактрийларнинг архаик мифологиясини ўзида акс эттирган кўплаб ёдгорликлар топилган. Ана шундай топилмалардаги космогоник, анимистик, тотемистик ва дуалистик тасаввурлар акс этган мифологик талқинларни минтақа ҳудудида яшовчи ҳозирги халқлар фольклори материаллари билан қиёслаб ўрганган олимлар скиф-сармат, яъни сак-массагет мифологияси билан Ўрта Осиё халқлари асотирий қарашлари орасида муштаракликлар мавжудлигини

тасдиқлайдиган кўплаб фактларни аниқлашган[19]. Сак-массагет мифологияси яратилган ва унинг бугун ушбу ҳудудда яшаётган халқлар фольклоридаги рудиментлари ҳамда эпик талқинлар ўртасидаги қарийиб икки ярим – уч минг йиллик даврий чегара бўлишига қарамадан улар орасидаги тарихий-генетик муштараклик, ўзаро тарихий-ворисий алоқадорлик яққол кўзга ташланиб туради. “Ҳайвон услуби”га мансуб археологик топилмалар орасида от култи билан боғлиқ ёдгорликлар кўпчиликини ташкил этиши Страбоннинг массагетлар куёшга топиниб, унинг шарафига отларни қурбонлик қилишлари ҳақидаги маълумотини ёдга туширади. Шунингдек, сак-массагет қабилалари мифологиясида куёш, сув, олов ва ўсимликлар култи, ҳаёт дарахти билан боғлиқ космогоник қарашлар, серҳосиллик ғоясини ўзида акс эттирган “муқаддас она” образи, кийик, бўри каби жониворлар билан алоқадор тотемистик эътиқодлар, аждодлар ҳомийлигига ишониш аъёнлари кенг тарқалган эди. Тарихий тараққиёт давомида минтақа аҳолисининг этник таркиби ўзгариши, бир қавм ўрнини иккинчиси эгаллаши, уруғ-қабилаларнинг ўзаро сингиб, бирлашиб кетиши ва бошқа этник жараёнлар контекстида ана шу қадимий мифологик арсенал ҳам диффузияланиб, Ўрта Осиё халқлари фольклори, амалий санъати, урф-одат ва маросимларида сақланиб қолган.

АДАБИЁТЛАР

1. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. - Тошкент: “O‘zbekiston”, 2015. - Б.100.
2. Ўша ерда.
3. Толстов, 1962. - С. 148-150.
4. Толстов С.П. Древний Хорезм (опыт историко-археологического исследования). - М., 1948. - С.244-145.
5. - С.147.
6. Геродот, IV.-Б.6.
7. Дьяконов М.М. Очерки истории древнего Востока. - М., 1956. - С.242-245.
8. Абаев В.И. Скифо-европейские изоглоссы. - М.: “Наука”, 1965. - С.12.
9. Маликов А.М. К.Вопросу о происхождении кунградцев // Вестник Каракальпасского филиала АН РУз. - Нукус, 2008. -№1(210). - С.62.
10. Гаглойти Ю.С. Аланы и вопросы этногенеза осетин. - Тбилиси, 1966. - С.59-62.
11. Толстова Л.С. Исторические предания Южного Приаралья. -М.: “Наука”, 1984. - С.186-194.
12. Бу иктибос қуйидаги манбадан олинди: Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. - Тошкент, 1958. - Б.26.
13. Толстова Л.С. Кўрсатилган асар. - Б.187.
14. Вайнберг Б.И. Топонимика как источник по истории туркмен Хорезма // Топонимика Востока. - М.: “Наука”, 1962. - С.45.
15. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. - Тошкент: “Фан”, 1985. - Б.91.
16. Толстова Л.С. Кўрсатилган асар. - Б.187.
17. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. - М.: “Наука”, 1976. -С.97.
18. Бубенюк О.Б. Следы исчезнувших аланов в Средней Азии // Східний світ. - Минск, 2003. - №1. - С.31.
19. Артамонов М.И. Сокровища саков. - Л., 1973; Акишев А.К. Искусство и мифология саков. - Алмата: “Наука”, 1984; Погребова М.Н., Раевский Д.С. Ранние скифы и Древний Восток. -М., 1992.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается что в Центральной Азии, ряд стран, в том числе происхождение узбекского народа, как правило, играют важную роль в древних этнических групп и племен массагетских, согласно упомянутому особое место. Кроме того, САКО-Массагетские племена мифологии солнце, вода, огонь, растения и виды дерева жизни, связанный с культом космогонии, отражающие чаяния идеи «святая мать» изображения, олени, волки, такие как животные тотемистический верований, связанных с широким распространением традиции предков полагаться на протекции, Историческое изменение этнического состава населения региона в процессе развития людей, которые занимают позицию других племен, племена тонуть вместе в контексте процессов и других этнических диффузного этот древний мифологический арсенал, Центральной Азии, фольклор, искусство, сохранившиеся традиции и обряды.

Ключевые слова: Скиф, сармат, сак, массагет, дах, алан, кангла, алан, ос, хутон-сак, апасиаки, амиргийские саки.

RESUME

This article deals with that a number of peoples living in Central Asia, including the origin of the Uzbek people, as a rule, plays an important role in ancient ethnic groups and according to special place of tribes Massaget. Moreover, Sak-Massaget tribal sun mythology, water, fire, plants and species of the tree of life, associated with the cult of cosmogony, reflecting the aspirations of the idea of "holy mother" image, deer, wolves, such as animal totemic beliefs associated with the widespread tradition of ancestors rely on patronage, Historical change the ethnic composition of the population of the region in the development of the people who occupy the position of the other tribes, tribes sink together in the context of processes and other ethnic diffuse this ancient mythological arsenal, Central Asia, folklore, art, preserved traditions and ceremonies.

Key words: Scythian, Sarmatian, Saka, Massaget, dah, Alan, Kangly, Alan, wasps, Hooton-Sak, apasiaki, amirgical Saks.